

СУЙИМА ҒАНИЕВА

Алишер Навоий таваллудининг
525 йиллик юбилейига
бағишланади

АЛИШЕР НАВОИЙ

(Ҳаёти ва ижоди)

УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЁТИ
Тошкент—1968

Бу китобда Алишер Навоийнинг сермашаққат ҳаёт йўли, давлат арбоби сифатидаги фаолияти, бадий ва илмий ижоди оммабоп услубда баён этилади. Автор улуғ шоирнинг асарларида илгари сурилган илгор ғояларни атрофлича таҳлил қилиб, уларнинг ҳозирги кунимиздаги аҳамиятини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

Асар барча китобхонларга мўлжалланади.

Масъул муҳаррир
филология фанлари доктори
АЗИЗ ҚАЮМОВ

Ғаниева С. Ғ.

Алишер Навоий (Ҳаёти ва ижоди). Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейига бағишланади. Масъул муҳаррир филология фан д-ри А. Қаюмов.

Т., «Фан», 1968.
148 бет. Тиражи 3000

1. Навоий Алишер, унинг ҳақида.

8Ўз

*Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулгга сабот,
Ажаб саодат эрир чиқса, яхшилик била от.*

Алишер Навоий

Алишер Навоий ўлмас асарлари билан ўз халқи адабиётини жаҳон адабиёти миқёсига кўтарган ва илғор инсоният маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибдир.

Алишер Навоий 525 ёшга кирди — асрлар оша бизга етиб келди, бизнинг замондошимизга айланди.

Бунинг ўзининг бир олам сири ва сабаби бор.

XV аср. Мовароуннаҳр. Даҳшатли ўзаро урушлар ва қирғинлар, тоқат қилиб бўлмас даражадаги зулм ва зўравонлик, зулмат ва разолат. Фирибгар ва талончи феодаллар, ғоратчи ва ғийбатчи шоҳлар, беклар, амалдорлар. Вайрона қишлоқлар, ғам ва алам билан қопланган шаҳар ва хонадонлар. Риёкор руҳонийлар, дин ва хурофот, уччига чиққан адолатсизлик ва шафқатсизлик, ҳуқуқсизлик ва қашшоқлик.

Бу Навоийни бунёдга келтирган ва ҳоким бўлган давр манзарасининг бир томони, машъум томони.

Яна ўша аср. Яна ўша мамлакат. Халқ даҳоси ва ижоди, ажойиб фазилатлари, гўзал орзу-умидлари ва интилишлари. Маълум йилларда барқарор тинчлик. Анчагина ривожланган ҳунармандлик ва ҳам ички, ҳам ташқи савдо муносабатлари. Маданиятнинг ҳар соҳасида катта тараққиёт. Номлари ҳамон тарихда тилга олиниб келинаётган улуғ шахслар — олим ва шоирлар, бастакор ва рассомлар, меъмор ва хаттотлар, уларнинг умумбашарий маданият хазинасини бойитган ижодий меҳнат усуллари, асарлари. Улуғбек, Қозизода, Румий ва Али қушчи, Лутфий ва Жомий, Мирхонд ва Хондамир, Беҳзод ва Музаҳҳиб, Абуллайс, Абдулжамил ва устод Қулмуҳаммад шу улуғлар жумласидандир.

Бу Навоийни бунёдга келтирган давр манзарасининг иккинчи томони — ижобий томони.

Яна ўша аср. Яна ўша мамлакат. Ижтимоий ҳаётдаги, социал гуруҳлар орасидаги курашнинг ифодаси бўлган маънавий ҳаётдаги чуқур зиддият. Кескин идеологик тўқнашувлар. Илғор ва консерватив, қолоқ, реакцион мафкуранинг ривожланиши.

Бу Навоийни бунёдга келтирган давр манзарасининг яна бир ғоят характерли томони.

Ниҳоят, асрлар давомида яратилган ва Навоий учун маънавий озуқа ҳамда замин бўлган, Навоийни бунёдга келтирган маданият, илмий ва адабий бойликлар. Аристотель ва Сократ, Фирдавсий ва Низомий, Саъдий ва Ҳофиз, Форобий ва Беруний, Ибн Сино ва Тафтазоний, ал-Маорий ва Хисрав Деҳлавийлар қолдирган буюк мерос шулар жумласидандир.

Навоий ғоят зиддиятли ва ҳашаматли, дабдабали ва кулфатли даврда яшаб, ҳар нарсадан олдин шу даврнинг фарзанди бўлди. У ўз ижодида шу давр қомусини яратди, паст-баландликларга, кучли зиддиятларга йўл қўйди. Гоҳ давр савиясидан, ҳоким муосир мафкурардан жуда юқори кўтарилди ва илгарилаб кетди, гоҳ эса қолоқ фикрлар даражаси ва доирасида бўлди.

Лекин унинг яратган қомусида энг катта ва энг характерли ўринни ҳайратомуз санъаткорлик билан ифодаланган илғор фикр ва ғоялар, ажайиб орзу ва интилишлар, баркамол образлар эгаллайди. Худди мана шулар Навоийни ўлмас қилди, унинг асрлар оша бизга қадар етиб келишига, бизнинг замондошимизга айланишига, барча башарият томонидан эъзозланишига сабаб бўлди.

Тарих шуни кўрсатдики, улуғ маданият арбоблари ҳамниша, ҳар бир мамлакатда, ҳар бир авлод учун замондош бўлдилар, шу авлодларга хизмат қилдилар. Чунки уларнинг ўлмас орзу-умидлари, улар куйлаган илғор фикр ҳамда интилишлар ҳамма асрлар ва авлодлар учун моҳиятча тааллуқли ва муҳим, бинобарин замонавий бўлди.

Улуғ Навоий ижоди маҳсулининг тақдири ва тарихи ҳам шундай. У шу туфайли беш асрнинг ҳар бирида, қатор-қатор мамлакатларда халқлар ва ижодкорлар қаторида туриб ёмонликни рад этиш ва яхшилик учун курашишда, авлодларни тарбия этишда ва ижтимоий

тараққиётни таъмин этишда фаол иштирок этди. Ниҳоят бизники бўлди.

Шоир ва олим, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг ҳамиша диққат марказида турган, белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала инсон, халқ ва ватандир, шулар ҳақида қайғуришдир. Барча бош масалалар, барча воситалар, жумладан Навоийнинг ақли ва даҳоси, қалами ва ғайрати, бетиним кунлари ва бедор тунлари, қолаверса беҳад куйиш ва кўз ёшлари, оҳ-доди ва фарёди — буларнинг ҳаммаси ўша бош масалага қаратилгандир, ўша билан боғлиқдир, ўша билан тақозо қилинади ва изоҳланади.

«Кимки инсондурур анинг маҳбуби ҳам инсон керак».

«Одами эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами».

Мана Навоийнинг асосий принциплари. Унинг бутун ҳаёти мана шу принципларни ҳар хил воситалар билан, жумладан ва айниқса юксак сўз санъати ва гениал тафаккур воситаси билан ифодалаш, уларга хизмат қилиш, улар учун курашиш билан ўтди.

Навоийни ўлмас ва улуғвор этган, ҳам ўз замонида, ҳам ўзидан кейин асрлар мобайнида тилларда ва дилларда дoston қилган бош омил мана шудир.

Буюк адиб ўша даврдаги бадий ижоднинг деярли барча турларида ва формаларида ўзининг моҳир санъаткорлигини намойиш қилди.

Навоий 30 дан ортиқ асар ёзган. «Хазойинул маоний», «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий», «Лисонут тайр», «Мажолисун нафос», «Маҳбубул қулуб», «Муҳокаматул лугатайн», «Мезонул авзон», «Хамсатул мутаҳаййирин», «Тарихи мулуки Ажам» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, ғайри инсоний феодал тартиб-қоидалар ҳоким бўлган, инсон ва унинг қадр-қиммати ҳеч даражага келтирилган, инсон хокисор ва хору зор этилган, унинг эрки ва эзгу истаклари поймол қилинган шароитларда Навоий гуманизм байроғини баланд кўтарди, инсонни улуғлади, кўкларга кўтарди, коинот тожи деб, хилқатдаги барча нарсалар, барча мавжудотлар орасида энг қимматлиси деб эълон қилди, унга бахт

тилади, уни ўзига муносиб ҳолда саодатли қилмоқчи бўлди. Шу мақсадда, ҳатто уни илоҳийлаштирди.

Навоий ўз асарларида шу инсоннинг дил дардлари ва олижаноб интилишларини, реал туйғу ва орзуларини куйлади. Ҳам маънавиятда, ҳам ҳаракатда ўта тўла қонли ва ажойиб, ғоят мураккаб психологияли одамлар образини яратди, улар орқали гўзал инсоний фазилатларни тараннум этди, ардоқлади. Шарм-ҳаёлик, севгида садоқат ва вафодорлик, ватанпарварлик ва дўстлик, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварлик, ростгўйлик ва адолатпарварлик, илмга, маърифатга интилиш безайди бу шахсларни. Фарҳод, Ширин ва Шопур, Лайли, Мажнун ва Навфал, Дилором, Меҳр ва Жўна, Искандар, Арасту ва Афлотун шулар жумласидандир. Бу қуйма образлар, уларнинг гўзал фазилатлари, қаҳрамонона ишлари асрлар мобайнида авлодлардан авлодларга ўта тилларда ва дилларда яшаб келди, дoston бўлди, миллион-миллионларни тарбиялашда, разилларга қарши курашга ва яхшилик томон интилишга ундашда катта роль ўйнаб келди.

Яна ўшал машъум феодал шароитларда, зулм ва зулмат ҳукмрон бўлган ва халқ ҳар жиҳатдан оёқ ости қилинган вақтларда Навоий ўз тақдирини шу халқ тақдири билан чамбарчас боғлади, ўз ҳаёти ва ижодининг маъносини шу халққа сидқидил хизмат қилишда кўрди. Навоий шу халқни улуғлади, кўкларга кўтарди. Зарбоф тўнли ҳоким зодагонлар халқни — қашшоқ ва ямоқ тўнларини ҳар қандай йўл билан таҳқирлаганларида Навоий баланд овоз ва фахр билан:

«Хўб, йиртиқ тўн била ҳам хўб, гул
ямоғлик чапони била маҳбуб»,—

деди. Шоир халқнинг ўта фожиали аҳволидан фарёд солди, уни бахтиёр этмоқчи бўлди, унинг ҳаққи-ҳуқуқи ва эркига, қадр-қиммати ва мол-мулкига чангал ташлаган золим ҳамда талон-торожчилар билан қаттиқ олишди. Халқни озод ва фаровон, маърифатли ва тинч турмушли кўришни орзу қилди, шу учун курашишни шараф иши деб билди, одамга баҳо беришда биринчи ва асосий ўлчов шу бўлишлиги керак дея таъкидлади:

Яхшироқ бил они улус ароким,
Кўпрак ўлғай улусға нафъ ондин.

Навойи халқларнинг ҳеч қачон бирини бошқасида афзал кўрмади. Аксинча, барча халқлар баробар деб билди, барча халқларга катта муҳаббат ва ҳурмат билан қаради, улар орасида самимий дўстлик ва ҳамкорлик бўлишини ўзининг энг катта идеалларидан бири деб билди.

Халқ билан бўлиш, унинг қайғусини чекиш, унинг бахт-саодати учун курашиш, унинг орзу ва интилишларини ифодалаш, куйлаш, халқлар дўстлигини тараннум этиш, ардоқлаш Навойни барча халқлар томонидан беҳад севилишига, асрлар мобайнида ўз асарлари билан барҳаёт бўлишига, бизнинг ҳамкоримиз бўлишига сабаб бўлди.

Улуғ мутафаккир санъаткорнинг энг муҳим тарихий хизматларидан бири шундан иборатки, у зулмат ва разолат, жаҳолат ва хурофот ҳоким бўлган юқори табақалар орасида хулқий бузуқлик ва маънавий тушкунлик кенг қанот ёйган даврда аҳволи ғоят аянчли бўлган, хокисор этилган аёлларнинг самимий халоскори ва дўсти, муҳофизакори ва ғамгусори бўлди. Уларнинг қадр-қиммати ва эркини топтаганларни, виждони, ор-номуси ва орзуларини поймол этганларни кескин танқид остига олди.

Навойи аёлларни кўкларга кўтарди, уларни эркин ва бахтиёр кўришни орзу қилди, шу йўлда курашди. Шу билан ҳам ўз номини абадийлаштирди.

Бузруквор мутафаккир шоиримизнинг энг яхши орзулари бизнинг замонамиздагина амалга ошди.

У шу билан ва шунинг учун улуғдир. Шу билан бизнинг замондошимиздир.

Навойи томонидан яратилган юксак бадният намуналари ифодаланган, ардоқланган энг илғор фикрлар, инсонпарварлик ва ватанпарварлик, софлик, вафодорлик ва меҳнатсеварлик, халқпарварлик ва тинчликсеварлик каби юксак инсоний фазилатлар биз учун ғоят қимматлидир.

У шу билан ва шунинг учун улуғдир, шу билан ва шунинг учун бизнинг замондошимиз ва ҳамроҳимиздир.

Шунинг учун ҳам бу буюк зотнинг 525 йиллигини барча илғор башарият, барча бахтиёр совет кишилари зўр севинч, ҳурмат ва миннатдорлик билан қайд қилмоқдалар.

НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИ

Навоий яшаган даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда феодализм нисбатан ривож топган, деҳқончилик, ҳунармандчилик ўсган, Юнонистон, Хитой, Россия, Ғарбий Европа ва бошқа Шарқ мамлакатлари билан маълум даражада кенг савдо-сотиқ муносабатлари мавжуд эди. Марказлашган давлатнинг мавжудлиги, мамлакатда бир қадар тинчлик ҳукм сурганлиги, шунингдек, Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро каби ҳокимларнинг феодал маданиятга хайрихоҳлик билан қараганликлари сабабли мамлакатда, айниқса, Ҳиротда маънавий ҳаётда катта жонланиш сезилар эди.

Машҳур астрономлар Улуғбек, Қозизода Румий, Али қушчи, Гиёсиддин Жамшид астрономия фанини янги босқичга кўтардилар. Самарқанд обсерваторияси дунёда ўша вақтгача бўлган расадхоналарнинг энг мукаммали ва энг бойи ҳисобланарди. Ҳиротда буюк адиблар, машҳур тарихчилар, моҳир санъат усталари, нозик қалам хаттоғлар яшардилар.

Лекин халқнинг аҳволи оғир эди. Оғир солиқ системаси, теурийларнинг ўзаро низолари халқ бошига кулфат устига кулфат соларди. Деҳқонларнинг турмуш-аҳволи айниқса фожиали эди. Улар ўндан ортиқ хил солиқ тўлашга мажбур этилардилар. Сўнгги йўқ жабр-зулмлардан, доимий очлик, қашшоқликдан тоқати тоқ бўлган меҳнаткаш халқ бир неча бор бош кўтариб чиқди. 1441—1442 ва 1469 йиллардаги халқ қўзғолонлари аёвсиз бостирилди.

Мана шундай зиддиятли даврда яшаган Алишер Навоий зулм ва адолатсизликка қарши чиқиб, халқ ва ватан манфаатларини дадил ҳимоя қилди.

Навоий 1441 йил 9 февралда Ҳирот шаҳарида ту-

ғилди. Унинг отаси Ғиёсиддин Кичкина темурийларга яқин турган олий табақага мансуб бўлиб, Сабзавор ҳокими эди.

Алишер жуда ёшлигиданоқ ўткир зеҳн ва катта қобилият соҳиби эканлигини кўрсатди, шеърингни бениҳоя севди. У Шарқ адабиёти классикларининг асарларини, чунончи, Қосим Анвар деган машҳур шоир шеърларини. Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон»ини севиб ўқир эди.

У, айниқса, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут тайр» асарини катта қизиқиш билан ўқийди. Ҳатто уни тамомила ёд қилиб ҳам олади. Бу ҳақда Навоий ўзининг «Лисонут тайр» асарида бундай деб ёзади:

«Бу воқеани шундай хотирлайман: болалик чоғимда, мактабда болалар дарсни ўрганиш учун ҳар тарафдан бир хил овоз чиқарардилар. Дарсинг азобидан ё «худо» сўзини такрор қилишдан безсалар, муаллим ўқувчиларнинг хотирасини жонлантириш, саводини раvon қилиш ниятида шеър ўқитар эди. Баъзан «Гулистон», «Бўстон»даги сингари ҳикояларни ҳам ўқитар эди. У чоғ менинг ҳавасманд табиатим «Мантиқут тайр»ни истади. «Мантиқут тайр»ни аста-секин такрор қилиш натижасида содда кўнглим унинг сўзларидан баҳра олди. Табиатим бу сўзларга ошно бўлгач, бошқа сўзларга майлим қолмади. Китобнинг ҳикояларига, қуш тилидан айтилган кинояларига кўникдим. Бирор сўздан табиатим очилса, у сўзнинг қандай маъноси борлигини топишга интилардим. Мени у китобни ўқиш завқи хурсанд қилар эди. Бироқ изоҳ эта олмасдим. Менинг борган сари бу китобга берилишим шундай кучайдики, оқибат кишилар билан муносабатимни узди, у китоб ёлғизлик чоғларимда дўстимга айланди. Кишиларнинг оддий сўзларини ёқтирмайдиган бўлиб қолдим. Бундай ҳолимни болалар пайқаб, қий-чув кўтариб, сўз қила бошладилар. Бу сўзларни ота-онам ҳам эшитишди. Авом (оддий илмсиз) кишилардек ваҳимага тушдилар. Табиати телбалikka учраб, тузатиш қийин бўлиб қолмасин деб ўйладилар шекилли китобни топиб йўқ қилдилар. Бу китоб билан шуғулланишдан кўнглимни маҳрум этдилар. «Мантиқут тайр»ни ўқишгина эмас, ҳатто унинг устида сўз очишни ҳам бутунлай ман қилдилар. Орадан узоқ вақт ўтгач, менинг ҳолимдан умидсизлана бошладилар, чунки бу сўзлар хотиримда сақланиб қолган эди.

Ҳар вақт уларни яширинча такрорлаб юрар эдим. Ундан бошқа китобга майлим оз, кўнгил «Мантиқут тайр» билан сирдош эди».

Илм ва санъатни қадрловчи Гиёсиддин Кичкина ўғлининг атрофлича билим олишига етарлича аҳамият берди ва уни замоннинг машҳур олим, шоир, музикашунос ва хаттотлари тарбиясига топширди.

1456 йилда Алишер Хуросон подшоси Абулқосим Бобир хизматига киради. 1457 йили унинг вафотидан сўнг, Машҳадда табиёт ва фалсафий илмларни ўрганишга киришади. Бу йўлдаги хатти-ҳаракатни у ўзининг севган адабий-ижодий иши билан бирга олиб боради. Бу ерда Навоий машҳур адабиёт арбоблари Камол Турбатий, Дарвеш Мансур, Ҳожи Муҳаммад Астрободий ва бошқалар билан танишади. Ўзбек ва форс тилларида ғазаллар ёзади. Шеърят аҳллари поэзияда катта ҳурмат қозона бошлаган ёш шоирга «Зуллisonайи» («Икки тил эгаси») лақабини берадилар.

Хондамир «Макоримул ахлоқ»да келтиришича, ёш шоир Алишер қуйидаги:

Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш¹,—

деган мисралар билан бошланадиган ғазалини «ўз замонининг маликул каломи» — машҳур шоир Лутфийга ўқиб берган. Бу ғазалдан бағоят мамнун бўлган Лутфий фараҳ билан Алишерга қараб «Агар иложи бўлганида эди, мен ушбу бир ғазал учун туркий ва форсий тилларида ёзилган ўн-ўн икки минг ғазалимни берардим»,— деган экан. Бу эпизоддан Навоийнинг ўша вақтда ёш бўлишига қарамай, шоирлик маҳорати нақадар ўткир, зўр бўлганлиги яққол билинади.

Тахминан 1464 йилда Алишер Ҳиротга қайтиб келиб, Абу Саид хизматига киради, лекин кўп ўтмай, яъни 1466 йилда сиёсий воқеалар тақозоси билан Самарқандга жўнашга мажбур бўлади. Бу ерда моддий қийинчиликларга дучор бўлганлигига қарамай, ёш шоир билим олиш ва ижод қилишга астойдил тиришади. У машҳур олим, қонуншунос Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайсининг мадрасасида таҳсил кўради. На-

¹ Хондамир, Макоримул ахлоқ, П. Шамсиев таржимаси, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1948. 31-бет.

войй ўз устози Фазлуллоҳ Абуллайс билан яқин ва илиқ муносабатда бўлганини шундай таърифлайди: «Фақир икки йил аларнинг қошида сабақ ўқудум. Онча илтифоти бор эрдиким, фарзанд дер эрди». Аҳмад Ҳожибек (Вафойй) ва Дарвеш Муҳаммад Тархон каби нуфузли кишилар шоир билан дўстлашиб, унга моддий жиҳатдан кўмаклашиб турадилар.

Абу Саид ҳукмронлиги даврида Хуросонда зулм ва адолатсизлик, истибдод ва талон-торож ҳамда ҳарбий юришлар халқ оммасини ниҳоят даражада қашшоқлантириб, эзиб юборган, Хожа Аҳрор бошчилигида феодал клерикал иртижоъ айниқса авж олган эди.

Навоий маснавийларидан бирида ўша даврдаги Хуросоннинг реал картинасини қуйидагича ифодалаган эди: «Хуросон элида вафо қолмади. Вафо ўрнини мунофиқлик, сахийлик ўрнини бахиллик, мурувват ўрнини ҳасад эгаллади. Бу энди мамлакат эмас, ваҳшатобод бўлиб қолди. Унинг жаннатдек ерлари дўзахга, машаққат эса халқнинг касбига айланди. Ҳаммаёқ харобаликка юз ўгирди. Мансаб эгалари вақф ерларини ўз мулкларига қўшиб олдилар, бунинг устига уларнинг кўпчилик қисми май қилиш учун далаларга фақат ток экдирдилар. Кўп манзилларни шоҳ вайрон қилди, у ерларни бойўғли маконига айлантирди. Халқда одамгарчиликдан асар ҳам қолмади. Кишилар шайтон, девлардан ҳам ўзиб кетдилар, адолатсизлик ва ҳийла улар учун адолат вазифасини ўтайдиган бўлиб қолди. Қора чақа учун бировни ўлдиришни ўзларига ҳунар қилиб олганлар энди ўликдан ҳам кафан тама қила бошладилар; улар қора тошдан олтин, бир дона кўкноридан осмон гумбазидек катта нарса истайдиган бўлиб қолдилар; бегуноҳни зўрлик билан ўғирликда айблаб, тезда қўлини кесадилар, бошига ўлим тушган бечорага эмас, аксинча, унинг қотилига мадад кўрсатадилар. Бу ўлкада ундан мазлум-бечоралар баҳра оладиган бирорта ҳам давлат эгаси йўқ»².

Аламдийда халқ ва маълум маънода ўзига фойдали мақсадни кўзлаган баъзи ҳукмрон гуруҳлар мамлакатда тинчлик, осойишталик ўрнатилишига, ўзаро низолар-

² Алишер Навоий, Асарлар, 15 томлик, I том, Тошкент, Узадабийнашр, 1963, 470—473-бетлар. Иқтибосда маснавийнинг содалаштирилган насрий ифодаси келтирилди.

нинг бартараф этилишига ва ишлаб чиқариш кучлари ҳамда маданиятнинг ривожланишига хайрихоҳлик билан қарай бошладилар.

Кўндан бери Хуросонда ўз ҳокимиятини ўрнатиш режаларини тузиб юрган, шу мақсадда, ҳатто бир неча дафъа очиқдан-очиқ юришлар ҳам қилган Темур невараларидан бири — султон Ҳусайн Бойқаро бу кайфиятдан, айниқса, Абу Саиднинг ўлимидан усталик билан фойдаланади. Оқибат, 1469 йили Ҳирот тахтини эгаллайди.

Ҳусайн Бойқаро Алишернинг мактабдоши, болаликдан дўсти эди. Баъзи бир манбаларда қайд қилинишича, султон Ҳусайн Алишер Навоийни Ҳиротга, ўз ёнига таклиф этади.

Навоий дўстининг тахтга чиқиши муносабати билан унга «Ҳилолия»³ қасидасини бағишлайди.

Ҳиротда Навоий давлат арбоби даражасига кўтарилади ҳамда мамлакат ободонлиги ва халқ аҳволини энгиллаштириш юзасидан тузган ўз режаларини амалга ошириш учун изчил ҳаракат қила бошлайди.

Мамлакатда аҳвол оғир эди. Бир томондан, ички феодал-клерикал реакция, иккинчи томондан, ташқи душман (Астрободда Ёдгор Муҳаммад қўзғолони) эндигина тахтга чиққан султон Ҳусайн учун катта хавф туғдирган эди. Лекин Ҳусайн Бойқаро бу ёвларни Алишер Навоийнинг бевосита аралашуви ёрдамида бартараф қилади.

Шу аснода Ҳиротда ғалаён кўтарилади. Бунга Ҳирот феодалларининг аҳолига жуда катта солиқ солганликлари сабаб бўлди. Султон Ҳусайн ниҳоятда дарғазаб бўлиб, исённи куч билан бостирмоқчи бўлади. Навоий вазминлик билан унга бундай қилинган тақдирда, биринчидан, халқнинг норозилиги янада ошиб, ғазаби тагин ҳам кучайиши мумкинлигини, иккинчидан, четдан қулай пайт пойлаб юрган душманларга тахт томон йўл очиб берилажagini тушунтиради. Султондан бевосита ўзи бориб вазиятни текшириш ва лозим чоралар кўришга ижозат олади. Навоий Ҳиротга келиб ишни синчиклаб текширади, султон Ҳусайннинг

³ Бу қасида ҳақида қаранг: В. Зоҳидов, Навоийнинг янги топилган асари, «Шарқ юлдузи» журнали, 1957, 6-сон; А. Ҳайиметов, Навоий лирикаси, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1961, 44—47-бетлар.

жорий қилинган солиқларни бекор этиши ҳақида фармон чиқаришига муваффақ бўлади ва қўзғолон сабабчиларини аёвсиз жазога маҳкум этади. Натижада халқ бошига тушган катта мушкул аҳволнинг олдини олишдек оғир вазифа Навоийнинг ақл ва адолати туфайли тез ва қониқарли ҳал қилинади. Бу эса халқ орасида Навоийнинг ҳурматини янада оширади, мустаҳкамлайди.

Бироқ келгуси йил Ҳусайн Бойқаронинг ҳарбий бошлиқлари орасида ғалаён кўтарилади. Султон ўз ҳаётини сақлаш мақсадида Ҳиротдан Фарёбга жўнаб кетишга мажбур бўлади. Ёдгор Муҳаммад учун султоннинг Ҳиротдан узоқлашиши айни муддао эди. Ҳарбий куч билан у Ҳиротга бостириб келади ва тахтни эгаллайди.

Бир ой жиддий тайёргарликдан сўнг, султон Ҳусайн Ҳиротга юриш қилмоқчи бўлади, лекин бу сафар, маълум сабабларга кўра, у қатъий журъат кўрсата олмайди. Тарихий манбаларнинг қайд қилишича, Навоий жадал ҳужумга ўтиш лозимлиги, Ёдгор Муҳаммадга куч тўплаш учун фурсат бермаслик кераклигини султонга уқтиради. Шундан кейин султон Ҳусайн мунажжимлар тайин этмоқчи бўлган кунда эмас, Навоий таклиф қилган кунда тезлик билан жангга отланади. Қўққисдан қилинган ҳужумда Ёдгорнинг қўшини мағлубиятга учрайди. Бироқ Ёдгор Муҳаммад бир қанча яқинлари билан баландликдаги Ҳирот қўрғонига яширинади. Султон Навоий билан кенгашиб, кечаси шаҳарга бостириб киради ва қўрғонни қуршаб олади. Лекин ҳеч ким қўрғонга киришга журъат эта олмайди. Фурсатни ғоят ғанимат санаган Навоий султон Ҳусайн ижозати билан қўрғонга кўтарила бошлайди. Унинг кетидан Амир Қулали бошлиқ кичик лашкар тўдаси боради. Ёдгор Муҳаммадни қўрғон хоналарининг бирида ҳузурида икки канизак ва бир қул билан ухлаб ётган ҳолда топадилар. Сал ўтмай оёқ-қўллари боғланган Ёдгорни Ҳусайн Бойқаро оёғи остига келтириб ташлайдилар. Кейинчалик эса у қатл қилинади.

Тоғу тахт учун узлуксиз қонли тўқнашувлар рўй бериб тургани сабабли тинчлигини йўқотган, ҳарбий юришлар харажатини қоплаш юзасидан солинган солиқлар туфайли қашшоқлашган, жонидан безган бечора халқ Ёдгор Муҳаммаднинг мағлубиятга учратилишида, шундан кейин мамлакатда тинчлик ўрнатилиши-

да ўзининг севимли шоири жонбозлиги ва ташаббусини қадрламаслиги мумкин эмас эди.

Худди шундай бўлди. Навоий халқ назарида адолат ва инсонийликнинг, софлик ва яхшиликнинг тимсолига айланди.

1472 йилнинг бошларида султон Навоийга «амир»лик унвонини берди ва уни вазирлик мансабига қўтарди. Бунгача Навоий подшоҳнинг муҳрдори вазифасида эди. Энди Навоий ўзининг олижаноб ва энг юксак орзулари — халққа хизмат қилиш, мамлакат осойишталигини сақлаш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, фан ва адабиёт, бир сўз билан айтганда, маданиятни, ободончиликни кенг ривож йўлига қўйиш ишларига тамомила берилади. У ўз атрофига ўша замондаги энг машҳур олимлар, мутафаккирлар, санъаткорлар, қурувчилар, наққошлар, шоирлар ва хаттотларни йиғади, уларга ҳар томонлама ҳомийлик қилади. Улар билан доимо маданият тараққиёти ва ҳатто давлат ишлари тўғрисида ҳам маслаҳатлашиб туради.

Абдурахмон Жомий (ўша давр тожик адабиётининг йирик намояндаси) Навоийнинг энг яқин дўсти эди. Сайид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадлар ҳам шоирнинг илғор фикрларининг биринчи мададкори ва уларнинг амалга ошишида дастлабки кўмакчиларидан эди.

Навоий бошчилик қилган Ҳирот маданий муҳотида тилшунос олимлардан Сайфиддин Аҳмад, Шайх Ҳусайн, адабиётшунослардан Давлатшоҳ, Сайфи Бухорий, Шамсиддин Муҳаммад Бадахший, Камолиддин Ҳусайн, тиб олими Дарвешали, тарихчи олимлар Мирхонд ва Хондамир, хаттотлар Султонали Машҳадий, Абдужамил котиб, Султонмуҳаммад Хандон, рассомлардан Камолиддин Беҳзод, Шоҳмузаффар, бастакор ва созандалардан Ғулом Шодий, Хожа Марворий, Устод Қулмуҳаммад Удий, Шайх Нойи, Ҳусайн Удий, Устод Кучек Али Танбурий, Устод Али Хоний, ҳофиз Султонмуҳаммад Айший, шоирлардан Шайхим Сухайлий, Бобо Шўрида, Камолиддин Биноий, Ҳофизи Саъд, Осафий, Соҳиб Доро, Бадриддин Ҳилолий кабилар фойдали ва самарали ижод билан шуғулланганлар.

Навоий уларга ҳомийлик қилди, уларнинг ижодий фаолиятлари тўғри йўналишда ривожланишига ёрдам кўрсатиб, доимо фойдали маслаҳатлар бериб турди.

Мисол тариқасида Навоийнинг машҳур олим Мирхонднинг истеъдоди имкониятларидан келиб чиққани ҳолда унга содда тилда, ҳар ким ҳам тушуна оладиган услуб билан етти қисм ва бир хотимани ўз ичига олган катта тарих асарини ёзишга киришишни тавсия қилганини кўрсатиш мумкин. Бу вазифанинг етук бажарилиши учун Навоий «Халосия» хонақоҳидаги ўзининг махсус хонасини, бутун китоб ва буюмлари билан Мирхонд ихтиёрига топширгани, шунингдек, ҳам илмий, ҳам моддий жиҳатдан кўмаклашиб турганини олимнинг ўзи зўр мамнуният билан таъкидлайди.

Адабий ҳаёт йўлига кириб келаётган ёш кучларга Навоий алоҳида эътибор билан қараган. Уларнинг ижоди намуналарини синчиклаб кўздан кечирар, бадий маҳоратга оид суҳбатлар ўтказар, қобилиятли, умидбахш талантларни рағбатлантириб мақтар эди. Масалан, ёш шоирлардан Ҳилолий биринчи дафъа ўз шеърини Навоийга ўқиб берганида Навоий шеърнинг биринчи мисралариданоқ ёш шоирнинг истеъдодини сезиб, ундан тахаллуси нима эканлигини сўраган. Шоир «Ҳилолий» деб жавоб берган. Шунда Навоий: «Ҳилолий эмас, Бадрий, Бадрий» (яъни сен «янги ой»га эмас, «тўлин ойга» ўхшайсан), дейиш билан унинг бошланғич муваффақиятидан мамнун бўлиб, унга умид ва ишонч боғлаганини ифода қилган. Кейинчалик Ҳилолий Навоийнинг ана шу ишонч ҳамда умидини оқлаш учун тинмай меҳнат қилади, қунт ва ўзига талабчанлик билан ижод этади. Натижада адабий мажлисларнинг бирида Навоийнинг энг ўткир шоир учун белгилаган мукофотига сазовор бўлади. Бир кун Навоий шоирларга устози Жомийнинг бир машҳур ғазалига назира боғлашни — ўхшатма ёзишни ҳавола қилади. Катта-кичик ҳамма шоирлар назира ёзиб, Навоийга топширадилар. Муҳокама вақтида Навоий назираларни ўқиб, уларни пишиқ ва яхши чиқмаганини кўрсатиб ўтади. Фақат иккигина шоир назира ёзиб топширмай қолган эди: бири — Осафий, иккинчиси — Ҳилолий, Навоий улардан нима сабадан ёзишмаганини сўрайди. Улар назира боғлашда назира боғланаётган ғазалдан ё орттириб, ё худ ўша аслининг савиясида асар яратиш лозим. Биз Жомийдек сўз устасининг шундай юксак маҳорат билан ёзилган ғазалига назира боғлашга ўзи-

мизда етарли иқтидор сезмадик деб камтарона, лекин ҳақиқатга мувофиқ келадиган жавоб берадилар.

Адабиётнинг юксак бадиийлиги ва ғоявийлиги учун, уни шу асосда ривожлантириш учун курашга бел боғлаган Навоий бу жавобдан ғоят қувонади ва «Сизлар назира ёзмаган бўлсангизлар ҳам, Ҷомий газалини пухта тушуна олган, уни муносиб баҳолай олгансизлар. Шеършуносликда жуда қувватли экансизлар, — деб энг яхши шеър учун белгиланган мукофотни Осафий ва Ҳилолийга берган эди⁴.

Навоий фақат адабиёт, маданият равнақи йўлида эмас, шаҳарларнинг, айниқса, Ҳиротнинг ободончилигини соҳасида ҳам кўп баракали ишлар қилди, жумладан, талайгина гўзал иморатлар, бир қанча равоат, ҳовуз, ҳаммом, кўприк, мадраса, шифохоналар қурдирди.

Улуғ вазирнинг ўз халқи манфаатини кўзда тутиб сувсиз ерларга сув чиқариш йўлидаги хизматлари диққатга сазовордир. Давлат хазинаси Тус яқинидаги Чашмаи Гулистон булоғидан Машҳадга сув келтириш учун қазилаётган ариққа маблағ ажратмай қўйганида Навоий харажатни бевосита ўз бўйнига олади, бир бурда нонга муҳтож халқ — деҳқонлар эса пул олмай ариқ қазिशга рози бўладилар.

Бу нарса ўз навбатида инсонпарвар Навоийнинг халқ эҳтиёжидан жуда яқиндан хабардор эканлигини кўрсатади.

Вазир Навоийнинг режалари жуда кенг ва кўп эди. Уларни амалга ошириш учун шохнинг ёрдами ва рағбати зарур эди. Лекин аввалига Навоийнинг бу соҳадаги фаолиятини қўллаб-қувватлаган султон Ҳусайннинг кейинчалик бундай ишларга бўлган қизиқиши сусая борди, ҳатто уларга эътиборсизлик билан қарай бошлади, у тобора ичкилик ва маишатга берилиб кетди. У ҳокимиятга чиққан вақтидаги кўп ижобий фазилатларини, чунончи мамлакатни сиёсий марказлаштиришга интилиш, ўзаро низоларнинг кескинлик билан олдини олиш, маълум даражада маданиятнинг ўсишига хайрихоҳлик ва шу кабиларни бирин-кетин йўқо-та борди.

Шу даврнинг кичик фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобир ўз «Бобирнома»сида буни жуда характерли

⁴ С. А й н и й, Куллиёт, Ҷилди I, китоби якум, Душанбе, 1963.

ифодалаб ёзади: «Аввал тахт олган маҳалда олти-етти йил тоиб⁵ эди. Андин сўнгра ичкуга тушди, қирқ йилга ёвуққим Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намоз пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргез сабуҳий⁶ қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳига ва шаҳрига бу ҳол эди. Ифрот⁷ била айш ва фиққ⁸ қилурлар эди... ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди... Чун Ҳиридек шаҳр илгига тушти, туну кун айшу ишратдин ўзга иши йўқ эди, балки тавобий⁹ ва лавоҳиқида¹⁰ айшу ишрат қилмас киши йўқ эди. Жаҳонгирлик ва лашкаркашлик ранж ва таабин¹¹ тортмади, ложарам борғон сайин навкар ва вилояти кам бўлди ва ортмади»¹².

Сарой доирасидаги тескаричи гуруҳлар Навоийни султон Ҳусайн марҳаматидан четда қолдириш мақсадида ҳамда ўз шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида Навоийга қарши иғволар ва бўҳтонлар отар, фитналар уюштирар эдилар.

Ана шу фиққу фужур туфайли Навоий 1476 йилда вазирлик мансабидан истеъфо беради. Лекин у ўзининг юксак умидларидан воз кечмади. У болалиқдан дўсти, илгарилари замирида анчагина ижобийлик (ўша давр шаронти ва сиёсати доирасида) бўлган Ҳусайн Бойқарога ишончини бутунлай йўқотмаган, ёхуд йўқотишни истамаган эди. Шунинг учун ҳам у ҳамон мамлакат ва давлат ишларида султон маслаҳатчисидек, халқи хизматида турди, сеvimли иши — ижод билан машғул бўлди. 1476—1485 йилларда Навоий ўзининг ватанпарварлик ва гуманизм руҳи билан суғорилган қатор асарларини ёзади. У «Тухфатул афкор»¹³ номли

⁵ *Тоиб* — товба қилган.

⁶ *Сабуҳий* — эрталабки (яъни эрталаб бош оғриғига ичиш).

⁷ *Ифрот* — ҳаддан ошиқча.

⁸ *Фиққ* — бузуқлик, гуноҳ ишлар.

⁹ *Тавобий* — тобелар.

¹⁰ *Лавоҳиқ* — кейиндан қўшилган.

¹¹ *Тааб* — машаққат.

¹² Б о б и р, Бобирнома, Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1960, 222, 224-бетлар.

¹³ Бу қасидани навоийшунос олим, филология фанлари доктори А. Ҳайитметов форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, «Совет Ўзбекистони» газетасида (июль, 1966) нашр этди.

қасидаси ва бешта мустақил дostonни ўз ичига олган «Хамса»ни яратади.

Бу вақтларда тинмай фаолиятда бўлган тескаричи кучлар ҳар соҳада тобора ҳукмронлик мавқеига эга бўла бошлади. Ҳусайн Бойқародек ниҳоятда иродали шахсни ҳам букишга олиб кела бошлайди бу кучлар. Деярли ҳаммиша ва ҳар масалада Навоий фаолиятига хайрихоҳлик билан қараган султон энди яна ўша ифвогарларнинг талабини қондириб, Навоийни пойтахтдан узоқлаштириш тadbирини кўрди. Алишер Навоий Астробод ҳокими қилиб тайинланди. Бу билан Ҳусайн Бойқаро яна бир мақсадини ҳам амалга оширган эди. Навоийдек тadbирли, халқ ҳурмати ва севгисига сазовор кишини Астрободга ҳоким қилиш йўли билан энг муҳим чегара вилоятларидан бирини мустаҳкамлади.

1487 йилда Навоий Астрободга келади. Бу ерда ҳам ўз юксак ғоя ва интилишларига содиқ Навоий халқ ҳамда вилоят манфаати учун кўп ишлар қилди. Солиқлар турини камайтирди. Халққа ҳаддан ташқари жабрзулм қилаётган баъзи амалдорларнинг жиловини тортиб қўйди. Шаҳар ободончилиги юзасидан ҳам талай тadbирларни амалга оширди. Санъат ва адабиёт аҳллариини йиғиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатди, ёш талантларга алоҳида эътибор билан қараб, тарбиялаб борди. Лекин Навоийнинг фикру хаёли Ҳиротда эди. Пойтахтда фитна-фужурнинг авжга мингани, султоннинг кайф-сафодан бўлак ишга майли бутунлай қолмагани, Маждиддин ва унинг атрофидаги разил беклар халқ бошига бало тошларини ёғдираётганликлари, илғор кишилар, буюк шорларнинг таъқиб ва қувғинга дучор этилаётганликлари ҳақида машъум хабарлар кун ўтмай келиб турар эди. Бундай аҳволнинг оқибатини яхши тушунган Навоий Ҳусайн Бойқарога бир неча мактублар юборади¹⁴. Уларда Навоий султонни юз бериши муқаррар бўлиб қолган ҳалокатнинг олдини олишга чақиради, давлат ишларини тартибга солиш, халқ ҳамда мамлакат ҳаётини яхшилаш учун зарурий чоралар кўриши лозимлигини уқтиради.

Ҳусайн ҳам Навоийга ёзган жавобларида унинг фикрини тамомила қувватлайди, лекин бу тadbирларни

¹⁴ Алишер Навоий, Асарлар, 15 томлик, 13-том, 87—155-бетлар.

«баъзи бир ёмон одамлар» туфайли амалга ошириш мушкул эканлигидан эзилиб шикоят ҳам қилади. Айни чоғда ўзи уларга қарши бирор чора кўрмайди, аксинча, уларга кўмаклашишга мажбурлигича қолаверади.

1488 йилда Алишер Навоий султон ижозатини кутмасдан Ҳиротга қайтади. Лекин келган куни эртасигаёқ шоҳ унга Астрободга қайтиш ҳақида фармон беради.

Навоий қайтади. У Астрободда қанчалик қисилмасин, она юрти ва яқин дўстлари суҳбатини қанчалик қумсамасин, муттасил ижод қилади. Ёвуз ниятли душманлар ҳамон ватанпарвар ва инсонпарвар улуғ шахсни таъқиб қилишни тарк этмайдилар. Ривоятга кўра, пойтахтдан яширин буйруқ билан келган жосус унинг жафокаш, аммо бениҳоя мурувватли ва улуғвор жонига суиқасд қилади. Навоий ўзининг ўта сезгирлиги туфайлигина саломат қолади. Бу қора хабар тезда халқ орасида ёйилади. Ҳиротга ҳам етиб боради. Султон Ҳусайн воқеанинг оқибатидан чўчиб Навоийни пойтахтга таклиф қилишга мажбур бўлади.

Навоий Ҳиротга қайтиб келади. Султон иноят қилган мансабларни қабул қилмайди, ўз ижодий иши билан машғул бўлади ва имкони борича давлат ишларида фаол қатнашиб туради.

Навоий «Тарихи мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Мажолисун нафоис» ҳамда «Мезонул авзон» асарларини ана шу йилларда ёзиб тугатади.

1492 йилда Навоий бошига катта мусибат тушади. Унинг азиз дўсти, самимий маслаҳатчиси ва мўътабар устози Абдурахмон Жомий қаттиқ касал бўлиб қолади. Навоий оғир ва ёлғизлик кунларидаги меҳрибон ҳамдарди аҳволдан ҳар куни хабар олиб туради. 8 ноябрь 1492 йилда кечқурун Жомий вафот этади. Бу — Навоий учун энг оғир, мураккаб шароитда зўр йўқотиш ва аламли қайғу эди. У Жомий хотираси учун бир йил мотам тутади.

1494 йилда Навоий Жомий билан дўстлигига бағишлаб «Хамсатул мутаҳаййирин» деган китобини ёзади. Унда шоир Жомийнинг қисқача таржимаи ҳолини баён қилади, сўнгра ўзининг у билан бўлган учрашувлари, суҳбатлари тасвирини беради, ҳам ўзининг, ҳам дўстининг шеърӣ ёзишмаларидан намуналар келтиради. Китобнинг охирида Жомийнинг Навоий илтимо-

си ва хоҳиши билан яратган асарларини, шунингдек, ўзининг Жомий тавсияси билан ижод қилган 14 та асарини санаб чиқади.

Навоий Жомийнинг вафотига бир йил тўлиши муносабати билан катта маърака қилади. Унда юқори табақа кишилари қаторида, оддий, меҳнаткаш ҳиротликлар ҳам қатнашадилар.

Бу вақтга келиб мамлакатда аҳвол жуда кескинлашиб кетган эди. Шоҳ билан ўғиллари орасида, бек ва амалдорлар ўртасида тожу тахт, бойлик ва мансаб учун давом этиб келаётган курашлар жиддий тус олади. Маждиддин ва унинг атрофидагиларнинг бузғунчилиги элга аён бўлиб, уларга қарши ғалаёнлар бошланади. Жумладан, Балхда вилоят ҳокими Дарвешали (Навоийнинг укаси) бошчилигида исён кўтарилади. Маждиддин Ҳусайн Бойқарога бу исёнга бевосита Навоий аралашган деб етказиб, уни қатъий ишонтиради. Султон Балхга лашкар тортади. Юришда Навоий ҳам қатнашади, исён бостирилгач, Навоий шоҳдан текшириш олиб боришни илтимос қилади, талаб этади. Текшириш натижасида Навоийнинг исёнга алоқаси бўлмаганлиги аниқланади. Султон Дарвешали билан ярашиб қайтади.

Бир оз вақтдан кейин, Ҳусайн Бойқаро билан ўғли Бадиуззамон орасида низо юзага келади. Бунинг бош сабаби Астробод ҳокимлиги талаши эди. Бадиуззамон Астрободнинг ворислиги ўғли Муҳаммад Мўмин мирзога берилишини талаб қилар, султон эса хотинларидан Хадичабегим таъсири остида у ерга (Хадичабегимдан туғилган) ўғли Музаффар Ҳусайнни ворис қилиб юбормоқчи эди.

Навоий бу дафъа ҳам кўп куч сарфлаб, ота билан ўғил орасида рўй бериши мумкин бўлиб қолган қонли тўқнашувнинг олдини олишга қарийб муваффақ бўлади. Шу орада шоҳнинг Балхга йўллаган ва Бадиуззамонни қўлга олиш ҳақида битилган махфий фармони тасодифан шаҳзода қўлига тушиб қолади. Навоийнинг уринишлари зое кетади, шаҳзода музокара бошлашдан бош тортади ҳамда ошкора ҳужумга ўтиб мағлубиятга учрайди ва қоцади.

Худди шу пайтда Астрободнинг жанубида Музаффар Ҳусайн билан Мўмин мирзо орасида жанг бўлиб, Мўмин мирзо лашкарлари енгилади, ўзини эса асир

оладилар ва Ҳиротга келтириб Ихтиёриддин қалъасига қамайдилар.

Бу воқеадан Хадичабегим ва унинг шундай ишларидаги биринчи кўмакчиси вазир Низомулмулк усталик билан фойдаланишга шошилади. Улар Ҳусайн Бойқаро мастлигида Муҳаммад Мўмин мирзони ўлдириш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб оладилар. Фармон тезлик билан ижро этилади. Эртаси куни шоҳ мудҳиш фожиадан хабардор бўлади. Воқеада Низомулмулкнинг жирканч ролини сезган шоҳ уни бутун ўғиллари ва авлодлари билан тигдан ўтказдиради.

Мўмин мирзо фожиаси Алишер Навоийнинг бутун вужудини ларзага солади. У энди султон Ҳусайн тамомила ва ҳамишаликка ҳалокат ботқоғига ботиб бораётганлигини рўйи-рост англайди. У мамлакат ва халқнинг яна ҳам қашшоқлик ва муҳтожлик, яна ҳам вайронгарлик ва харобалик келтирувчи ўзаро урушлар гирдобига тушиб бораётганини кўрди, темурийлар хонадонининг инқироzi муқаррар эканлигига амин бўлди.

Лекин ёпирилиб келаётган бало тўфонини тўхтатиш учун Навоий чора тополмади, саройдаги жирканч ҳаёт, ундаги тўлиб-тошган ғийбат, фисқ-фужур, пасткашликлардан ва ёлғизликдан руҳий азоб чеккан шоир сеvimли диёри Ҳиротдан ҳам, ишончларини пучга чиқарган дўстидан ҳам воз кечишга қарор қилади.

Навоий сарой табиби Абдулҳай орқали Ҳусайн Бойқародан Макка сафарига чиқишга ижозат сўрайди. Навоий кетиб қолса, мамлакатда нотинчлик, бошбошдоқлик кучайиб кетишлигини, бинобарин, ўз ҳокимиятининг катта хавф остида қолишлиги мумкинлигини кўзда тутиб, Ҳусайн унинг ҳаж ҳақидаги илтимосини ҳар қандай баҳоналар билан рад этади. Бунинг устига султон сарой иғволари таъсирида Навоийнинг фарзандидек бўлиб қолган жияни, етук шоир Мирҳайдар Сабухийни ўлдиртиради. Бу Навоийни яна ҳам оғир руҳий қийноққа солади. У севикли шогирди жасадини уйига олиб келиб катта дафн маросими ўтказди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси ва катта ижодий ишлар Навоий саломатлигига путур етказа бошлаган, у анча хасталашиб қолган эди.

1499 йили Навоий «Насойимул муҳаббат», шу йилнинг охирида «Лисонут тайр» ва «Муҳокаматул луға-

тайн» асарларини ёзди. «Маҳбул қулуб» Навоийнинг энг сўнгги ижоди намунасидир.

1500 йилда Ҳусайн Бойқаро ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзога қарши жангга отланади. Ҳиротда ўрнига, одатдагидек, Алишер Навоийни қолдиради.

Султоннинг қайтиши хабари келиши билан Навоий анчагина масофа йўл босиб унга пешвоз чиқади. Улар 30 декабрь куни юз кўришадилар. Навоий отдан тушиб, султон ўтирган тахти равон ёнига боради, лекин бир оғиз ҳам сўз айтолмай ўзидан кетиб йиқилади. 1 январь 1501 йилда уни Ҳиротга келтирадилар. Табибларнинг барча уринишлари, ёрдамлари мутлақо фойда бермайди. Улкан шоир, олижаноб буюк инсон Алишер Навоий 3 январь куни, 60 ёшида мияга қон қуйилиши натижасида ҳаётдан кўз юмади.

Навоийнинг вафоти ҳақидаги шум хабар мамлакатга яшин тезлигида тарқалади. Севимли шоирни кўмиш маросими катта мотам намойишига айланиб кетади. Унда бутун Ҳирот ва унинг атрофидаги аҳоли қатнашади. Халқнинг қайғуси бениҳоя эди. Тарихчилар эса бу қайғули кунни ўз асарларига юрак қони билан ёзиб киритдилар.

Замонасининг машҳур тарихчиси Ғиёсиддин Хондамир «Макоримул ахлоқ» асарида шундай деб ёзади:

«Маҳшар кун»нинг дод-фарёди ва буюк фожиа, аламзадалиқ карнайларининг товуши ер юзида зоҳир бўлди. Амир ва вазирларнинг йиғи ва ноласи, катта ва кичикнинг фарёд ва фиғони осмон авжидан ва кайвон айвонидан ҳам ўтиб кетди... Барча ғамнок аҳллarning дуди янги давлатга эришган хасисларнинг катталиги ва кибри каби кўкка етди. Кўз йўлидан оққан дилхунобалари давлатлари ва бахтлари қайтган сахийларнинг гавҳар муҳралари каби кетма-кет ерга юмалаб тўшар эди.

Бу фурсатда ҳаво жавҳари шоҳ гадога қўшилиб, доналаб ёш томчилари ёғдирди. Хуш ислар ва райҳонлар булутларнинг томчилари Навоийнинг арш каби тобутни атрофига тўкилди. Кейин (уни) ўзининг масжиди жомеъ ёнидаги, илгаридан шу ҳодиса учун ясалиб қўйилган гумбазга келтириб кўмдилар...

У кечаси улуғлардан, сайидлардан ва олимлардан кўплари файз эгасининг мозори устида тунаб чиқдилар...

Эртасига қуёш мотамли кишилар каби осмоннинг кўк тўнини устига кийди ва юлдузлар тўдаси халқнинг кўз ёши каби ерга тўкилди... Ва ўша куни Ҳирот шаҳрининг кўп масжидларида халқнинг ҳамма гуруҳи мотам гиламида ўтириб чиқди...

Аз мавти у нишаст ба ҳар хона мотамӣ,
Ваз фавти у бихост зи ҳар гўша шеванӣ.

Зин сахмгин мусибату зин сахмнок марг
Оташ фитад дар дили ҳар сангу оҳанӣ.

Яъни:

Унинг ўлими сабабли ҳар бир уйда мотам жойланиб
олди,
Унинг вафоти туфайли ҳар бир уйда нола қўзғолди.

Бу мудҳиш мусибат ва фожиали ўлимдан ҳар бир тош ва темир кўнгилли кишилар дилига ҳам оташ ту-ташди»¹⁵.

Муҳаммад Низомий, Дарвеш Али, Сайид Раҳматуллоҳ, Камолиддин Султон Ҳусайн, Хожа Осафий ва бошқалар тарих битдилар, марсиялар ёздилар.

Алишер Навоий ижоди ва фаолияти халқпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари учун бу биринчидан, иккинчидан ўша вақтларда яқин ва Урта Шарқда барча халқларнинг ҳаёти асосий ижтимоий масалаларда деярлик бир хил бўлгани сабабли, шоир куйлаган ғоялар, шу қўшни халқларнинг аҳволига ҳам тааллуқли, уларнинг ҳам орзу ва умидларига, интилишларига ҳам оҳанг бўлгани сабабли шу ғояларни ҳар қандай дилни мафтун этадиган даражада гениал санъаткорлик билан ифодаланганлиги сабабли, у шу қўшни халқлар ва улардан чиққан илғор одамлар орасида манзур ва машҳур бўлган эди, шуҳрат қозонган эди. Шу туфайли шоирнинг вафоти ўз халқининггина эмас, бошқа халқларнинг ҳам дилида беқиёс қайғу ва алам қўзғатган эди. Ана шу қайғуни ифодалаганлардан бири машҳур тожик маданият арбоби ва шеъринат ижодкори Фасиҳиддин Соҳиб Доро бўлди.

Соҳиб Доронинг бу бизгача етиб келган 39 байтдан

¹⁵ Хондамир, Макоримул ахлоқ, Тошкент, 1948, 68—74-бетлар.

иборат 5 қисмли марсияси¹⁶ ҳақиқий инсоний қайғунинг юксак бадиий санъат билан ифодалайди. Марсиянинг аввалидан охирига қадар ҳар байтнинг биринчи мисраъида «абжад» ҳисоби билан шоирнинг туғилган йили, иккинчисида эса унинг вафоти тарихи чиқади. Соҳиб Доро, Навоий фақат жисмонангина вафот этди, у ўлмайди, у ҳамиша орамизда, унинг асарлари битмас-туганмас хазина, улар ҳамиша барҳаёт бўлиб қолғусидир деб ёзган эди шу марсияда. Соҳиб Доронинг бу сўзлари башорат бўлиб чиқди.

Чиндан ҳам Навоий мана беш асрдан бери халқ юрагида, унинг ишларида яшаб келмоқда ва бундан буён ҳам яшай беради.

¹⁶ Бу марсия тўғрисида қаранг: С у й и м а Ғ а н и е в а, «Мажолисун нафоис»нинг форсий таржимасидаги баъзи иловалар ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 2-сон, 1964.

НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

Алишер Навоий жуда ёшлигидан (7—8 яшарлигидан) бошлаб шеър ёзишга киришган. У бутун ҳаёти давомида, катта эшик дostonлар яратаётган вақтларида ҳам, илмий асарлар устида ишлаётган пайтларида ҳам, беҳад шодликка эришганида ҳам, чуқур қайғуга юзланганида ҳам шеър ижод қилар эди.

Навоий лирикасида¹ унинг зиддиятларга тўлиб-тошган даври ва мураккаб ҳаёт йўли ўзининг специфик бадий ифодасини топган. Шоир лирикасининг тематиксини, шунингдек, унинг ғоявий йўналиши, бадий шаклланиши ва жанр хусусиятларини ўша давр, шоирнинг ҳаёти ва дунёқараши белгилаб берган.

Навоий ўзининг ўзбек тилида ёзган бутун лирик меросини умрининг тўрт фаслига мослаштириб тўрт девонга ажратади. Биринчи девонга «Ғаройибус сигар» («Кичикликнинг ажойиботлари»), иккинчи девонга «Наводируш шабоб» («Ёшликнинг нодирликлари»), учинчисига «Бадойиул васат» («Ўрта яшарликнинг гўзалликлари») ва охиrgисига «Фавойидул кибар» («Қариликнинг фойдалари») деган ном беради. Бу

¹ Навоий лирикаси ҳақидаги тадқиқотлардан қаранг: Мақсуд Шайхзода, Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида, «Шарқ юлдузи», 1948, 5-сон; Мақсуд Шайхзода, Ўстоднинг санъатхонасида, «Шарқ юлдузи», 1965, 10-сон; 1966, 5, 7, 12-сонлар; А. Ҳайитметов, Навоий лирикаси, Тошкент, 1961; Н. М. Маллаев, Навоий лирикаси, Ўзбек адабиёти тарихидан (дарслик), 1963, 431—469-бетлар; Е. Исоқов, Алишер Навоийнинг илк лирикаси, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1965.

тўрт девон тўпламини «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси»)² деб атайдди.

Навоий форс тилида ёзган шеърларидан «Девони Фоний»³ номи билан алоҳида бир девон тартиб этади.

Навоийнинг бу беш девонида 55 мингга яқин мисра шеър мавжуд бўлиб, уларда инсонни улуғлаш ва унга ғамхўрлик, ватанга муҳаббат, илм- маърифатга ихлос, табиатни севиш, ҳаёт лаззати, севги завқи, ҳижрон дарди, васл умиди, замонадан шикоят, ёмонликдан ранжиш, зуҳд, тақво, риё устидан кулиш, инсонга хос юксак фазилат, олижаноб инсоний ғурур ҳамда ажойиб камтарлик мадҳи ва теран фалсафий муддаолар каби мотивлар ўн олти хил лирик жанрларда (ғазал, мухаммас, маснавий, таржибанд, таркибанд, рубоий, қитъа ва ҳоказолар) зўр маҳорат билан куйланади.

Навоий асарларида, жумладан, унинг лирикасида улуғланган инсон мавҳум, абстракт одам эмас. Навоий таъбирича, бутун мавжудот оламида, ҳамма нарсалар дунёсида, ҳар қандай воқелик орасида инсон энг азиз, энг қимматли, энг шарафли, энг муқаддас, ташқи қиёфаси билан ҳам, ички дунёси билан ҳам энг гўзалдир:

Эй кўнгул, ҳуру пари васфин эшитгим гўйинё,
Ҳеч қайси одамелиғда эмас инсонча хўб⁴.

Юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлган ҳақиқий инсонга,— дейди Навоий,— малаклар келиб сажда қилади.

Одамийлик кўргузуб қилдинг паривашларни қул,
Одам ўлдурким, малойик они масжуд айлади⁵.

Навоий тасаввурича, бировга қуллуқ қилмайдиган, икки юзламачилик, сотқинлик ва қўрқоқликни мутлақо билмайдиган олижаноб, ҳаққоний, мард, фидокор, вафодор, ақлли ва ҳур инсоннинг яна бир гўзал фазилати унинг дунёларга сифмайдиган ҳақиқий севги, чин муҳаббат эгаси эканлигидир.

² Ҳ.С.Улаймонов, «Хазойинул маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари, «Хазойинул маоний», Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1959, I том, 5—18-бетлар.

³ Алишер Навоий, Асарлар, V том, I—II китоб; Ҳ.С.Улаймонов, Навоийнинг «Фоний» девони, «Шарқ юлдузи», 1965, 9-сон, 150-бет.

⁴ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, II, 49-бет.

⁵ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, I, 649-бет.

Навоий севги масаласини ўзининг кўп салафларидан фарқли ўлароқ, тор рамкадан, мистикадан чиқариб, уни реал заминга қўйди ва реал гуманистик мақсадларга бўйсундирган ҳолда, кенг маънода талқин этди. У ўз салафларининг бу соҳадаги ижодларини қунт билан ўрганиб, улардаги муҳим мавзулардан, традицион деталлардан илҳомланибгина қолмади, уларни ўзининг ҳаётини мушоҳадалари асосида янгилаб, бойитиб, юқори босқичга кўтарди.

Навоий ишқ қиссаси олам бино бўлганидан буён куйланиб келинаётган бўлса ҳам, ҳалигача тугамаганлигини айтади:

Ғариб қисса эрур ишқим, тугонмади ҳеч,
Агарчи бўлғон олам биноси айтилодур⁶.

Бу туганмас ишқ қиссасининг турли жилвалари, ана шу жилваларнинг юз минглаб нозик фарқ ва ўзгаликларини ҳақида кўп одамлар — адиблар кишини ҳайратга соладиган ажиб нарсалар ёзганлар, — дейди Навоий, — аммо ундан ҳам ажаброғи шуки, барибир, унинг юз мингдан бири ҳали ҳам ёзилгани йўқ:

Ишқим, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа⁷ халқ
Турфароқ будирки, юз мингдин бири ёзилмади⁸.

Навоий куйлаган ишқ ниҳоятда мураккаб туйғу бўлиб, унинг барча жилва ва натижаларини шоир ҳам ғоявий, ҳам тематик жиҳатдан бой ва ранг-баранг тасвир эта олган.

Эй Навоий, ишқ атворини⁹ ҳифз¹⁰ айлай деган,
Барча ишни тарк этиб, қилсун, бизнинг девонни ҳифз¹¹, —

дер экан, Навоий тамомила ҳақли эди. Чиндан ҳам унинг лирикасида севги билан боғли ҳамма ҳолатлар ўзининг нозик ва гўзал ифодасини топгандир.

Ошиқ-шоир севимли маҳбубасининг ташқи қиёфасини, ҳусни ва гўзаллигини мингларча шеърларда бир-бир шарҳ этади, бу билан у ўзининг унга бўлган муҳаббатини асосламоқчи бўлади:

⁶ А л и ш е р Н а в о и й, Хазойинул маоний, I, 210-бет.

⁷ Турфа — янги, қизиқ, кишини ажаблантирадиган.

⁸ Атвор — феъл, ҳаракатлар, равишлар (бирлиги — тавр).

⁹ А л и ш е р Н а в о и й, Хазойинул маоний, I, 650-бет.

¹⁰ Ҳифз — эса тутуш, билиб олиш, ёдда сақлаш.

¹¹ А л и ш е р Н а в о и й, Хазойинул маоний, III, 288-бет.

Қошинг авжи малоҳатнинг янги туқған ҳилолидир.
Қадинг нахли¹² латофат боғининг наврас¹³ ниҳолидир.

Фидо жоним қадинг нахлиғаким, гарчи эрур наврас,
Вале андому¹⁴ раънолиғда¹⁵ қадди эътидолидир¹⁶.

Назоқат гулшанида тоза гулбун¹⁷ қоматинг шибҳи¹⁸,
Онинг таъбида музмар¹⁹ гунча йўқ оғзинг мисолидир²⁰.

Шоир бу ерда севгилиси қошини ҳусн осмонида янги туғилган ойга, қаддини гўзаллик боғида янги кўқарган, лекин адолат юзасидан қараганда ундан ҳам хушқомат бўлган ниҳолга, қоматини эса нозиклик гулшанидаги тоза гулга ўхшатади, аммо очилмаган, лаб ёзмаган гунча кичик бўлса ҳам оғзининг тўла тасаввурини бера олмаганлиги учун ўхшатиш вазифасини ўтай олмайди, дейди.

Маъшуқанинг оғзини тасвирлашдан ошиқ-шоир ожиз. Бу ҳақда у нозик фаҳм соҳибига қараб:

Оғзи рамзин билмасам, эй хурдадон²¹, кўп қилма айб,
Хурда тутмоқ²² расм эмас фаҳм этмаганга сирри ғайб^{23—24},—

яъни агар севгили ёрим оғзини тасвирлаш учун нимага ишора қилишни билмай қолсаму сендан сўрасам, унчалик айб қилмагин, кўринмайдиган нарсани тушунмайдиган одамдан сир тутишлик расми йўқ-ку, дейиш билан шоир ёрининг оғзини жуда ҳам кичкина эканлигини ифода қилади.

Шоир ғазалларидан бирида маҳбубасининг юзидаги холини кумуш тахтада ўтирган Ҳиндистон шоҳига (бу ерда кумуш тахт, кумуш рангли юз, чирой, «Ҳиндистон шоҳи» эса қоп-қора деган маънони англатади), холнинг атрофидаги майин мўй-хатларни эса шоҳ олдида саф

¹² *Нахл* — дарахт

¹³ *Наврас* — янги кўқарган.

¹⁴ *Андом* — тан, гавда.

¹⁵ *Раънолиғ* — хушқоматлилик.

¹⁶ *Эътидол* — ўртачалик, адолатлилик.

¹⁷ *Гулбун* — гул дарахти.

¹⁸ *Шибҳ* — ўхшаш, монанд.

¹⁹ *Музмар* — бекик, очилмаган.

²⁰ *Алишер Навоий*, Хазойинул маоний, IV, 197-бет.

²¹ *Хурдадон* — нозик нарсаларни билувчи.

²² *Хурда тутмоқ* — сир тутмоқ маъносига.

^{23—24} *Сирри ғайб* — ғойиб сир, йўқ сир. Қаранг:

Алишер Навоий, Хазойинул маоний, II, 57-бет.

бўлиб бўйин эгиб турадиган тобе одамларга ўхшатиб, хол ва хатни гоят оригинал таърифлайди, бу билан янги бадий ифода кашф этади:

Холи рухсэринг кумуш маснадда²⁵ Ҳиндистон шаҳи,
Олида саф тортибон хат тобеу маҳкум эрур²⁶.

Шоир маҳбубанинг юриш-туришини ҳам, кийган кийимларини ҳам, нозик ҳиссиётларини ҳам, кайфияти ва ҳолатини ҳам, ғазаб ва адолатини ҳам, шўхлик ва эркаликларини ҳам катта маҳорат билан ҳаётий тасвирлайди.

Хусн ва гўзалликда ошиқ — Навоийнинг маъшуқаси беқиёс. Маъшуқа ҳусни ошиқнинг ишқига мувофиқ келади, бири шуъла бўлса, иккинчиси ёниб турган шам, унинг иккаласи ҳам ёруғлик беради. Бу билан у фахрланади.

Сенинг ҳуснинг мени ишқим ажойиб ўнс тутмишлар²⁷,
Магар бу шуълани ул шамъ тобидин ёрутмишлар²⁸.

Навоий маҳбубани фақат ташқи гўзаллиги учунгина севмайди. Шоир ғурур ва қониқиш билан унинг ҳуснига яраша ахлоқи ҳам борлигини, унинг ширин сўзлигини мақтайди:

Ўхшар ахлоқинга ҳуснингки, эрур
Яхшилик лозимаси яхши қилғ.

Ҳуснунга ўхшади жонбахш сўзунг,
Қимки, бор ўзи силиғ, сўзи силиғ²⁹.

Навоий ўз лирикасида севги мавзун орқали бошқа ижтимоий масалаларни ҳам ифода этади. Масалан, ёрнинг бевафолиги туфайли етган жафодан нола қилар экан, шоир умуман бевафолик ҳозирги даврда одат бўлиб қолди, вафо эвазига жафо келиши шубҳасиз бўлиб қолди, вафо қилувчиларни қидирилганда топиб бўлмайди, дейди:

Қимгани қилдим вафо, ваҳким жафо подош³⁰ эди,
Олам аҳлида вафо мавжуд эмас бештибоҳ³¹.

²⁵ *Маснад* — тахт.

²⁶ *Алишер Навоий*, *Хазойинул маоний*, II, 187-бет.

²⁷ *Ўнс тутмоқ* — дўст, улфат бўлмоқ.

²⁸ *Алишер Навоий*, *Хазойинул маоний*, II, 140-бет.

²⁹ *Алишер Навоий*, *Хазойинул маоний*, IV, 307-бет.

³⁰ *Подош* — жазо, бадал.

³¹ *Бештибоҳ* — шубҳасиз, шаксиз.

Орзу қилдим вафо аҳлин кўрай деб, топмадим
Хоҳ зоҳид, хоҳ фосиқ,³² хоҳ сойил, хоҳ шоҳ³³.

Навоий ўзининг юксак интилиш йўлидаги ғояларининг тўғрилигига ишонса-да, уларни амалга ошириш учун жонини ҳам фидо қилишга тайёр эса-да, узлуксиз қаршилик ва тўхтовсиз зарбаларга дуч келади. Жаҳон аҳлига жон фидо қилса, жонига қасд қилганлари учун дили озор топган шоир:

Агар оқил эсанг, ўзгил жаҳон аҳлидин улфатким:
Алардин жуз жафо келмас, агар юз йил вафо қилсанг

Бирига юз Хито мўлки хирожин айласанг исор,
Хатосиз қасди жонинг қилгусидур, гар хато қилсанг...³⁴

Ёки:

Не ажаб қон йиғласам аҳли замондан дам-бадам
Ким, алардин ғам уза ғамдур, алам ўзра алам.

Сўз демак бўлмас аларнинг зулм ёҳуд лўтфидин,
Чўнки ул кўпдин доғи кўптур, бу камдин доғи кам.

Чарх гўёким чекар меҳнат юки давр аҳлидин
Ким, бари жисмида анжумдин³⁵ тер олмиш қадди хам.

Лавҳан хилқатларида³⁶ йўқ магар ҳарфи жафо,
Сафҳан хотирларида йўқ магар нақши ситам,—³⁷

деб нолалар қилар экан, давр аҳлидан келаётган машаққатларни кўтаришда фалакнинг қадди букилиб, жисми терлаб кетди (бу ерда у жуда яхши ўшатиш ишлатади — осмондаги юлдузларни чарх жисмидаги тер доналари), дейди. Уларнинг, яъни даври аҳлининг яратилиш лавҳаларида «жафо» сўзидан ўзга сўз битилмаган, хотирлари саҳифаларида эса «ситам» нақшидан бўлак нарса ўйилмаган дер экан, у тамомила ҳақли эди.

Бутун умри давомида ўз халқи учун қайғурган Навоий халқ манфаатларини ўзининг шахсий кечинмаларидан юқори қўяр эди. У ғазалларидан бирида: «Менга юз жафо юзланса, бир марта афғон қиламан, лекин халққа бир марта зулм ўтказилса, мен юз марта фарёд

³² *Фосиқ* — ёмон ишлар қилувчи.

³³ *Алишер Навоий*, *Хазойинул маоний*, II, 702-бет.

³⁴ *Алишер Навоий*, *Хазойинул маоний*, II, 708-бет.

³⁵ *Анжум* — юлдузлар.

³⁶ *Хилқат* — яратилиш.

³⁷ *Алишер Навоий*, *Хазойинул маоний*, IV, 399-бет.

чекаман»,— деб ёзгани унинг гуманизми нақадар ҳаққоний ва улуғвор эканлигини кўрсатади.

Лекин юқорида кўриб ўтганимиздек, халқ учун бундай қайғурган ҳақ ва адолат курашчилари доимо машаққат, азоб-уқубатда яшар, эгри кўнгил, қора ният одамлар эса ҳурматда, фароғатда ҳаёт кечирар эдилар. Бу ҳақда Навоий:

Замона ўқ каби тузларни синдуруб ёдек,
Аларки эгридурур шаҳга муҳтарам қиладур³⁸,—

дея аччиқ ўкинч билан ёзган эди.

Шундай аҳволни тўла ҳис қилган Навоий кўп нарса-ни шоҳнинг эътибори ва адолатига олиб келиб боғлар эди. Унингча, шоҳ адолатли сиёсат юргизса, зулм ордан кўтарилиб, унинг ўрнига маъмурчилик барпо бўлиши мумкин, аксинча, шоҳ зулмни авж олдирса, мамлакат ҳам, эл ҳам хароб бўлади. Шунинг учун ҳам унинг севги мазмунидаги ғазалларида:

Тузубон адл, кўнгил мулкани обод этинг,
Мулк маъмур бўлур, адлга шаҳ берса ривож³⁹.

Сен жафо қилгач, кўнгул жон бирла тарким туттилар,
Бўлса шаҳ золим, эл ичра зулмга эрмиш ривож⁴⁰,—

каби байт ёки мисралар, баъзан алоҳида қитъалар тез-тез учраб туради.

Куюшдек шаҳ адолат пеша қилса,
Жаҳон мулкани бир дамда ёрутгай.

Агар зулм этса ақшом зулматидек,
Ҳам ул дам тийралик оламни тутгай⁴¹.

Бу тасодифий эмас, албатта. Навоий жабр ва зулмни ҳам, золим ва мазлумларни ҳам, шоҳ ва тобеларни ҳам ўша замондаги мавжуд феодал тузум вужудга келтирганлигини тушуниш даражасигача кўтарила олмаган эди, чунки жамият тараққиёти қонунлари унинг учун очилмаган, сирлигича қолган эди. Шунга қарамай, Навоий катта журъат ва дадиллик билан шоҳларнинг дав-

³⁸ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, I, 201-бет.

³⁹ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, III, 96-бет.

⁴⁰ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, I, 111-бет.

⁴¹ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, IV, 701-бет.

латни бошқаришдаги ҳақ ва ноҳақ сиёсатларини, булар туфайли шоҳ хизматидаги одамлар аҳволи ниҳоятда хавотирлик эканлигини, улар баъзан ҳеч ўринсиз унинг инъому эҳсонига сазовор бўлиб, баъзан эса фидокорона хизматлари учун шафқатсиз жазога маҳкум этилишларини қайд қилиб ўтади:

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёга ташбиҳ эттилар,
Ким ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур.

Гаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри самин,
Гаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур⁴².

Навоний лирикасида май мавзуида ёзилган кўпгина ғазаллар мавжуд. Уларда, бир томондан, Навоний маҳбубанинг вафосизлигини ва ҳижроннинг дарду аламинини бир оз бўлса-да, унутиш мақсадида май ичишга даъват этса, иккинчи томондан, майни Навоний хурсандчилик симболи деб тушуниб, гоҳ-гоҳ май ичиб ҳаёт ва ундаги лаззатларни тотиш ва уларнинг қадрига етиш каби ғояларни илгари суради.

Навоний бу мавзудаги ғазалларида, айниқса, ўша даврдаги ижтимоий касаллик—муттасил майхўрлик ва доимий маст-аластликни қаттиқ қоралайди, майни ошкора ҳаром эълон қилиб, туну кун тинмайин пинҳон шароб ичадиган шайх, зоҳид, фақиҳ (диний ҳуқуқ билимдони) ва муҳтасиб (шариатга хилоф ишларни текширувчи)лар каби дин пешволарини аёвсиз фош қилиб ташлайди:

Мену муғ дайри⁴³ аро, муғбача⁴⁴ бошида ғулу⁴⁵
Сену зухд аҳли⁴⁶ била масжиду меҳроб тўла.

Эй Навоний, неча оз-озгина май мадрасада,
Дайр аро кирки, ичар май тўла, шоб⁴⁷ тўла⁴⁸

Ёки:

Шаҳр муфтиси бугун маст эди, фатво ёзди —
Ки: «Ҳаром ўлди ёмон ичса киши, йўқса — мубоҳ⁴⁹».

⁴² А л и ш е р Н а в о и й, Хазойинул маоний, II, 694-бет.

⁴³ *Муғ дайри* — майхона.

⁴⁴ *Муғбача* — май ташувчи.

⁴⁵ *Ғулу* — ғалва.

⁴⁶ *Зухд аҳли* — дунёдан воз кечиб тоат билан шуғулланувчилар.

⁴⁷ *Шоб* — йигитлар.

⁴⁸ А л и ш е р Н а в о и й, Хазойинул маоний, I, 52-бет.

⁴⁹ *Мубоҳ* — рухсат этилган иш. А л и ш е р Н а в о и й, Хазойинул маоний, IV, 107-бет.

Еки:

Мангаки ишқ ичра бўйла ком ўлса, таркин этмак эрур мумкин —
Нечаки таклиф қилсалар шайхн лола бирла фақиҳи аҳмоқ⁵⁰, —

каби сатрларда Навоий шайх, фақиҳ ва муфти каби руҳонийларни масхаралаб, уларнинг маънавий қиёфаларини рўйи-рост кўрсатиб беради.

Шоир қатор ғазалларида («Ул шайхки...», «Эй вонз», «Шайх» ва ҳоказо) меҳнат қилмай, меҳнат аҳлини бу дунёнинг лаззатларидан воз кечишга даъват этиб, наринги дунё ҳақидаги уйдирмалар билан уларнинг фикрларини оғулаб, ўзлари эса улардан йиғилган назр ва ниёзлар ҳисобига бойлик орттириб, айшу ишратда, ҳузур-ҳаловатда ҳаёт кечирувчи дин арбобларининг бутун кирдикорларини ўткир сатира остига олади. Шоир уларни «шайтон»лар, уларнинг муридларини эса «девлар тўдаси» деб атайдн, уларнинг ваъзлари «афсона» бўлиб, эшитганлар албатта қоронғулик—жаҳолатда қолади. Шунинг учун шайхнинг ўзини ўзи ўлдиришлигини пеш қилиб, уйдирма насиҳатлар айтадиган минбари куйдириб, парчалаб ташланса, жуда ҳам яхши бўлади, дейди.

Навоий алдамчилик занжири билан кишанланмай десанг, иблиснамо кишиларга яқин борма деб, дадил огоҳлантиради.

Навоийнинг дин ва дин аҳллари ҳақидаги шеърлари ўқувчида реакцион руҳонийларнинг мунофиқликлари, макр-ҳийлалари, безориликлари тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилади ва уларга қарши нафрат ва ғазаб туйғуларини уйғотади.

Шоир ўз севгилисига қарата:

Кўюнг борида қилмон, жаннатга гўзар ҳаргез,
Қаддинг қошида солмон, тўбига назар ҳаргез⁵¹.

Зоҳидга хитобан:

Зоҳид, санга ҳурв, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак⁵².

ёки тўғридан-тўғри худога:

Килибмен анча исёнким, агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар тўлгай.

⁵⁰ Алишер Навоий, Ҳазойиннул маоний, II, 317-бет.

⁵¹ Алишер Навоий, Ҳазойиннул маоний, I, 226-бет.

⁵² Алишер Навоий, Ҳазойиннул маоний, I, 769-бет.

Худоё, афв осонроқдурур, йўқса газаб килсанг,
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлгай⁵³,—

дер экан, бу диндан ва унинг жаннату дўзахидан истеҳ-
зо қилиш ва худога тил тегизиш эмасми?!

Навойй лирикасидаги ахлоқий масалаларга бағиш-
ланган шеърлар ҳозиргача ҳам маълум тарбиявий аҳа-
миятга эгадир. Шоир ҳақиқий инсон гоят ахлоқли бўли-
ши керак, бунинг учун у ўзидаги ёмон хосиятларни йў-
қотиш ва яхши фазилатлар орттиришига ҳаракат қилмоғи
лозим, дейди.

Навойй, агар сендаги мавжуд нуқсон ёки айбни би-
рор киши кўрсатса, ундан хафа бўлиб сўзини кесма, йўқ-
са кейин бу ҳақда сенга сўз айтмайдиган бўлиб қолади.
Айбни кўрсатувчи одамни шоир кўзгу—ойнага ўхшатса
бўлади, ахир, ойнага дам урсанг хираланиб, аксингни
бошқа кўрсатмайдиган бўлиб қолади-ку, дейди.

Инсонни ҳайвондан ажратган нарса — тилни,— деб
уқтиради Навойй,— «муқаддас гавҳар» деб тушуниш
керак, бинобарин, киши сўзлаганида оғзига келган
сўзларни эмас, ўйлаб, қисқа ва мазмули қилиб сўзла-
ши керак, эшитувчи ҳам шу мақсадни кўзда тутиб
«ким айтаётганига эмас, ким нима деяётганига» аҳа-
мият бериб эшитиши лозим:

Чун ғараз⁵⁴ сўздин эрур маъни анго,
Ноқил⁵⁵ ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они, кўргил ким не дер⁵⁶.

Сўнгра,— дейди Навойй,— эшитган қимматбаҳо сўз-
ларни қулоқда сақла, қадрла, агар садаф ичида дур
бўлмаса, унинг қиймати бўлармиди?

Қулоқда асра гаронмоя сўзини фикр эт —
Ки, дурсиз ўлса не бўлғусидир садаф ҳоли⁵⁷.

Навойй инсондан маънодор қилиб яхшилаб сўзлаш-
ни ва сўзни қадрлашни талаб қилар экан, ўзаро суҳ-
бат, муомала вақтида одоб сақлаш лозимлигини ҳам
унутмасликни маслаҳат кўради. У қаттиқ ва бемав-

⁵³ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, III, 709-бет.

⁵⁴ Ғараз — мақсад, ният.

⁵⁵ Ноқил — нақл қилувчи, сўзловчи.

⁵⁶ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, III, 692-бет.

⁵⁷ Алишер Навоий, Хазойинул маоний, I, 726-бет.

рид кулгини ақлли одамлар совуқ сифат деб (Навойй бундай кулгини «тонг отиш олдидаги ғира-ширалик»ка ўхшатади), зўраки ва мавридсиз йиғи солишликни эса бундан ҳам совуқроқ (Навойй бунақанги ёш тўкишни «қаттиқ қиш шамолининг муздан томизган қатра-қатра совуқ суви»га ўхшатади) деб биладилар, дейди:

Хикмат аҳли олдида совуқ сифат йўқ кимсада,
Субҳи козибдек маҳалсиз айлагон кулгу киби.

Лекин мундин кўп совуқдур ашк тўкмак зўр ила,
Дай елида қатра-қатра муз томизгон сув киби⁵⁸.

Одамлар орасига кирганда юқорида ўтиришликни ишташлик кишининг одобсизлиги, одамийликдан йироқ эканлигидан далолат беради, деб ўргатади Навойй. Унингча, юқорида яхши жойда ўтиришдан кўра, қандай жойда бўлмасин яхши одоб сақлаб ўтира билишнинг фойдаси кўпроқ:

Ўлтурур сафда юқориликдин
Ўлтурур сафда яхшироқ билгил⁵⁹.

Алишер Навойй тамагирликни энг ёмон хосият сифатида ифодалайди, кимдаки бу сифат бўлмаса, у шарафга сазовор кишидир, дейди.

Навойй қоралаган ёмон сифатлардан бири-бировга қуллуқ қилиш, хушомад гаплар сўзлашдир. Бундай сифатлар эгасини Навойй ҳар қандай жазога лойиқ деб ҳисоблайди:

Кимки махлуқ хизматиға камар
Чуст этар⁶⁰ — яхшироқ ўшласа бели.

Қўл қовуштурғунча бу авлодур
Ки, анинг чиқса эғни⁶¹, синса или⁶²

Чунки хушомад демакни бошласа, кош
Ким тутулса дами, кесилса тили⁶³.

Навойй, шунингдек, бахиллик, хасислик, ёлғончилик, ялқовлик каби сифатларни ҳам танқид қилиб, са-

⁵⁸ Алишер Навойй, Хазойинул маоний, II, 735-бет.

⁵⁹ Алишер Навойй, Хазойинул маоний, II, 708-бет.

⁶⁰ Чуст этмоқ — маҳкам қилмоқ.

⁶¹ Эғни — елкаси.

⁶² Ил — қўл.

⁶³ Алишер Навойй, Хазойинул маоний, I, 725-бет.

хийлик, ҳамжиҳатлик, ростгўйлик ва меҳнатсеварликни улуғлайди.

Мол-дунё кетидан чопган, умуман, дунёга ҳирс билан қараган одамлар,— дейди Навоий,— ана шу мол-дунёни қулига айланиб қоладилар, емай-ичмай бойи-ган одамлар кеча-кундуз бойликлари ҳақида гам чекиб, ўз ҳаловатларини йўқотиб қўядилар, ҳатто хароб бўладилар, Навоий бир газалида ёзишича, ҳирс билан жамғарилган бойлик бамисоли киши аъзоларида йиғилиб қолган иллат-мараздир, унинг олди олинмаса, бойлик сарф бўлмай ётаверса, у йирингга айланиши— киши ҳалоқ бўлиши муқаррар. Шоир олтинга қўл чўзмагин, қўлни қора рангга бўялади, агар унга бўлган ҳирсингни кўнглингда асрагудек бўлсанг, кўнглинг ҳам шундай қора бўлади, дейди:

Кўб олтун, кумуш сори қўл сунмоғин,
Ки тутсанг кафингнинг қара ранг эгар.

Кўнгулда доғи майлини асрама
Ки, кўнглингни доғи ҳам ул ранг эгар⁶⁴.

Чин инсон саҳий бўлиши керак. Лекин,— деб таъкидлайди Навоий,— саҳийлик ҳиммат муҳтожларга нисбатан кўрғазилсагина, юксак фазилат бўла олади, акс ҳолда ундан паст, ундан ёмон нарса йўқдир. Саҳийлик билан бировга бирон нарса беришлик, албатта, миннатсиз қилиниши лозим.

Навоий яхшилик қилиш бобида сўзлаб, бу ҳақиқий инсонга хос бўлган, уни безайдиган хислат деб таъкидлайди. Айниқса бечора, эзилганларга ёрдам қўлини чўзиш олижаноб иш:

Кимки, бир кўнгли бузугнинг хотирни шод айлагай,
Онча борким, каъба вайрон бўлса, обод айлагай⁶⁵

Маълумки, ўша вақтларда каъба бутун мусулмонлар дунёсининг энг муқаддас жойи бўлиб, уни тавоф қилиш ниҳоятда савоб ҳисобланган. Агар кимки бир фақир, бечорага яхшилик қилса, унинг кўнглини кўтарса, ана ўша энг муқаддас жой ҳисобланган каъбани обод этишдек катта савоб иш қилган бўлади, дейди улуғ гуманист.

⁶⁴ Алишер Навоий, Ҳазойинул маоний, II, 695-бет.

⁶⁵ Алишер Навоий, Ҳазойинул маоний, III, 621-бет.

Лекин ҳаётнинг бутун ачкиқ-чуқукларини тотиб кўрган шоир яхшилик қилишлик ҳаммининг ҳам қўлидан келавермаслигини жуда яхши билар эди. Шунинг учун у ҳар кимдан ҳам яхшилик қилишни талаб этмай, яхшилик қўлидан келмаган ёки қилишни истамаган одамлар бировга ёмонлик қилмасалар бўлди, шунинг ўзиёқ яхшилик бўлади, дейди:

Яхшилик гар қилмаса, бори ёмонлик қилмаса,
Ким ёмонлик қилмаса, қилгонча бордур яхшилик⁶⁵.

Навоний яхшиликни улуғлаш билан бирга, яхши одамларга ихлос қўйишни ва улар билан дўстлашишни, шу дўстликни қадрлашни тарғиб этади. Кимки, яхшилар билан бирга бўлса, ҳурмат қозонади, тўғри йўлдан боради, безори, ёмон одамлар орасига кирганлар эса, Навоний сўзи билан айтганда, ёмон бўладилар, уларга «ёмонлик юқади».

Юқар ёмонлик ангаким, кирар ёмон эл аро,
Кўмүр аро илик ўргон қилур илгини қаро⁶⁷.

Навоний анча газалларида илмнинг хосияти ва келтирадиган фойдалари ҳақида илғор фикрларни айтади. У ёшларни илмни эгаллашга даъват этади, лекин Навоний илм олишда унинг мамлакат, халқ учун фойда келтириш томонларига эътибор бернш керак деб таъкидлайди, чунки амалда қўллаб бўлмайдиган илмдан фойда чиқмайди, бундай илм учун инсон ўз вақтини, меҳнатини бекорга сарф этмаслиги лозим. Навонийча, илм-фаннинг ҳаёт қийинчиликлари, ғам огирликларини енгишда роли катта, шунинг учун ҳам у: «Дунёдин ғамсиз ўтай десанг, илму ҳунар ўрган»,— дейди.

Саводсиз қолиб, касб-ҳунар ўрганмай, ғафлатда ўз умрини зое қилганларни Навоний «аблаҳлар» деб қорайди, оламдан бирор бир касбни тамомила эгалламай ўтишликни у «ҳаммомдан нопок» чиқишлик билан тенг деб ҳисоблайди:

Қамол эт касбким, олам уйдин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ

Жаҳондин нотамом ўгмак бийиниҳ⁶⁸
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ⁶⁹.

⁶⁵ Алишер Навоний, Хазойинул маоний, IV, 723-бет.

⁶⁷ Алишер Навоний, Хазойинул маоний, V, 747-бет.

⁶⁸ *Бийиниҳ* — худди ўзи, айнан.

⁶⁹ Алишер Навоний, Хазойинул маоний, I, 725-бет.

Илмлик бўлсанг, ҳунаринг бўлса, унинг устига тўғри ва ростгўй бўлсанг, ҳамниша ишинг илгарги босади, мақсадга эришасан деб уқтиради:

Тўзликка⁷⁰ мойил ўлки, ишинг боргай илгарри⁷¹.

Гуманист шоир ўз лирикасида, дostonларидагидек, замонасидаги ҳуқуқсиз хотин-қизларнинг олижаноб фазилатларини қадрлайди, уларнинг нозик ҳиссиёт эгаси эканликлари, юксак сифат ва хосиятларини куйлайди. Одобли, ақли ўткир хотин-қизларини нодон ва ноинсоф эркаклардан афзал кўради:

Юз туман⁷² нопок эрнинг яхшироқ,
Шок хотинлар аёғининг изи⁷³.

Навоий аёлларни қуёшга ўхшатади, ҳаётда улардан ёруғлик тарқалади, дейди:

Гўқ ажаб, чунким араб алфозид
Истилоҳ ичра муаннасида кўш⁷⁴.

Шоир лирик меросида унинг ўша давр поэзиясида мавжуд бўлган ҳамма жанр ва турларида ижод қилганлигини кўрамиз. Масалан, газал муставод, мухаммас, мусаддас, мусамман, таржиъбанд, таркиббанд, қасида, соқийнома, қитъа, рубоий, туюқ, муаммо, чистон, фард ва ҳоказо.

Юқорида шоирнинг газал ва қисман қитъаларида ўз ифодасини топган сиёсий ғоялар ва бадиний санъатини ғоят мухтасар тарзда баён этдик. Навоий мухаммас ва мусаддасларида, рубоий ва туюқларида ҳам ўз даври поэзияси учун актуал ва анъанавий саналган ғоя ва мавзуъ юзасидан юксак санъат билан фикр юритади.

Шоирнинг қуйидаги рубоийлари:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра гар қизил гүл бутса,
Булбулга тикандек ошинён бўлмас эмиш⁷⁵.

⁷⁰ *Тузлик* — тўғрилиқ.

⁷¹ Алишер Навоий, *Хазойинул маоний*, III, 692 бет.

⁷² *Туман* — минг.

⁷³ Алишер Навоий, *Хазойинул маоний*, II, 696-бет.

⁷⁴ Алишер Навоий, *Хазойинул маоний*, III, 695-бет.

⁷⁵ Алишер Навоий, *Хазойинул маоний*, I, 754-бет.

Олам бор эмиш, Навоийё, шўр ангиз,
Олам дағи эл боштин — аёғ ранг омиз.

Ишқ истар эмиш сени адам мисри сари,
Борғилки, эрур эр тилаган ерда азиз⁷⁶.

Уларга сингдирилган чуқур маъно гўзал бадний санъаткорлик билан ёзилганлиги учун асрлар мобайнида Навоийнинг бой лирик мероси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун айтганларимиз етарли эмас, албатта.

Навоий лирикада, асосан, ўзининг чип севги, ҳақиқий бахт ва саодат, инсоф ва адолат ҳақидаги орзулари, кишиларни жамият, халқ учун фойдали иш билан машғул кўриш йўлидаги истакларини тараннум қилади.

Шоир лирикаси мазмун жиҳатдан қанчалик чуқур ва фойдали бўлса, баднийлик жиҳатдан ҳам шунчалик пухта ва ўтқирдир.

Навоий лирикасида гавдаланган лирик қаҳрамонлар образи чунончи, ошиқ, машуқа, ринд, мутафаккир, зоҳид, шайх, фақиҳ ва бошқалар жуда атрофли, чуқур ва ҳаётий қилиб берилган.

Бу моҳир сўз санъаткорининг лирик ижоди намуналари кейинги даврларда жуда кўп илғор ўзбек ёзувчиларига ва талай қардош халқларимиз шоирларига ижобий таъсир кўрсатди. Улар Навоий лирикасини қунт билан ўрганиб, унинг яхши традицияларини қабул қилдилар ва илғор ғояларини ривожлантирдилар.

Қисқача қилиб айтганда, Навоийнинг лирик мероси тўпланган «Хазоиниул маоний» асари ўз автори даврининг, аниқроқ айтганда, шу давр ижтимоий ҳаётининг том маъносидаги қомусидир. Юқорида зикр этилган фикрлар шоирнинг умумий социал позициясини, дунёқарашини характерлайдиган, ифодалайдиган айрим асосий моментлардир. Унинг дунёқараши эса, унинг лирикасида ўртага ташланган фикрлар системаси эса жуда мураккаб, кенг ва ғоят кўп қирралидир.

1. Даврнинг аксар асосий масалаларида Навоий исёнкорлик, даврни рад этишлик позициясида туради. Уша вақтлардаги энг илғор гуманизм ва ватанпарварлик позициясида туриб, ижтимоий ҳаётга ислоҳ кирит-

⁷⁶ Алишер Навоий, Хазоиниул маоний, I, 752-бет.

моқчи бўлади. Давр зўравонларини фош этади, қоралайди. Уларни жиловлашга уринади ва мамлакат ҳамда халқнинг ниҳоят даражада оғир ва фожиали аҳволини енгиллатмоқчи бўлади.

2. Хукмрон феодал идеологияси—дин ва шариатни, уларнинг пешволарини кўп масалаларда мавжуд социал фожианинг сабабчилари деб, уларга нисбатан танқидий муносабатда бўлади, гоҳ тушуниб, гоҳ балки, ғайри шуурий суратда уларга ўзининг илғор инсонпарварлик ва ҳаётбахш ғояларини қарши қўяди.

3. Ғоят юксак ва моҳир санъаткорлик билан шундай ажойиб фикрларни ифодалайдики, бу билан у ўз давридагиларнигина эмас, балки бир неча авлодларни гўзал эстетик руҳда тарбиялашда жуда катта роль ўйнайди. Кўп масалаларда ярамас, ғайри инсоний, феодал-клерикал ахлоқ нормаларини рад этади.

Хуллас, Навоий лирикаси аксар масалаларда ўз даврининг энг илғор ғоявий поэтик энциклопедиясидир.



НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИ

Алишер Навоийнинг эпик ижоди ўз ичига бешта-мустақил достонни олган «Хамса»¹дан иборатдир. Бу беш достон унинг дунёқарашини, ижодининг асосий ғоявий-бадний йўналишини белгилаб берувчи монументал асарлардир. Шунингдек, «Хамса» шу давр учун характерли бўлган деярли ҳамма ижтимоий масалаларни қамраб олган буюк адабий ёдгорлик бўлиб, аини вақтда шоирнинг зўр қобилияти ва юксак қудратини ифодалаб беради.

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихида форсигўй шоирлар Низомий Ганжавий ва Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомийлардан сўнг туркигўй шоирлар ичида эса биринчи бўлиб «Хамса» яратган шоирдир.

Бу ҳақда Алишер Навоий «Хамса»нинг аввалида ёзади:

Форси бўлди чу аларга адо,
Турки ила қилсам ани ибтидо.

Форси эл топти чу хурсандлиқ,
Турк дағи топса барумандлиқ...

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам...

Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлим,
Қўлдаса, Хисраф била Жомий қўлим².

¹ Қаранг: В. Зоҳидов, Мангу ҳаёт хазина (сўз боши). Алишер Навоий, Хамса, Нашрга тайёрловчи П. Шамсиев, Тошкент, УзССР ФА нашриёти, 1960, 5—8-бетлар; А. Ҳайитметов, Навоий достонларида реалистик хусусиятлар, «Шарқ юлдузи», 2-сон, 1966.

² Алишер Навоий, Хамса, 32-бет.

«Ҳайратул аброр» («Яхшилар ҳайрати») фалсафий-таълимий дostonдир. Бу асарини Алишер Навоий мутафаккир, назарийетчи, файласуф ҳамда зўр санъаткор сифатида яратди.

«Ҳайратул аброр» 64 бобга бўлинади. 21 бобни традицион муқаддималар, ҳамд, муножот, наътлар, 20 бобни мақолат, 20 ҳикоя, 3 боб эса дostonнинг хотимасидур.

Алишер Навоий асарининг аввалги бобларида «Хамса» чиликдаги ўз салафлари ҳақида сўзлаб, уларни кўкларга кўтарди, уларга ўз ҳурматиини изҳор этади.

Сўнгра шоир сўз ҳақида, форма ҳамда мазмун ўртасидаги муносабатлар ҳақида мулоҳазаларини баён этади.

Сўз таърифида Алишер Навоий айтадики:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух даги тан аро сўздин ҳалок.

Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил³.

Шеърятда,— дейди шоир,— асосий шарт маънонинг аслигидир. Шеърнинг формаси гўзал, маъноси эса яхши, кўнгилга яқин бўлса ғоят мақсадга мувофиқ ҳамда орзу қилгудек ижод намунаси ҳисобланади:

Назмда ҳам асл анга маъни дурдур,
Бўлсун анинг сурати ҳар не дурдур.

Назми, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Назми ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни даги дилкаш анга⁴.

Асосий бобларнинг аксарига Алишер Навоий ўз давридаги мавжуд тузум, ижтимоий гуруҳларга (шоҳлар, шайхлар, толиби илм, олим ва бошқалар) характеристика беради. Дostonнинг махсус бобида шоир ўз дав-

³ Алишер Навоий, Хамса, 34-бет.

⁴ Алишер Навоий, Хамса, 34-бет.

рининг ниҳоят ҳаётий лавҳасини яратди. Давр зулм ва зулмат, зўрлик ва разиллик, фитна-фужур ва беҳуда қон тўкишликлар билан тўла. Мазлумларни талаш эвазига қурилган ҳашаматли саройларда зулм ва адолатсизлик, айшу ишрат ва бодапарастликни ўзига касб қилиб олган золим шоҳлар мутамаккин.

Уларга шоирнинг нафрати чексиз, ғазаби оловли:

Қасрки, базм анда муҳайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлиб.

Пардалари риштаси эл жонидин.
Лаълию шингарфи улус қонидин...

Хиштини масжид буюбон келтуруб,
Тошнини эл марқадидин еткуруб.

Мастлик уйқуси чу айлаб ҳужум,
Борча ўлукдек ётиб ул хайли шўм.

Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлүб,
Ҳар бири бир зулмга машғул ўлүб.

Зулмунг эрур кундузи фиқинг кеча,
Зулм ила фиқинг печа, бўлгай печа?⁵

Шоир Ҳирот тахтининг вориси ҳисобланган шаҳзода Бадруззамон мирзога алоҳида бобда насиҳатлар билан мурожаат қилади:

Шарь тариқини шоир айлагил,
Адл ила мулкунга мадор айлагил.

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузук мулкни обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,
Мўмини золим ани барбод этиб⁶.

Бу дostonда Алишер Навоийнинг идеал шоҳ ҳақидаги орзулари баён қилинган.

Шоир мунофиқ дин арбоблари—шайхлар, ҳийлагар ва тамаъгир зоҳидлар ҳақидаги фикрларида бутонфанинг жамият учун хатарли фаолиятларини асослаб беради. «Булар, — дейди Алишер Навоий, — қаллоблик билан шайхлик хирқаси — тўннини кийиб олган. Шомда

⁵ Алишер Навоий, Хамса, 60—61-бетлар.

⁶ Алишер Навоий, Хамса, 137-бет.

ҳам, саҳарда ҳам зикр этиш баҳонаси билан гавго со-
лувчи риекордирлар. Тўнларигади жандалар — қуроқ-
лар остига танга яшириш учун мослаштирилган. Унга
чандиланган иплар — фирибгарлик торидан, игнаси иб-
лис мўйловидандир. Деганлари — «ёлғон, мияси фиққ-
фужур билан, ботини нажосат билан тўла. Дев ила
шайтон улар ичида жўш уради, қилмишлари беҳуда
сафсата ва валақлаш билан муридларни ўз йўлига
солишидир. Бундайларга дўзах ҳам хайф. Агар одам-
ларга дўзах ўтидан азоб бўлса, дўзах ўтига булардан
азоб. Улар ҳақидаги фикрларини хулосалаб шоир шун-
дай дейди:

Бу эл эрур борча ёмондин-ёмон,
Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон⁷.

Шоир саховат ва сахийлар мадҳида ҳам мақолот-
лағ беради. Уларда саховатни тўғри тушуниш, сахийлик
кўрғазинида исрофга йўл қўймаслик, сахийликни унга
эҳтиёжи бўлганларгагина қилишни уқтириб ўтади. Ўз
ерида ва лозимаси даражасида амалга оширилмаган са-
ховатни Навоий бахиллик билан баробар дейди:

Билки, сахо қилғали кимдур муҳиқ,
Сийм берурга ким эрур мустаҳиқ.

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этик бирла мубоҳот учун.

Ақл ҳисобидин эрур бас йирок,
Бўхл бу жүдунгдин эрур яхшироқ⁸.

Тўқларга тўкин дастурхон ёйиш, эгни бутларга тўн
ҳадя этиш, юзлаб йилқисн борларга от миндириш, юз
йиллик рўзгори борга кумуш тангалар эҳсон қилиш са-
ховат эмас. Ахир ақл эгаси бўлмиш тадбиркор одам
Бадахшонга лаъл юбориб, кирмонга зира келтирмай-
ди-ку! Қуёш нурини орттириш мақсади билан кундуз
куни саноксиз шамъ ёқишлик ақлдан эмас. Бундай
қилган киши сувга ташна боғ устидан ёғин бермай
ўтиб—тоққа бориб сувини тўккан булутга ўхшайди,
дейди шоир.

«Ҳайратул аброр»нинг кўпгина қисми одоб масала-

⁷ Алишер Навоий, Ҳамса, 65-бет.

⁸ Алишер Навоий, Ҳамса, 67-бет.

ларига бағишлангандир. Бундай бобларда Навоий инсонни жуда ёшлигидан бошлаб тўғри тарбиялашни, ҳатто бу иш фарзандга яхши ният билан яхши ном беришдан бошланмоғи лозимлигини уқтириб ўтади.

«Садаф,—дейди шоир,— қатраға тарбият этгани туфайли у дурга айланиб инсон бошидан ўрни эгаллашдек шараф топади».

Улча эрур тифлга шойишта иш,
Билки кичикликда эрур парвариш.

Қатраға чуи тарбият этти садаф,
Эл бошига чиққунча топти шараф.

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин уёт⁹.

Алишер Навоий ёшларни уларга ҳаёт бахш этган ота-онани ҳурмат қилишга, уларнинг хизматида бўлишга чақиради. Ота-она,— дейди шоир,— ой билан қуёшга ўхшайди. Бирн қуёш бўлиб кундузингни, иккинчиси ой бўлиб кечангни ёритади. Шунн яхши идрок этиб уларнинг ҳурматини бажо келтир, доимо уларга фидокорлик кўрсат, улардан ҳеч нарсани аяма, дейди шоир:

Бошни фидо айла, аго қошига
Жисми қил садқа ано бошига.

Икки жаҳонингга тиларсан фазо —
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Тун-кунунгга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш¹⁰.

Алишер Навоий бу асарнда, шунингдек, озод меҳнатни улуғлайди, кўкларга кўтаради. «Ҳотами Тоний» ҳикоясинн шоирнинг ҳалол, озод меҳнат борасидаги юксак фикрларининг гўзал ифодаси деса бўлади. Саховат аҳлининг сардори саналмиш Ҳотами Тонийга бир кун бир одам савол беради: «Сахийлик сенинг олатингга айланганидан берли ўзингдек бир кимсани учратдингми?» Бунга жавобан Ҳотами Тоний ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб беради: «Кўнларининг бирида юз туя, беа-

⁹ Алишер Навоий, Хамса, 73-бет.

¹⁰ Уша ерда.

лад қўю қўзи сўйдириб, узоқ-яқиндаги одамларни тақ-
лиф этиб зиёфат бердим. Базм асносида ҳаво олиш
мақсадида далага чиқдим. Айланиб юрганимда тикан
орқалаб келаётган бир чолни учратдим. Унга Ҳотам
уйига зиёфатга бориб меҳмон бўл, тикашни ташла гул-
шанга бориб иззату ҳурматда бўл деб эдим. У менга,
сенга ҳам бу тикан меҳнатини тотини маслаҳат кў-
раман. Бу қанчалик машаққатли эса-да, роҳати мин-
натсиздир, чунки ҳалол меҳнатдир:

Бир дирам олмоқ чикибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж¹¹,—

дея қилган жавобидан шу нарса аниқ бўлдики, ҳим-
мат юзасидан у мenden ортиқ экан».

Алишер Навоийнинг янтоқ териб рўзгорини аранг
тебратувчи бу меҳнаткаш чол ва унинг ҳалол меҳнати-
ни юксак ҳусни—рағбат билан тараннум этиши меҳнат
аҳли ва озод меҳнатни улуғловчи гўзал мадҳиядир.

«Ҳайратул аброр» достонида Алишер Навоий, шу-
нингдек, илмнинг хосияти, аҳамияти ҳақида тўхталиб
ўтади. Ўз давридаги толиби илмларнинг машаққатли
аҳволини — ярим оч, ярим яланғоч аҳволда илмга таш-
наликларини қондириш йўлидаги қийинчиликларини
реал лавҳаларда акс эттириб беради:

Алишер Навоий чуқур ўқинч билан: «Токи жаҳонда
зулм барқарор экан олимлар хор, жоҳиллар азиз, ра-
зиллар юксак мартабада, илм аҳллари эса ранжу алам-
да, яхшилар эса ёмонлар оёғи остида бўладилар,—
дейди:

Даҳр шии то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олимۇ жоҳил азиз

Токи жаҳон зулми килмиш писанд,
Ерга тушар мева йингоч сар баланд.

Разлға рифъат билки аҳлиға ранж,
Тоғ уза хорову ер остида ганж¹².

Алишер Навоий илмни бойлик тўплаш, улуғ ман-
сабларни эгаллаш воситасига айлантирган илм аҳлла-

¹¹ Алишер Навоий, Ҳамса, 70-бет.

¹² Алишер Навоий, Ҳамса, 91-бет.

рини чуқур нафрат билан тилга олади. Бундай садқаи олимлар ўзини нобуд қилади, халқини адаштиради, улар жоҳил ва подонлардан ҳам тубандирлар, дейди. Аксинча, бойлик ва дунё тўнлаш қайғусини чекиб ижод қилувчи олимларнинг асарларини шараф гавҳарининг конига, ўзларини эса пориллаб турган юлдузларга ўхшатади:

Олим, агар қатъи амал айласа,
Илмига шойиста амал айласа.

Солмаса кўз жиғаи дунё сари...
Они шараф гавҳарининг кони бил¹³.

Алишер Навоий бутун ижодининг марказида турган, шу ижод йўналишининг бош нуқтаси бўлган ҳақиқий инсон ва унинг бахти, бурчи масаласи «Ҳайратул аброр»нинг ҳам ўзагини ташкил этади.

Алишер Навоийча инсон бутун кинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тождир. Шоир ана шу шарафли инсонни безайдиган гўзал фазилатлар усгида алоҳида-алоҳида фикр юритади. Ҳақиқий инсон одобли, хаёли, қаноатли, меҳнатсевар, мурувватли, ростгўй, камтар, сахий ва тўғри бўлмоғи зарур, дейди у. Тўғрилиқ борасида шоир ёзади:

Шамъки, тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур¹⁴

Ростгўйлик ҳақидаги шоирнинг мана бу сўзлари халқ мақолига айланиб кетган:

Ҳар кишиниким, сўзи ёлғон эся,
Айлама бовар, нечаким чин деса.

Айниқса бундай инсонни вафодорлик фазилати безайди. Алишер Навоий вафо, вафодорликни шундай таърифлайди:

Меҳри гиё демаки, анқодир ул.
Жавҳари фарду дури яқтодир ул¹⁵⁻¹⁶.

Инсонга меҳр кўзи билан қараш, инсонийликни ардоқлаш, олижаноб гояларга содиқ бўлиш, уларни амал-

¹³ Алишер Навоий, Хамса, 97-бет.

¹⁴ Алишер Навоий, Хамса, 91-бет.

¹⁵⁻¹⁶ Алишер Навоий, Хамса, 80-бет.

га оширишда фидокорлик кўрсатиш, шоиримиз фикрича, вафодорликдир. Алишер Навоий вафони «башарият гулшанининг хушбўй гули» деб таърифлайди.

Шоир бу дostonда дўст ва дўстлик борасида ҳам қимматли фикрлар айтиб ўтган: «Дўсти йўқ одам,— дейди Навоий,— дурсиз садафдир, ёлғиз кимсанинг киши сониде саналиши мушкул, бундай одамнинг яйраб-яшнаши қийин»

Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?

Ёрсиз эл охи гам-андуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғуз иши дуд эрур¹⁷.

Бу масала муносабати билан шоир бир-бирига вафодор бўлган икки одамнинг дўстлиги қандай мўъжизалар ярата олиши мумкинлиги, бундай дўстлик қарши-сида, ҳатто ўлим ҳам ожиз қолишини тараннум этувчи гўзал ҳикоя келтиради.

«Ҳайратул аброр»да шоир севги-ишқ ҳақида муфассал фикр юритади. Алишер Навоий севгини ижтимоий категория сифатида талқин этади. Уни икки шахс доирасидан чиқаради ва инсонлар орасидаги муносабатлар асосига айлантиради. Бу билан шоиримиз Шарқнинг адабий-фалсафий фикрларини бойитади.

Алишер Навоийча севги-ишқ ниҳоят даражада зўр ва муқаддас ҳиссиёт. У бамисоли қуёш:

Қайси кўнгиликки, макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаълаға кон этти ишқ.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

Ишқ эрур дурру кўнгул дурж анга,
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.

Қайси қуёш, базм фурузанда ўт,
Дема, фурузандаки, сўзанда ўт¹⁸.

Қуёш ҳароратининг баландлигидан,— дейди шоир,— табиатдаги кўп нарсаларни куйдириб юборади. Ишқнинг ҳам ҳарорати шундай зўр. Ҳақиқий, чин севги кишидаги ёмон хислатларни, эгриликларни ўз ўти билан

¹⁷ Алишер Навоий, Хамса, 81-бет.

¹⁸ Алишер Навоий, Хамса, 85-бет.

куйдириб ташлайди. Агар ҳар қандай ёмонликдан холи бўлган пок, комил инсонга ишқ ўти юкланса, бу ўт уни янада тоблантиради, у яна ҳам покроқ бўлади:

Ўтга тушуб пок бўлур кимки ғаш,
Покроқ ўлғай ўт аро покваш¹⁹.

«Ҳайратул аброр» даги энг муҳим масалалардан яна бири жамият тақдири ҳақидаги фалсафий мулоҳазалардир. Табиат ва илоҳият, инсон ва ҳаёт масаласидир. Алишер Навоий даврида Шарқда жуда кўп тарқалган мистик таълимотлардан инсон ҳечдир, у ўз қийматини йўқотиб, ўша илоҳиятга қўшилади деб тарғиб этиларди.

Шоиримиз бу масалага ҳам муҳим янгилик киритган. У табиат ва инсон илоҳиятнинг зуҳури — кўринишидир. Шунинг учун инсон табиат билан бўлиши ва уни севиши керак деб уқтиради. Инсон, табиат ва илоҳият ҳақида илғор ғояларни илгари сурган шоир, баъзан маълум маънода маҳдудликларга ҳам йўл қўяди. Худони илоҳийлаштиради. Уни инсонни ва борлиқни яратувчи куч деб биледи. Бу эса шоиримиз яшаган давр ва шу давр тушунчаларининг савияси билан изоҳланади, албатта.

Алишер Навоий бу асаарида инсон ўз билимини, тушунчаларини ташқи оламдан сезги аъзолари орқали олади, деган фикрни билдиради. Инсон қобилиятини, идроқини улуғлайди. Инсонни табиат билан боғлайди.

Маълумки, ўша даврларда жаннат ва дўзах ҳақидаги сафсаталар, дўзах азоблари тўғрисидаги уйдирмалар халқ онгига сингиб кетган эди. Бу уйдирмалар халққа руҳий азоб берар, уни умидсизлик, тушкунлик кайфиятида тутар эди. Алишер Навоий мана шуларга қарши фаолиятда бўлади ва бу достонида шахс вафот этгандан сўнг йўқ бўлади, бинобарин ҳаётни севиш, яхши бўлиш, яхши ном қолдирмоқ учун интилишга даъват этади.

Ҳақиқий инсон деган улуғ ва муқаддас номга лойиқ фаолиятда бўлишни, юксак инсоний бурч — халқ билан бирга бўлиш, унинг бахту саодати йўлида қайғуришдек олижаноб мақсад йўлида жонбозлик кўрсатишни уқтиради гуманист шоиримиз.

¹⁹ Алишер Навоий, Хамса, 88-бет.

Алишер Навоийнинг инсон ва унинг бурчи тўғрисидаги фикрлари асосий ғоя:

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ халқ гамидин ғами²⁰,

деган хулоса билан яқунланади.

«Ҳайратул аброр»да Алишер Навоий бобларнинг охирида қисқа ва таъсирчан ҳикоятлар бериб боради. Бу ҳикоятлар мақолотларда баён этилган муаллиф фикрларини тўлдиради, бойитади. Асарни янгидан-янги бадий бўёқлар билан безайди. Чунки бу ҳикоятларда Навоий бадий приёмларни зўр маҳорат билан ифода-лай олган. Ҳикоятлар қисқа, лекин таъсирчан. Китобхонни ўзига жалб этади. Айниқса, ҳикоятларда муаллиф ҳамма нарсани бош фикрга қаратади, мойиллаштиради. Бу йўл билан у асосий мақсадни атрофлироқ кўрсатишга интилади.

Умуман айтганда, «Ҳайратул аброр» назарий масалаларни, ажойиб бадий лавҳаларни ўз ичига олган асардир. Унда Навоийнинг ўз даврига, яшаган социал муҳитига муносабати бутун тўлалиги билан акс этган бўлиб, «Хамса»нинг бошқа дostonларига назарий дастур вазифасини ўтайди.

«Фарҳод ва Ширин»

«Хамса»нинг иккинчи дostonи «Фарҳод ва Ширин»²¹ анча мураккаб асардир. Бу дostonни ҳам Навоий традицион боблар билан бошлайди. Сўнгра шу хил дostonлар яратган ўз салафлари ҳақида тўхталиб ўтади. Улар яратган дostonлардаги баъзи нуқсонларни танқид остига олади. Ўз тасавурида пишиб етилган, энди эса ёзишга киришаётгани бу дostonни ўз салафларидан фарқли ўлароқ қай тарзда баён этиш юзасидан олиб борган изланишларини, шу мавзудаги барча афсона ва дostonларни қунг билан ўргангани, мутолаа қилганини айтиб ўзининг асосий қаҳрамонлари ҳақида ёзади:

²⁰ Алишер Навоий, Хамса 104-бет.

²¹ Қаранг: В. Зохидов, Навоий, «Фарҳод ва Ширин»нинг ғоявий мотивлари, «Шарқ юлдузи», 1948, 5-сон, 94—110-бетлар; В. Зохидов, Шеърый эпик роман (сўз боши). Алишер Навоий, Танланган асарлар, Тошкент, Ўздавнашр, 1948, II том, 2-китоб.

Низомий деди, Хисрав бўлди пайрав,
Агар ул шоҳ эди, бу эрди хисрав.

Таносуб топиб ул икки ягона,
Дедилар борча Хисравдин фасона.

Мени маҳзунгаким ишқ этти бедод,
Солиб ғам тоғида андоқки Фарҳод.

Муносибдур агар тортиб навони,
Десам Фарҳоди маҳзун достони.

Ёзиб жон мусҳафидин икки оят,
Дебон Фарҳоду Шириндин ҳикоят²².

Муаллиф дostonнинг асосий қисмидаги Хито хоқони ва унинг фарзандсиз аламли кунлари, фарзанд кўриш учун бўлган тилак ва орзулари ҳақида ҳикоя қилишдан бошлайди. Кунларнинг бирида хоқон ўғил кўради. Унга «Фарҳод» деб от қўяди:

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Хуруфи маъҳазин беш қисм қўйди.

Фироку рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард²³.

Фарҳод жуда кичиклигидан бошлаб кучли иродали, диловар ва илм ҳамда ҳунарга ниҳоятда ихлосманд бўлиб ўсади. У тамоми юксак фазилатлар эгаси бўлишига қарамай, ғоят хокисор — камтар эди:

Анга тенг подшолик, то гадолиғ,
Гадолиққа тенг этмай подшолиғ.

Демонким кўнгли пску ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку ўзи пок²⁴.

Фарҳод ғамли ва дардли эди, барчага завқ бахш этадиган суруд, қўшиқлар унинг хуррамлигини барбод қилар, ишқ в ошиқлик ҳақидаги дostonларни эшитса кўзидан ғам ёшларини тия олмас эди. Ўғлининг бундай ҳазин аҳволдан хабар топган хоқон вазири Мулкоро билан маслаҳатлашиб Фарҳоднинг кўнглини очиш мақсадида йилнинг тўрт фаслига монанд тўрт қаср бунёд этиш ишига киришади. Бу ўринда шоирнинг бинокор ишчилар, меъмор ва наққош ҳунармандлар ҳақидаги сўзлари ғоят мароқлидир.

²² Алишер Навоий, Хамса 165—166-бетлар.

²³ Алишер Навоий, Хамса 173—174-бетлар.

²⁴ Алишер Навоий, Хамса, 175-бет.

Навоийнинг мухандислар томонидан бинонинг тарҳи—плани чизилиши, кейин унинг нақшлари белгила- ниши, сўнгра қилинажак ишлар юзасидан вуқуфи бор кордонларнинг бошлиқ сифатида тайин қилиниши, бино- корлик жиҳозларининг қай йўсинда тайёрланиши, ай- ниқса, бинокорлик ишларининг бориши тўғрисида завқ- шавқ билан баён этиши унинг шубҳасиз, бундай ишлар- ни жуда яхши билишлигидан далолат беради.

Иш бошига келган Фарҳод унинг қизғин боришидан бинокорларнинг ҳар бириси учун белгиланган ишларни амалга ошириш йўлидаги жонбозликларидан ҳайратда қолганлигини шоир қуйидагча тасвирлайди:

Тушуб бир олам элга бул-ажаб жўш,
Бўлуб бориға хобу хўр фаромуш.

Чекиб гардунға тўрт андоқ бино бош
Ки, гардун деб анга ҳар лаҳза «шобош».

Фалак тоқиғача боғлаб хавоза,
Зухал янглиғ чиқиб устига коза.

Қўярға ҳар бино олий равоқи,
Бўлуб қолип ҳамоно чарх тоқи.

Ишида маҳв онингдек ҳар бир устод
Ки, ишдин ўзга бори ишдин озод²⁵.

Фарҳод усталар орасида тоштарош Қоранни учра- тади, у билан суҳбатлашиш натижасида Фарҳодда тош- тарошликка ҳавас уйғонади. У бу ва бошқа кўп ҳунар- ларни оз фурсатда пухта ўрганиб олади.

Шоир тўрт фаслга мослаб бино қилинган тўрт қаср ўзига хос ранг, нақш ва жиҳозлар билан безатилгач, уларда қурилган базмларни юксак нафосат-ла тасвир- лайди. Лекин буларнинг ҳаммаси шоир талқинича, Фар- ҳодни хуррам эта олмайди, хоқон чора деб билган тад- бирлар хато бўлиб чиқади. Энди у ўғлининг кўнглини давлат қайғуси билан банд этмоқчи бўлади, ўзининг қариб қолганлигига ишора қилиб, унга ўз салтанатини топширмоқчи эканлигини айтади:

Қарилик айбини ёшурса бўлмас,
Борур чоғ бўлди, боқиб турса бўлмас.

Ҳавас бўлса қариға навжувонлиқ,
Хижолат зоҳир айлар саргаронлиқ.

²⁵ Алишер Навоий, Хамса, 180-бет.

Соқол оқи ўлжмга пешравдур,
Тириклик сабзаси узра қиравдур.

Уни узмак йигит бўлмоқ ғамида,
Соқол юлмоқ дурдур ўз мотамида...

Бировким ранг этарга қилса оҳанг,
Топар беш-олти кундин сўнг ўн-ўн бош.

Қарилик дарди бедармондур охир,
Бир иш кўнглумда кўп армондур охир.

Ки, ўлмасдин бурун очиб кўзумни,
Сарир узра йигит кўрсам ўзумни.

Ки яъни тожу тахту салтанат ҳам,
Сипоҳу мулку молу мамлакат ҳам.

Бори бўлса анинг бирла музайян
Сени ўз ўрнима қилсам муайян.

Санга тутсам мусаллам подшолиқ,
Халойиқ устида кишвар панолиқ.

Манга шаҳлиқда қуллуқ ҳам қил эмди,
Атолиқ ҳам, ўғуллуқ ҳам қил эмди²⁶.

Отасининг таклифига Фарҳод ниҳоят даражада хокисорлик, иффат, одоб ва тавозеъ билан: «Шаҳаншоҳ узоқ йиллар омон бўлсунлар, тахтлари чарх сариридан баланд, сипоҳилари юлдузлар сонидан кўп бўлсун! Менда салтанат бошқариш учун на тажриба, на иқтидор бор. Модомики, таклифингизни қабул қилиш лозим эрса, мен бир-икки йил ёнингизда бўлиб, хизматдан ўзимни огоҳ қилсам, юрт сўраш сирри-асрорини ўргансам»,— дея жавоб қилади.

Ота билан ўғил, ака билан ука ўртасида тожу тахт учун қонли тўқнашувлар бўлиб турган XIV, XV асрлар шароитини назарга олганда Навоийнинг Фарҳод ва унинг отаси орасидаги салтанат ва тожу тахт борасидаги бундай самимий, илиқ, ғоят холис такаллуфлари мустасно аҳамият касб этади.

Воқеалар тобора ривожлана боради. Фарҳод отаси хазиналаридан бирида биллур сандиқни кўриб қолади, уни очмоқчи бўлганида шоҳ: «Кўрдинг бўлди, ичида нима борини биз ҳам билмаймиз»,— дейди. Бунга жавобан Фарҳод:

²⁶ Алишер Навоий, Хамса, 192—193-бетлар.

Деди: ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод²⁷.

Сандиқни очадилар, ичидан «Ойинаи Искандарий» яъни ойинаи жаҳоннамо чиқади. Унинг орқасида шундай мазмунда хат ёзилган бўлади: «Бу ойина жаҳон аҳлига Искандардан ёдгорликдир. Тўрт юз донишмандлар, файласуф, олимлар буни кашф этганлар. Кимки бунга қараб ўз тақдирини билмак истаса, юнон мамлакатига бориб машҳур ҳаким (Суҳайло — *S. F.*) билан учрашиб, аждаҳо ва дев — Аҳраманни ўлдириб, Искандар тилисмин очиб, Суқрот билан кўришмоғи лозим».

Шоир юксак маҳорат билан Фарҳоднинг бу йўлдаги саргузаштларини баён қилади. Фарҳод паҳлавонлик кўрсатиб ёзувда қайд қилинганларнинг барчасининг урдасидан чиқади, охири Чин мулкига қайтиб келади. «Ойинаи Искандарий»ни қўлига олади, унда Арман тоғлари орасида гўзал Ширин аксини кўриб, ошиқ бўлиб ҳушсиз йиқилади. У ўз ишқини қанчалик яширишга уринмасин, бунга муваффақ бўла олмайди, тобора хасталиги ортади. Табиблар Фарҳод касалини дафъ этиш учун денгиз оролларида бирига сафар қилиши лозимлигини уқтирадилар. Хоқон, Мулкоро ҳамда Фарҳод ўз аёнлари билан денгиз сафарига чиқадилар. Уларнинг кемаси денгизда ҳалокатга учрайди. Довул Хоқон, Мулкороларни Чин мулки қирғоқларига чиқариб ташлайди, Фарҳодни эса тожирлар қутқариб оладилар. Фарҳоднинг халоскорлари орасида Шопур бор эди. Улар дўстлашадилар ва Яман мамлакатидан Арман ўлкасига жўнайдилар. Йўлда Ширин истагига биноан, канал қазитган ишчилар билан учрашадилар, улар-ла суҳбат қилдилар. Фарҳод ўзининг тоғ кесиш ҳунарини ишга солади. Ишлар жадаллик билан юришиб кетади. Икки юз кишининг уч йиллик вазифасини Фарҳод оз фурсатда амалга оширади. Бундан хабар топган Арман маликаси Михинбону ва унинг жияни гўзал Ширин Фарҳоднинг ҳайратомуз ишларини кўргани келадилар. Фарҳод ва Ширин биринчи бор дийдор кўришадилар. Фарҳод «Ойинаи Искандарий»да кўргани малаксиймо шу Ширин эканлигига амин бўлиб ҳушидан кетади. Ширин ҳам

²⁷ Алишер Навоий, Хамса 196-бет.

паҳлавонга кўнгил қўяди. Шопур кўмакчилигида Фарҳодни Миҳинбону саройига олиб кетадилар. Фарҳод ўзига келгач, уятдан изтироб чекади ва яширинча саройдан чиқиб яна ариқ қазииш ишига машғул бўлади.

Навий катта санъат билан ариққа — каналга сув очиш воқеасини ғоят реал бўёқларда баён этади. Бу ўринда айниқса меҳнат аҳллари ва халқнинг тантанаси алоҳида диққатга сазовордир. Ариқ қазииш ва ҳовуз бунёд этиш ишлари муваффақиятли тугалланади. Ариққа «Наҳрул-ҳаёт» («Ҳаёт дарёси») ва ҳовузга «Баҳрун-нажот» («Нажот денгизи») деб ном қўядилар.

Миҳинбону ва Ширин Фарҳод шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфат асносида Миҳинбону саройидаги ўнта гўзал олима қизларнинг Фарҳод билан илмий баҳслашувларини шоир ниҳоятда гўзал қилиб тасвирлайди.

Шу орада Араб ва Ажам (Эрон) мамлакатлари шаҳаншоҳи Хисрав Парвез Шириннинг ҳусну жамоли таърифини эшитиб, ўзининг донишманд вазири Бузург Уммед маслаҳати билан Ширинни сўраб Миҳинбону ҳузурига совчилар юборади. Шириннинг рад жавобини Миҳинбону ҳам маъқуллайди. Буни эшитган Хисрав Арман мамлакатига қўшин тортишга қарор қилади. Вазир Бузург Уммед Хисравга тасалли бериб яна бир бор элчи-совчилар юбориш кераклигини айтади. Бу гал элчиларга уқтирган гапларида Фарҳодни камситган ва таҳқирлаган эди. Миҳинбону ниҳоятда босиқлик ва ақллилик билан совчиларга муомала қилади. Фарҳоднинг илми, ҳунари, баҳодирлиги ва юксак инсоний фазилатлари ҳақида фарах билан сўзлайди. Энди Хисрав Миҳинбону қалъасини қамал қила бошлайди.

Бутун вужуди ва порлоқ онги билан урушга нафрат билан қаровчи Фарҳод ўзи, яқинлари ва халқни ёвуз душман ҳужумидан мудофаа қилиш учун фидокорлик кўрсатишга тайёр эканлигини билдиради. Фарҳод Хисравга қарши урушда қаҳрамонлик кўрсатади. Ниҳоят, Хисрав бир ҳийлагар воситаси-ла Фарҳодни кишанбанд этади. Фарҳод ҳушига келгандан кейин Хисрав томонидан сўроқ қилинади. Фарҳоднинг ўткир ва ачиқ истеҳзоли жавоблари қаршида лол қолган Хисрав: «Фарҳод аввал дорга тортилсин, сўнг мурдаси бир неча кун давомида тошбўрон қилинсин, кейин катта гулхан

ёқилиб унинг жасади куйдирилсин ва нашъи кўкка со-
вурилсинки, ундан ному нишон қолмасин?» — деб буй-
руқ беради. Фарҳод бу жазони ҳам зўр қониқиш билан
қабул қилажагини билдиради. Фарҳод баланд тоғ усти-
даги «Салосил қўрғони»га юборилади²⁸. Қўрғон атро-
фига беш юз соқчи қўйилади. Фарҳод Юнон сафарига
борганида Сукрот ҳаким унга бир «исм» ўргатган эди,
ўшани ўқилса бандлар очилар ва тўсиқлар бартараф бў-
лар эди. Фарҳод ҳар куни яширинча банддан озод бў-
либ олиб атрофларни кезар, ваҳшийлар ва паррандалар
билан дўстлашиб дардкашлик қилар эди. Бундан воқиф
бўлган соқчилар Фарҳодга эркинлик таклиф қиладилар.
Фарҳод бунга уларни жазога қолишлари муқаррарлиги
туфайли рози бўлмайди. Фарҳоднинг ишқ қудрати ва
дарди, маъшуқаси гўзаллиги, ҳижрон аламлари ҳақида
атрофидагилар, ҳатто ой, қуёш, юлдуз, тун ва кунлар
билан қилган оху-нолалари қалъа халқи оғзида куйга
солиниб дoston бўлиб кетади.

Шопур узоқ ахтаришлар азобидан кейин Фарҳод-
нинг қаерда эканлигини билишга муваффақ бўлади
ҳамда Миҳинбону ва Ширинни хабардан огоҳ қилиб,
Шириннинг Фарҳодга йўллаган мактубини олиб Фар-
ҳодни излаб боради. Икки дўст учрашиб узоқ дардлаша-
дилар. Фарҳод мактубни олиб бениҳоя ҳам хурсанд, ҳам
маҳзун бўлади. У ҳам маҳбубасига мактуб йўллайди.
Шопурнинг ошиқ ва маъшуқаларга бўлган меҳрибон-
лиги ва хайрли ҳаракатлари Хисравга маълум бўлади
ва у Шопурни ҳам банд қилади.

Энди Хисрав Фарҳодни орадан кўтариш учун яна
бир ҳийла ясайди. Фарҳод яшаётган тоққа бир маккора
кампирни — ёсуманни юборади. У билан учрашиб қол-
ган Фарҳод саволига кампир: «Мен тоат-ибодатга маш-
ғул муштипарман. Хисрав Арман юртига фитна солди,
тинчлик барбод бўлди, халқда тўғрилиқ ва вафо қол-
мади. Мен узлат истаб шу тоғларга бош олиб келдим,
Миҳинбону билан Хисрав ярашди. Ширин эса ўз сев-
гилиси Фарҳод ишқида жон берди», — дея жавоб қи-
лади. Фарҳод бу даҳшатли хабарни эшитибок ҳалок
бўлади.

²⁸ Чунки Хисрав ва Бузруг Уммед уни хоқоннинг ўғли эканлиги-
ни билиб қолиб, қасосдан чўчиб жазони енгиллатиш фикрига туша-
дилар.

Шоир Фарҳоднинг ўлими олдидаги ўй ва хаёлларини, уни фикран ўз ота-онаси билан видолашгани, отасининг вазири Мулкоронинг ўғли — Фарҳоднинг эмикдоши Баҳромга Хисравдан ўч олишни васият қилгани, қариндош дўст ва устозларига, жумладан Қоран, Моний ва Шопурларга салом йўллаганини ғоят хазин ва мунгли қилиб баён этади.

Воқеа ниҳоясига яқинлашади. Миҳинбону ва Хисрав ярашадилар. Ширинни Хисравга беришга Бону рози бўлади. Хаста Ширинни тўй олдидан бир оз соғайтириш учун Арман мамлакатининг шимолидаги Фарҳод барпо қилган қасрга юбориш маслаҳат кўрилади. Ширин қасрга кетаётганида Хисрав ва унинг яқинлари ҳамда қўшини томоша қилгани чиқадилар. Улар орасида бўлган Хисравнинг ўғли Шеруя Ширинни кўриб қолиб унга ошиқ бўлади. У: «Агар отамни йўқ қилсам, дилрабо меники бўлади»,— дея Хисравни қатл қилади.

Шеруя талабига Ширин гўё кўнгандек бўлади. Лекин бир неча: Шопурнинг банддан озод этилиши; Фарҳод жасадини келтириб кўмиш учун ижозат, аза тутмоқ учун лозим бўлган муҳлатнинг берилиши каби шартларни қўяди.

Фарҳоднинг ўлигини олиб келадилар. Ширин унинг ёнида жон беради. Фожиа кетидан фожиа рўй беради. Ширин ўлимини эшитган Миҳинбону ҳам оламдан кўз юмади.

Фарҳод ўлими ҳақидаги хабар Хитога етиб боради. Баҳром лашкар тортиб Арманга келади.

Баҳром Шеруяни отаси ва ўзи томонидан Арман мамлакатада қилинган харобликларни обод этиш ва халқи фаровонлиги учун катта маблағ тўлашга мажбур қилади. Сўнг унга ўз юрти Мадойинга жўнашга ижозат беради. Арман мамлақати тахтига Миҳинбону қариндошларидан бирини шоҳ кўтаради. Ўзи эса Шопур билан Фарҳод қабри устида бир бино қурдириб, дунё ишларидан воз кечиб яшай бошлайди.

Навий дostonни шаҳзода Шоҳ Фариб Мирзога насихат билан яқунлайди.

Қуёшлиқ истасаюг касби камол эт,
Камол ар касб этарсен, бемалол эт.

Эрурсен шоҳ, агар огоҳ сен сен,
Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен...

Шаҳеким, илм нури топти зоти,
Анинг то ҳашр қолди яхши оти²⁹.

Бу сўзларига далил қилиб шоир Улуғбек мирзони келтиради. Темур наслдан кимлар ўтмади,— дейди шоир,— лекин бирортасининг номи тарихда қолмади. Улуғбек мирзодек султонни олам билмайди. У илмни яхши эгаллагани учун осмон унинг қаршисида паст бўлди, осмоний илмларни пухта ўрганиб «Зичи кўрагоний» ни ёзди. Олам тургунча у ҳақда кўрсатмалар яратадилар ва ҳоказо.

Ниҳоят, шоир ёш шаҳзодага адолатпарвар бўлиш учун, мамлакатни обод қилиш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш, халқни фаровон қилиш учун нималарга эътибор бериш лозимлигини тарих саҳифаларидан ўрганишни тавсия қилади. «Агар менинг ёзганларимдан бу соҳада бирор сабақ кўтарсанг руҳимни шод қилган бўлар эдинг» деган сўзлар билан насиҳатларини якунлайди.

Асар Шарқ «Хамса»чилигида традиция бўлиб қолган фахрия, шикоят, шикастанафслик, орзу-истак приёмлари қўлланган хотима билан тугалланади.

Унинг сўнгида:

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.

Чекиб Хисрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.

Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат.

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки, қилмишдур найи қилким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.

Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим³⁰, —

²⁹ Алишер Навоий, Хамса, 330-бет.

³⁰ Алишер Навоий, Хамса 335-бет.

сатрларини ўқиймизки, шоир бундай дейишида тамомила ҳақли эди. Зотан, шоир ҳаёт эканлигидаёқ унинг шуҳрати кенг тарқалган эди.

* *
*

«Фарҳод ва Ширин» достонида асосий масала севги, дўстликни улуғлаш, босқинчилик урушларини қоралашдир. Буларнинг ҳаммаси кенг маънодаги севги бўлиб, вафодорлик асарнинг бош ғоявий йўналишини ташкил этади.

Достонда марказий сиймо Фарҳоддир. Фарҳоднинг асарда бу хилда кўрсатилишининг ўзи ҳам Навоийнинг бу образини ишлашда салафларига нисбатан бутунлай бошқа йўл тутганлигидан дарак беради. Бунда у илғор ғоявий позициясидан келиб чиқади.

Фарҳод — оташин ошиқ, айни чоқда севгида садоқатли сиймо, Фарҳод Ширинни фақат унинг гўзаллиги учунгина эмас, балки шунингдек, ҳақиқий инсонлиги, олижаноблиги учун ҳам севади. Фарҳод — ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳар қандай тўсиқни енгишга интилувчи қаҳрамон. У илм-фан чўққисини эгаллаган ҳақиқий инсон. У ақл ва идрокни ҳар нарсадан юқори қўяди. Ҳақиқий инсонларга меҳрибон, ёмонлар билан асло келиша олмайди.

Фарҳод — ватанпарвар, ватанни босқинчилардан сақлашда жон-дили билан курашади. Ёшлигиданоқ одобли ва меҳр-шафқатли киши бўлиб ўсади. Чидам билан фан ва ҳунарни эгаллайди. У сезгир, ғамхўр, инсонпарвар шахсдир.

Фарҳод Арман ўлкасида ариқ ўтқазиш учун тоғ қазитганларга раҳм қилади, уларни машаққатдан қутқариш мақсадида, ўз ҳунарини ишга солади. Хисрав бостириб кирганда, биринчи бўлиб унга қарши кўтарилади. Қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатади. Хисравнинг асосий мақсади мамлакатни босиб олиш эканлигини тушунади, шунинг учун ҳам у адолатли урушга бел боғлайди.

Пасткаш Хисрав Фарҳодни ҳийла билан асир этади. Шоҳ билан бўлган тортишувда Фарҳод ундан нақадар нафратланишини очиқ-ойдин изҳор қилади. Ошиқнинг бу нафрати фақат шахсий эмас, балки ижтимоий маъно-

даги нафратдир. Бу қуйидаги диалогдан яққол кўри-
нади:

Деди: недир сенга оламда пеша?
Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамеша.

Дедиким: ишқ ўтидин де фасона!
Деди: куймай киши топмас нишона.

Деди: бу ишқдин инкор қилгил!
Деди: бу сўздин истиғфор қилгил!

Деди: жонингни олса лаъли ёди?
Дедиким: ушбудур жоним муроди.

Деди: бу ишқ тарки яхшироқдур,
Деди: бу шева ошиқдин йироқдур.

Деди: ол ганжу қўй меҳрин ниҳоний,
Деди: тупроққа бермон кимёни.

Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткүм,
Деди: ишқида мақсудимға еткүм³¹.

Равшанки, бу бир-бирини истисно қилувчи икки иж-
тимой гуруҳ вакиллари ўртасидаги тортишувдир. Сўз
жангида ҳар икки томоннинг ҳақиқий қиёфаси, кузатган
мақсади, хулқ-атвори аён бўлади.

Хисрав асирини банд этган қўрғондаги соқчилар
Фарҳоднинг олижаноб одамлигини билиб, унга қочишни
таклиф этишади. Фарҳод бундай қилишдан бош тор-
тади:

Деди Фарҳодким, э нотавонлар,
Фалакдин мен киби озурда жонлар.

Қачон келгай бу иш аҳли вафодин,
Хусусан мен заифи мубталодин.

Ки рағбат айлабон коми ҳавоға,
Неча маҳзунни солгаймен балоға³².

Чунки у бошқаларнинг ўлими ҳисобига яшаш ҳақиқий
инсоннинг иши эмас деб билади. Фарҳод инсонийликни
ана шу тахлит улуғлайди. Ўлими олдидан ўз ватани —
Хитони эслайди. Ота-онасидан узр сўрайди.

Фарҳоднинг ўлим олдидан ота-онаси тўғрисида айт-

³¹ Алишер Навоий, Хамса, 275—276-бетлар.

³² Алишер Навоий, Хамса, 231-бет.

ган сўзлари жуда оташин, таъсирли сўзлардир. Фарҳод ўлаётганда ҳам босқинчилардан ўч олиш, уларни тормор қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Мана шу штрихлар Фарҳод образини социал жиҳатдан жуда яхши очади. Фарҳод — жуда трагик, айна вақтда романтик образ. Образ оптимистик руҳ билан суғорилган. Фарҳоднинг фожиали тақдири умидсизликка эмас, курашга, активликка чорлайди.

Фарҳод зулм ва адóлатсизликнинг қурбони бўлади. У ана шуларга қарши кураш йўлида ўлади. Асарда Навоий қаҳрамони Фарҳод билан бирга фарёд чекади. Фарҳод образи орқали шоир ўз даври илғор ғояларини ифодалайди.

Фарҳод севгини, инсонни тожу тахтдан юқори қўядики, бу масала даврнинг бош масаласи ҳисобланар эди. Чунки ўша даврда тахт учун кураш жараёнида қанчадан-қанча бегуноҳ қонлар тўкилар, неча-неча софдил, самимий одамларнинг ёстиғи қурир эди. Шу сабабдан гуманист шоир тахтга нафрат кўзи билан қараб, тахт учун курашувчиларни қаттиқ қоралайди.

Асардаги асосий образлардан яна бири Шириндир. У асар бошланишиданоқ кўз ёши тўкиш, йиғлаш, фарёд чекиш, азобни ўз устига олиш орқали ғам-аламни қайтармоқчи бўлади. Айна замонда бу билан Ширинни бутунлай пассив шахс деб бўлмайди. Активлик унда ҳам бор. У асар давомида зулм ва қабоҳат билан келиша олмайди. Ҳаётни севимли ёрисиз тасаввур қила олмаган Ширин, Хисрав Фарҳодни банд қилиб зиндонга ташлаганда, унга нома орқали шундай мурожаат қилади:

Не бўлғай ҳолинг, эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим?

Чекардин ғам тоғин ҳолинг нечукдур,
Бу юкдин жисми чун нолинг нечукдур?

Не бўлғай эрди чархи зулм пеша,
Мени сендин жудо қилмай ҳамеша,

Ҳироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

Тикан кирса кафингга кинасидин,
Чиқорсам эрди кирпич игнасидин...

Кўруб хору хас ўрнунгда, ниҳоний —
Сочим бирла супурсам эрди они. . .

Фироқинг тигидин юз пора жоним,
Не жоним, балки жисми нотавоним...

Вале юз мунча меҳнат бўлса эрди,
Не юз, минг шиддат бўлса эрди.

Сени кўрсам эди ногох-ногоҳ,
Ғамим йўқ эрди биллоҳ, сумма биллоҳ...

Ҳаётим васлингга уммид иландур,
Умид ул раҳмати жовид иландур.

Агар ҳажрингда юз йил ғуссакашмен,
Агар васлинг умиди бўлса хушмен³³.

Ширин меҳнатни ҳурмат қиладиган, илмда ягона, ақл-идрокни ҳамма нарсдан юқори қўядиган аёлдир. У Фарҳодни инсонпарвар, халқ, мамлакат тақдири ҳақида қайгирувчи бўлгани учун, бу йўлда кураш олиб боргани учун севади.

Ширин — ифбатли, хушмуомала, одобли қиз. Унинг бу хусусиятларини Миҳинбону билан бўлган муносабатларида кўришимиз мумкин. Ширин ўзининг шахсий ҳиссиётларини халқи, мамлакати билан боғлайди, шу йўлда хизмат қилишга интилади. Шунинг учун Хисравнинг бостириб келишидан нафратланади, мамлакатнинг хароб этилиши, халқнинг хонавайрон бўлишига қайғуради.

Асарда Ширин тор рамкадаги шахс эмас. Унинг фикр доираси кенг. У доимо мамлакатнинг ободончилиги, тақдири ҳақида ўйлайди. Шириннинг ўлиши ҳам, ҳалокатга бориши ҳам шу мамлакат тинчлигини ўйлашидан келиб чиқади.

Ширин сарой қизи бўлса-да, кўп жиҳатдан халқ орасидаги қизларни эслатади. Унинг ўлими қанчалик фожиали бўлмасин оптимистик хулосага олиб келади. Улимига сабаб бўлганларни йўқотишга ундайди.

Навоий Ширин образи орқали оддий халққа, шу халқ орасидаги оддий одамларга, айни ҳолда аёлларга хос бўлган гўзал ва идеал сифатларни тараннум этмоқчи, тарғиб ва ташвиқ қилмоқчи бўлади. Шириннинг социал қиёфасини, унинг мақсад ва интилишларининг туб маъно ва мазмунини ифодаловчи бош омил — тезис ниҳоят даражада мухтасарлик билан қуйидаги икки сатрда ифодалангандир:

³³ Алишер Навоий, Хамса, 293—296-бетлар.

Менга не ёру, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур³⁴.

Достоннинг энг муҳим ижобий персонажларидан бири — Шопур. Шопур Навоий тавсифида моҳир наққош:

Ҳунар бобида устоди замона,
Замона ичра наққоши ягона.

Варақни қилки айлар чоғда тасвир,
Бўлиб ноиб маноби қилки тақдир.

Не сурат ёзғали топиб чү даст ул,
Жаҳонни айлабон суратпараст ул³⁵.

У дўсти учун жон фидо қилувчи шахс. У Фарҳоднинг кимлигини тушунади, таниб олади. Ўз кучи, қобилиятини ҳақиқий инсон, санъаткор, илғор фикр эгаси бўлган Фарҳодга бағишлайди. Гарчи у асарда бош қаҳрамонга нисбатан иккинчи сафда турса ҳам, асарда шу қадар муҳим ўрин олган ва унинг мазмунига шу қадар сингиб кетганки, усиз асарни тасаввур қилиш қийин. Шопур ҳар нарсадан олдин гуманистик ҳаракатлари билан ажралиб туради, Фарҳод билан Ширин севгисини ардоқлайди. Ақл-идрокни кўкларга кўтаради. Мамлакат тинчлигини истайди, урушни нафратлайди. У Хисравга қарши қўлига қурол олиб курашмаса ҳам, Хисравга бало, ҳалокат симболи деб қарайди.

Шопурни безайдиган нарса унинг ўз ҳаётининг маъносини яхшиликда, бошлиқларга хизмат қилишда деб билишидадир. Шопур дўстларига содиқ, ёмонлардан бутун вужуди билан нафратланади. Шопурда умидсизлик кайфияти ҳам пайдо бўлади, бунинг боиси шуки, у Фарҳод ва Ширинни ҳалокат жарига итқитган воқеликдан ниҳоятда нафратланади, аммо мавжуд тузум шароитида бу фалокат олдини олиш, ундан қутулиш йўлини тополмай қийналади, ноилож дод-фарёд чекиш билан кифояланиб қолади, умидсизлик кўчасига киради.

Миҳнбону энг муҳим ижобий образлардандир. У жуда қобилиятли давлат арбоби. Навоий у орқали аёлларга чексиз муҳаббатини ифодалайди ва уларга таҳсинлар ўқийди. Миҳнбону образида аёллардаги ифбат ва майинлик, гўзаллик ва ақллилик, журъат ва тадбир-

³⁴ Алишер Навоий, Хамса, 263-бет.

³⁵ Алишер Навоий, Хамса, 234-бет.

корлик мужассамланган. Миҳинбонунинг энг яхши хусусиятларидан бири унинг ўз Ватанини беҳад севишидир. Ў ўз халқининг бахт-саодати, мамлакатининг мустақиллиги, осойишталиги ва ободончилиги ҳақида қайғуради. У илм аҳлларига ҳомийлик қилади. Унинг саройида бир қанча донишманд олималар ишлайди. Уларнинг ҳар бири «якфан», яъни фаннинг тегишли соҳаларида тенги йўқ зотлар деб тасвир этилади:

...Ҳар қайси бир фазл ичра моҳир,
Маҳорат шеvasи ҳар бирда зоҳир.

Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос.

Бири мантиқ русумида рақамкаш.
Бири ҳайъат руқумиға қаламкаш.

Бирининг шеvasи илми ҳақойиқ,
Балогатда бири айтиб дақойиқ.

Бири тарихда сўз айлаб фасона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона.

Ҳисоб ичра бирининг зеҳни бориб,
Муаммода бириси от чиқориб.

Бу фанларда булар бир-бирдан аҳсан,
Юз ул фанлик аро ҳар қайси якфан.

Дилорому, Дилорою, Дилосо,
Гуландому, Суманбую, Сумансо.

Паричеҳру, Паризоду, Париваш,
Парипайкар, зиҳи ўн исми дилкаш³⁶.

Навоий Миҳинбону образи орқали ўз даврининг шоҳларига киноя қилади, уларни Миҳинбонудан ибрат олишга чақиради. Бу образ Навоийнинг катта социал қуролларидан бўлиб, зўр ижтимоий аҳамиятга эга. Миҳинбонунинг ҳуснига ҳусн қўшадиган, безайдиган фазилатлар оғирлик, вазминлик, гадбиркорлик, дипломатикликдир. Миҳинбону ҳар бир ишда шошмайди, ҳовлиқмайди. Ҳеч қандай ҳодиса уни тебрата олмайди. У босқинчиларни ниҳоятда қоралайди, лекин уларга қарши курашда шошқалоқлик билан иш тутмайди, ўз даврига нисбатан катта фаолният, қобилият намоён қилади. Миҳинбону Хисравни нафратлар экан, унга қарши кураш олиб борар

³⁶ Алишер Навоий, Хамса, 255-бет.

экан, буни ўз мақсадлари юзасидангина қилмайди, балки мамлакат учун, Ширин учун, Фарҳод учун, шулар образида мужассамлашган кенг маънодаги яхшилар ва яхшилик учун қилади.

Навоий юқорида кўриб ўтилган ижобий образларни бир қанча салбий образларга қарама-қарши қўяди. Дастонда салбий образларнинг энг йириги Эрон шоҳи Хисравдир. Бу образни яратишда Навоий халқ орасида кўп тарқалган дostonлардан фойдаланган.

Тарихда Эрон босқинчилари неча асрлар давомида Урта Осиё халқларини бир неча марта тинчсизлантириб, бу ўлкада қонли из қолдириб кетганлар. Шунга кўра, халқ орасида Эрон босқинчиларига нисбатан нафрат кучли эди. Навоий яратган Хисрав образи, унинг шу образ орқали ифодалаган нафрати халқда бўлган нафрат билан ҳамма ҳамма оғирдир. Умуман Хисрав образи орқали Навоий даврининг марказий сиёсий масаласини кўтариб чиқади, адабиётни илғор фикрлар билан бойитади. Шоир кечмишдаги босқинчиларнинг қонли қилмишини эмас, ўз давридаги босқинчиларнинг, келажакдаги босқинчиларнинг ҳам қонли қилмишларини қоралайди, босқинчилар халқ бошига келган бало дейди, уларга қарши курашга ундайди.

Навоий яшаган даврда хисравлар кўп эди, улар мамлакатни хароб, халқни хонавайрон қилаётган эдилар. Фан, маданиятни барбод этаётган, фитна-фужурни авж олдириб, мамлакатда тартибсизлик ўрнатаётган эдилар. Навоий ана шуларнинг умумлашган образини яратди, даврининг қабоҳатларини Хисрав образи орқали ифодалаб, халқни олдида жуда муҳим хизмат қилди.

Хисрав образини Навоий қандай очади?

Ширин ўлкаси — Арманистон жуда бой мамлакатдир. Хисравнинг ўз мамлакати ҳам катта, ҳам бой, лекин бу уни қаноатлантирмайди. У энди Арманистонга кўз олайтиради. Ута кетган очкўз, разил Хисрав Арманистонга бостириб келади. Унинг мақсади Арманистонни эгаллаш, бойликларини талон-торож қилишдир. Лекин у бу мақсадни ошкора амалга оширишга юраги дов бермайди, кўз бўямачилик қилиб, ўзини гўё Ширинга ошиқу беқарор қилиб кўрсатади. У Фарҳодни очик курашда енга олмаслигини билиб, ҳийла ишлатади. Буларнинг ҳаммаси босқинчиларга хос асосий сифатлардир. У ўз ҳаётининг маъноси бойлик тўплаш учун кураш ва одамларни ўлдиришдадир деб билади. Шунинг учун ҳам Фар-

ҳод билан суҳбатида олтинни ҳамма нарсдан юқори қўяди.

Хисравнинг ўғли Шеруя ҳам пасткашликда ўз отасидан қолишмайди. Уша даврдаги ота ва ўғил орасидаги жанжалларни Навоий Шеруянинг отасига муносабатида ифодалаган. Уғилнинг отани ўлдиришини кўрсатиб бу билан у ўз давридаги юқори доираларда мавжуд разилликларни яна ҳам очиқроқ ифодалашга интилади.

«Фарҳод ва Ширин» катта монументал асар бўлишига қарамасдан, унда иштирок этувчи асосий шахслар кўп эмас. Бу нарса Навоий асарида асосий мақсадни бўрттириб беришга хизмат этади, образларни кенг қўламда тасвир этишга, улар қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб беришга имконият туғдиради.

«Фарҳод ва Ширин» достони бошидан охиригача гуманизм, ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, юксак бадиий формада ёзилган.

Достоннинг марказий ғояларидан бири халқлар дўстлигини куйлашдир. Асар қаҳрамонлари турли халқларнинг вакиллари: Фарҳод — хитолик, Ширин — арман қизи, Шопур — эронлик. Уч асосий қаҳрамон миллати жиҳатидан турлича бўлса ҳам, гўзал инсоний фазилатлари, яхшиликка интилишлари, севгида содиқликлари, олижанобликлари жиҳатидан бирдирлар. Уларнинг ҳар бири ўзини иккинчисиз тасаввур қила олмайди. Уларнинг ҳар бири ўз халқининг вакили. Навоий уларни бениҳоя севади. Улар ўртасидаги садоқатни тасвирлаш орқали инсоний улуғвор дўстликни юксак, принципиал даражага кўтаради, улуғлайди. Бу орқали ўз қаҳрамонлари мансуб бўлган халқларга муҳаббат кўзи билан қарайди. Шунинг учун ҳам асар умумбашарий аҳамият касб этади.

Достонда қўйилган муҳим масалалардан яна бири урушга йўл қўймаслик, урушнинг олдини олиш, мамлакат бирлиги ва тинчлигини сақлашдир.

Асарда Навоий илм ва меҳнатга муҳаббат ғоясини илгари суради. Навоий инсон ва мамлакат бахтининг ўзагини меҳнат ва илмда кўради. Шулар ёрдами билан инсон ҳар нарсани қила олади, деган хулосага келади. Масаланинг бундай қўйилиши ўз даврига кўра жуда муҳим нарса эди. Ўрта асрлар шароитида илм ҳақоратланарди, илм аҳллари ўлимга маҳкум этилар, қувғин остига олинар эдилар. Ижтимоий ҳаётнинг асосини ташкил қилган меҳнат ҳам бениҳоят таҳқир этилганди. Навоий

илм ва меҳнатни куйлаш билан унинг аҳлларини ҳам куйлайди, улуғлайди.

Достонда яна энг муҳим нарса — даврдан шикоят қилиш ва конкрет, ишонарли далиллар, воситалар билан ҳукмронларни ёмонликдан воз кечишга, яхши йўлга киришга, мамлакат ва халқ ҳақида ғамхўрлик қилишга, шахс эркини ҳимоя қилишга ундаш каби масалаларнинг ёритилишидир.

«Фарҳод ва Ширин» дунё адабиётининг шоҳ асарларидан, инсоният шеърий даҳосининг мўъжизаларидан бири, кўп халқларнинг севиб ўқийдиган ноёб асаридир. Ҳинд халқининг атоқли маданият арбоби Аҳмад Аббос Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и ҳақида фикр юритиб: «Бу асар Ҳиндистон халқлари томонидан севилиб ўқилади», — дейди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Навоий дунёқарашидаги тарихий чекланганлик «Фарҳод ва Ширин»да ҳам ўз ифодасини топган. Асарда Навоий шахснинг ролига ортиқча баҳо бериб юборади. Шахсни тарих яратувчиси даражасига кўтаради. Омманинг роли шахс соясида қолиб кетади. Лекин достонда жамият, халқ тамомила йўқ эмас, халқ вакиллари ариқ қазишда, сув очиш тантанасида иштирок этадилар. Хисрав қўрғонига посбонлик қиладилар. Шунга қарамай, асарда асосий ролни якка шахс ўйнайди. Бу билан Навоий тарихга идеалистик қарайди. Шунинг учун асар қаҳрамонлари Фарҳод орқасида ҳам, Хисрав орқасида ҳам халқ кўринмайди. Бу ҳол тасодифий бўлмай, Навоий яшаган давр, ўша вақтдаги социал шароит билан тақозо қилинади.

Бундан қатъий назар, «Фарҳод ва Ширин» достони фақат Навоий ижодида эмас, балки бутун ўзбек адабиёти тарихида ғоят муҳим ўринни эгаллайди.

«Лайли ва Мажнун»

«Хамса»га кирган достонларнинг учинчиси «Лайли ва Мажнун»дир. «Лайли ва Мажнун» баъзи жиҳатлардан «Фарҳод ва Ширин»га ўхшайди. Лекин шу билан бирга, ундан тамомила фарқ қиладиган мустақил асардир. «Фарҳод ва Ширин»да романтика зўр. Кўп моментларда воқеа афсона тарзида баён қилинади (масалан, тилсим масаласи, аждаҳда билан олишиш, ёлғиз тоғ кешиш). «Фарҳод ва Ширин»нинг тематик доираси кенг, унда даврнинг деярли барча асосий масалалари қамраб

олинган «Лайли ва Мажнун»да реализм зўр. Фантастик моментлар оз. Романтика ҳам бор, лекин реализм тенденцияси бу асарда кучли. Асарда акс эттирилган воқелик масаласига келсак, «Лайли ва Мажнун»нинг тематик доираси нисбатан чекланган.

«Фарҳод ва Ширин»да севги тинчлик учун урушга қарши кураш фонида ёзилган бўлса, «Лайли ва Мажнун»да севги ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни қоралаш фонида ифодаланади. Бу — масаланинг ўзагидир. Бусиз асарни тушуниш мумкин эмас. «Фарҳод ва Ширин»да бўлганидек, «Лайли ва Мажнун»да ҳам севги проблемаси жамиятнинг марказий масалалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда очиб борилади ва ҳал қилинади.

Навоий бу достонини ҳам аввалги икки достони каби Шарқ поэзияси анъаналарига кўра «ҳамд» ва «наът» каби муқаддималар билан бошлайди. Ўзидан олдин «Хамса» яратган Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий ва Жомийларни мадҳ этади, шунингдек «Лайли ва Мажнун» мавзуида дoston яратган Ашраф номли шоирни ҳам эслаб ўтади. Шоир ўз салафларини ишқий мавзуни баён этишда масалага бир оз юзаки ёндошганликлари, ишқнинг дарди-аламларини, ошиқнинг руҳий кечинмаларини ҳаққоний ва самимий ифода эта олмаганликлари учун танқид қилади. Ўзи ҳақида шундай дейди.

«... Сенким бўлубон сипеҳр ёринг,
Бу бодияға тушуб гузоринг.

Билдинг анга не ҳол экандур,
Андуху малол не экандур...

Менким отим ўлди ҳодийи ишқ,
Маскан манга ушбу водийи ишқ.

Айтай Мажнун сўзин санга рост,
Лайли ғами ичра бекаму кост»³⁷.

Шоир дoston воқеасини араб қабилаларидан бири Бани Амир қабиласининг бошлиғи узоқ йиллар мобайнида орзу қилгани — фарзанд кўриши ва унга ўз отасининг номини — Қайс қўйишидан бошлайди. Болани ниҳоятда эҳтиёткорлик ва меҳр-муҳаббат билан парвариш қиладилар. 4—5 ёшларида қўшни қабила бошлиқларидан бирининг ўз қизи учун очган мактабига ўқишга бердилар. Қайс ўткир зеҳнли бола бўлиб, тез орада дарс-

³⁷ Алишер Навоий, Хамса, 358-бет.

ларда барча ўқувчилардан ўзиб кетади. Бир куни хасталиги туфайли мактабга қатнамаётган Лайли дарсга келади. Уни кўрган Қайс ошиқ бўлиб қолади. Боғ сайри пайтида. Лайли Қайснинг гуллар орасида йиғлаб ўтирганини кўриб қолади. Улар орасида савол-жавоб тариқасида суҳбат бўлади. Қайс беҳуш йиқилади. Тонг пайти ўзига келган Қайс севгилисини гулзорда топмай дод солади, фарёд чекади.

Бу ўринда шоир Қайснинг гул, гунча, бинафша, наргис ва сарвларни ўз ёри билан ўхшашликларини топиб, уларла суҳбат бошлагани, жумладан булбулга мурожаат қилиб айтган сўзларини жуда гўзал қилиб тасвирлайди:

«... Бежиҳат ўлди бу малолинг,
Чун ёринг ила эрур висолинг.

Маскан санга бўлди тоза гулшан,
Гулбун уза айладинг нишиман.

Гулшан аро маҳрами ҳарамсен,
Гул суҳбати ичра муҳтарамсен.

Гўё бу мурод эмас писандинг,
Ё ёр висолидин ўсондинг —

Қим шому саҳар қилиб мароға,
Минг тил била ун солиб ароға.

Элга етуруб унунгдин озор,
Айтурсен ўзунгни ошиқи зор.

Қим сен киби урса ишқдин дам,
Ишқ аҳли қачон тутур мусаллам.

Сен аҳли висолсен дам урма,
Ҳажр аҳли қошида нукта сурма!

Мискин мену дардманди мажруҳ,
Топмай тан аро нишонаи руҳ.

Яъни ғам ўтида жисми зорим,
Йўқ жон киби сарви гулузорим.

Сен тортма нола мубталовор
Қим нола эрур манга сазовор.

Олингда сенинг висолдин боғ,
Бағримда менинг фироқдин доғ.

Ёнингда сенинг гули баҳори,
Кўнглумда менинг фироқ хори³⁸.

³⁸ Алишер Навоий, Хамса, 372-бет.

Қайс аҳволдан воқиф бир киши унинг ота-онасига хабар қилади. Уғлини излаётган ота-она Қайсни олиб кетадилар. Кечаси Қайс яна фиғону нола қилиб Лайли қабиласи томонига келади. Лайли ҳам ишқ шиддати азоби билан бедор эди. Улар учрашадилар. Беҳуш Лайлини дояси кўтариб ётоққа элтади, келиб Қайсни ҳам қабиладан нарироқ жойда қолдиради. Тонгласи Қайсни қум остидан топиб ота-онасига етказадилар. Яна кеч киргач Қайс «Лайли, Лайли» деб қабила томон югуради. Бу аҳвол такрор эта беради. Уни энди «Мажнун» («телба») деб чақира бошлайдилар.

Мажнун Лайлига ошиқ бўлгани учун шундай аҳволга тушганини Лайлининг отасига етказадилар. У эса Мажнун отасига «Бундан кейин ҳам аҳвол шу хил давом этса, қабиланг билан бу даштдан қувиб юбораман» деб одам юборади.

Мажнун отаси ўғли оёқларига кишан солади. Мажнун бениҳоя азоб чекади. Охири кишандан қутулиб дашти биёбонга қочиб кетади.

Шу орада боғдан келаётган Лайлини Бани Асад номли қабила бошлиғи, катта бой, нуфузли одам Ибни Салом кўриб ошиқ бўлиб қолади. У кўп ҳадялар билан Лайли отасига совчи юборади. Унинг таклифи қабул қилинади. Бундан хабардор бўлган Лайли огир руҳий кечинмалар гирдобидида қолади.

Мажнуннинг отаси уни узоқ излаб топгандан кейин «ҳаж»га олиб боради. Унга Каъбада ўзига сиҳатлик сўрашни буюради. Мажнун эса қуйидагича илтижо қилади:

«... Ишқ ичра букун мени шикаста,
Келмишмен асру пойбаста.

Ҳар рағи таним ичра ишқ банди,
Жон риштаси ишқнинг каманди.

Тери баданим аро бўғунлар,
Ҳам ишқ танобидин тугунлар...

Мамлу анинг ўти бирла жоним,
Жоним неки, мағзи устухоним.

Бу ишқ ўтиким баён қилурмен,
Мудлик ғамини аён қилурмен.

Демонки мени тарабға хос эт,
Ехуд ғами ишқдин халос эт!

Дерменки манга бу ўтти ҳар дам,
Афзун қилу, қилма зарраи кам!...

Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт,
Жонимга ғизо насими ишқ эт!...

Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё раб!
Ишқ ичра мени йўқ айла, ё раб!

Дерлар манга: «Ишқни унутғил,
Лайли ғамидин канора тутғил».

Оллоҳ-оллоҳ, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмга тангри узр қилғай.

Ерабки бу хушгвор бода
Жоми талабимга қўй зиёда!...

Лайли ишқин танимда жон қил,
Лайли шавқин рагимда қон қил. . .

Дардимга хаёлини табиб эт!
Жонимга висолини насиб эт!...

То бўлса ҳаётдин нишоним,
Савдосини қил тан ичра жоним!...

Онсиз мени бир дам этма мавжуд,
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!»³⁹.

Ўглининг бундай ўртовчи нолали илтижосини эшитган ота уни ўз ихтиёрига қўйиб қўйишдан бўлак чора топа олмайди. Мажнун дашт ва чўлларда Лайли фикри ёдида шеърлар тўқиб парранда ва даррандаларни ром қилиб юради. Кунларнинг бирида Мажнун бир кийик билан овуниб, унга дардини айтиб турганида ов қилиб юрган Навфал билан учрашади. Навфал Мажнун саргузаштларини эшитиб унга ёрдам бермоқчи бўлади. Лайлининг отасига қизини сўратиб совчи юборади. Лайлининг Ибн Саломга номзод қилингани хабаридан сўнг Навфал унинг отасига қарши урушга отланади. Лекин Мажнун бунга йўл қўймайди.

Бир куни даштда Мажнун Лайли қабиласидан Зайд деган йигит билан танишади. Унинг воситаси билан севишганлар бир-бирларига мактуб йўллайдилар.

³⁹ Алишер Навоий, Хамса, 391—392-бетлар.

Мажнуннинг отаси ортиқ айрилиқ ғамига бардош кила олмай, дашту биёбонларда ўғлини ахтариб юради. Охири уни бир вайронадан топади. Ялиниб-ёлвориб олиб кетади. Қабилада хурсандчилик. Мажнунни кўргани узоқ-яқинлар кела бошлайди. Бундан хабар топган Навфал ҳам етиб келади. Қабила улуғлари ва қавми-қариндошлар маслаҳати билан Навфалнинг қизини Мажнунга сўраб Навфал ҳузурига борадилар. У таклифни зўр мамнуният билан қабул қилади. Шу аснода Мажнун ишқи туғён уриб чўлга чиқиб кетади. Лайли қабиласининг чўпонига дуч келган Мажнун ундан Лайлини бир бор кўриш учун кўмаклашувини сўрайди. Чўпон Мажнун устига қўй терисини ёпиб ўзи билан олиб юради. Лайлига кўзи тушган замониёқ Мажнун беҳуш йиқилади. Лайли ҳам Мажнун аҳволини кўриб ҳушидан кетади.

Мажнуннинг отаси бундай ҳолларга чек қуйиш мақсадида ўғлидан ортиқ ота измидан чиқмасликка қатъий сўз олади. Мажнун билан Навфал қизининг тўйини бошлаб юборадилар. Келин-куёв ёлғиз қолганларида қиз Мажнунга ўз севги ва севгилиси ҳақида сўзлаб беради, ундан ёрдам сўрайди. Мажнун қизнинг журъатидан, вафодорлигидан таъсирланиб, унга яхши тилаклар тилаб чиқиб кетади.

Лайли билан Ибни Салом тўйи Мажнунлар тўйи билан бир вақтда ўтаётган эди. Тўй куни Ибни Салом касал бўлиб қолади. Ҳамма у билан овора эканлигидан фойдаланиб Лайли чўлга равона бўлади. У ерда икки севишганлар учрашадилар, бир-бирларига бошларидан ўтган воқеаларни айтиб берадилар. Лайли ўз уйига қайтади, Мажнун эса Нажд тоғига чиқиб кетади. Мажнуннинг ота-онаси ўғли дардида оламдан ўтадилар. Мажнун уларнинг қабри устида фарёд солиб, тобора ҳолсизланиб боради. Буни эшитиб Лайлининг ҳам хасталиги оғирлашади. Ўлими олдидан онасидан ризолик сўраб васият қилаётган Лайли қошига Мажнун келиб етади. Улар охири марта бир-бирларига нигоҳ ташлаб дунёдан кўз юмадилар:

Бир маҳдга солдилар иковни —
Жонсиз келину ўлук куёвни...

Не ишқ элига шоҳ қолди,
Не ҳусн авжида моҳ қолди⁴⁰.

⁴⁰ Алишер Навоий, Хамса, 446—447-беғлар.

Навойй достонининг хотима қисмида ишқ ҳақида ўзининг мулоҳазаларини баён этади, шаҳзода Султон Увайс Баҳодир мадҳида бир неча сўз айтиб, унга шундай насихат қилади:

Шоҳеки отанг анга оғодур,
Ул санга оғодуру отодур.

Бу икки отоға қил ўғуллук,
Йўқ-йўқки, бу икки шаҳға қуллук...

Қим бир кишварға ҳукм сўрсанг,
Иқболу шукуҳ кўсин урсанг,

Зинҳорки, зулм риштасин уз,
Инсоф ила адл қасрини туз.

Мулк аҳлиға меҳрибонлиғ айла,
Андоқ рамаға шубонлиғ айла...

Бедоди етар замонда асра,
Қўйни бўридин амонда асра.

Мазлумға зolim этса бедод,
Додин бериб айла хотирин шод⁴¹.

Шоир қайси мақсад билан бу «дардномаси»ни ёзишга киришгани ҳақида достоннинг энг сўнггида ёзади:

Юз шукрки, бу фасонаи дард,
Ҳар лафзида юз нишонаи дард.

Жон пардаларидин анда авроқ,
Жондин бериб ул варақни ушшоқ.

Езгонда мидоди кўз қароси,
Езгон қора қайғу можароси...

Езмоқта бу ишқи жовидона,
Мақсудум эмас эди фасона.

Мазмуниға бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.

Лекин чу рақамға келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.

Бу эрди ғаразким ул гуруҳе
Қим сўзда аён қилиб шукуҳе.

Бу нома учун бўлиб рақамкаш,
Сафҳа юзин эттилар мунәққаш.

⁴¹ Алишер Навоий, Хамса, 450—451-бетлар.

Гар нукталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инсу-жонни тутти.

Чун форси эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи. . .

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.

Ким шухрати жаҳонға бўлғай,
Турк элиға доғи бахра бўлғай⁴².

* *
*

Мажнун (Қайс) — романтик образ. Унинг фаолиятида романтик томонлар кўп. Мажнун ўз даврининг илғор кишиси, у ақл ва идроклилик, адолат ва инсофлилик намунасидир. У яхши шоир, илм чўққисини эгаллаган олим. У инсонни дилдан севади ва ардоқлайди. Унинг кўзи қаршисида бойлик ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, бойлик инсон қадр-қиммати олдида ҳечдир. Унинг фикрича, шахс эркин яшashi керак, эркин орзу қилиши ва ўзининг яхши ниятига етиши керак. Мажнуннинг ўзи ҳам эркин фикр юритувчи шахс. Севги оёқ ости қилинган, унинг ҳақида фикр юритиш жиноят ҳисобланган бир давр ва шароитда уни асос қилиб олади, ўз ҳаётининг маъноси деб билади. Унинг дилини ўртаётган севгидан худо ёрдами билан қутқариш мақсадида Қаъбага олиб борганларида, у худога тавба-тазарру қилмайди, аксинча, Лайлига бўлган ишқини яна ҳам кучайтиришни талаб этади. Бу нарса маълум даражада худога тил тегизиш, худога бўйсунмасликдек туюлади. Бу масалада ҳам Мажнуннинг эркин фикрлашини, давридан устун бўлганлигини кўрамиз. Унинг ўз ҳаёти ва тақдиридан норозилиги социал норозилик даражасигача кўтарилиб боради.

Мажнун образида Навоий феодал муҳит шароитидаги бўғиқ ҳаёт кечириётган кенг халқ оммасининг турмуши тасвирини беради. Мажнун давр билан келиша олмайди. У ақлли бўлгани учун, самимий севгани учун, севгисига содиқ бўлгани учун замон ҳокимлари уни жинни (телба) деб эълон қиладилар. Мажнун зўравонлик ва қабоҳат олдида тиз чўкиб яшашдан номус билан ўлишни афзал

⁴² А л и ш е р Н а в о и й, Хамса, 452—454-бетлар.

кўради. У разолатни, қабоҳатни изчил нафратлайди. Ўз ғояси, орзу-умидларига, севгилисига содиқ қолади.

Асарда берилган Макка эпизоди, Навфал қизи билан Мажнун эпизоди диққатга сазовордир. Навоий бу эпизодларни Мажнуннинг поклигини, ота-онасига муҳаббатини бўрттириб кўрсатиш учун ҳам келтиради. Бу — образнинг фаолиятини кенгайтиради, образни чуқурроқ очишга ёрдам беради, унинг ҳаяжонли хусусиятининг тобора ошиб боришига сабаб бўлади. Бу нарса Мажнуннинг дили, феъли, севгиси қанчалик мусаффо, самимийлигидан далолат беради.

Мажнун зулмга, зўравонликка қарши пассив кураш олиб боради. Мақсадига эришмоқчи бўлади. У ўз идеалдан қайтмайди, лекин бу йўлда учрайдиган тўсиқни актив ҳаракат қилиб бартараф қилиш қўлидан келмайди. Навфал билан суҳбатда унинг миясига актив курашиш фикри келади. Мажнун образида маълум ўзгариш, янгилик намоён бўлади. Аммо жуда тез яна аввалги ҳолатга тушади. Нега у Фарҳодга нисбатан пассив? Фарҳод бало олдида чекинмайди, актив курашади. Мажнун эса бало олдида чўлга қочади. Бунинг ўз сабаби бор.

Биринчидан, Навоий бу билан ҳаётнинг ўзида бор бўлган шу сифатни ифодалайди, зулм ва зулмат, ғайри инсоний урф-одат ва тартиблар ичида бўғилган, қутулиш йўли ва чорасини тополмай саргардонликка тушган аксар оддий одамлар вакилини беради. Иккинчидан, Мажнундек софдил, олижаноб мақсадли одам чўлда шу аҳволда юрибди деган ачинишни ўқувчида яратмоқчи, шу йўл билан ўқувчида Мажнунга бўлган муҳаббатни оширмоқчи. Учунчидан, шундай олижаноб одамни замон ва ундаги ҳукмрон кимсалар шу тахлит азоб-уқубатга солди, сиқиб чиқарди деган фикрни туғдирмоқчи ва ўқувчида уларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотмоқчи. Мажнундаги пассивлик, дарбадарлик ана шу сабаблар билан изоҳланади. Мажнун билан чўл-биёбонларда йиртқич ҳайвонлар дўстлашади, улар Мажнунга раҳм қилади, аҳволига ачинади. Унга ҳамроҳ, ҳамдард бўлади. Бу билан Навоий замондаги ярамас одамлар, Мажнунни қийновчилар шу даража ёмон, шу даража ярамаски, ҳатто ҳайвонлар ҳам улардан яхшироқ демоқчидек бўлади.

Лайли образи Мажнун образини тўлдиришга ёрдам беради. Лайли образи реалистик қалам билан чизилган. Лайли ҳаётнинг ўзидан олиб яратилган. Шу жиҳатдан

бу образ алоҳида ажралиб туради. Лайли образи Навоий давридаги севгиси топталган, ўзи хокисор этилган лайлиларнинг умумлашма образидир, ўша вақтдаги ижтимоий воқеликнинг узвий бир қисмидир. Лайлининг уйи, уй шароити, мактабда ўқиши, Мажнун билан суҳбати, муомаласи, дард-аламлари, унинг ўлими—ҳаммаси реал картиналардир. Шунинг учун ҳам бу образ ўзининг ҳаётийлиги билан тўла қонли образдир. Мажнунга ўхшаб Лайли ҳам разолат билан келишмайди. Бу келишмасликни Навоий Лайлининг ниҳоят даражада майинлигини нозик ифодалаб, образнинг таъсирчанлик кучини зўрайтиради. Лайли зулмга пассив норозиликда бўлади, лекин шоир бу ерда ҳам буни приём сифатида олади, жуда ҳам таъсирчан образ яратмоқчи бўлади. Лайлини безайдиган фазилатлардан бири, унинг қанчалик оғир шароит бўлишига қарамай, ҳатто ўлаётганда ҳам оптимист бўлиб қолишидир. У ўлиши олдида онасига: «Мен учун жуда кўп оғирликларни кўтардингиз, қайғу чекдингиз, бунинг устига мен ўлаяпман, лекин менинг учун ортиқча дод-фарёд қилманг, яшаш керак, ҳаётни севиш керак, осмон юлдузлари булут билан қопланмасин» — деди. Унинг тақдири ва ўлими ҳам шундай мақсадга хизмат қилади.

Лайли образи орқали Навоий ўша даврда аёлларнинг қанчалик ҳуқуқсиз ва мазлума эканлигини ифодалаб беради. У даврда аёллар ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас, улар ҳоким тузум ва тартиблар қурбони эдилар. Аёлларнинг ўйлашга, фикрлашга, севишга ҳаққи йўқ, деган пасткашларга шоир Лайли образини қарши қўйиб, уларнинг бу фикрини инкор этмоқчи, қораламоқчи бўлади. Достонда Лайлининг Мажнунга ёзган мактуби жуда характерли:

Найлайки сипеҳри ҳарза⁴³ новард⁴⁴,
Қилди бу муроддин мени фард.

Сенинг нечаким ғамингга йўқ маҳл,
Чун эр кишисен, бу саҳл⁴⁵ эрур саҳл.

Ҳар сори урай десанг танингни,
Тутқучи тикандур этагингни.

⁴³ *Ҳарза* — беҳуда.

⁴⁴ *Новард* — айланувчи.

⁴⁵ *Саҳл* — осон.

Эток дағи пойбандинг эрмас,
Даври зиҳи ҳам камандинг эрмас.

Мискин мени зори пойибаста⁴⁶,
Йўқ-йўқки заифи пошикаста⁴⁷.

Не майли сукки, не ҳадди рафтор,
Юз қайди бало аро гирифтор.

Бўлмоқ юз алам уйда маҳбус —
Бир ён, яна бир ён ўлди номус⁴⁸.

Бунда Лайлининг Мажнунга қарата айтган ва катта социал мазмунга эга бўлган қуйидаги ғоят аламли сўзлари жуда характерлидир: «Мен тутқунликдаман, аёлман, бирор иш қилишга ҳаддим йўқ. Сен эса эркак кишисан. Сенга мендан кўра осонроқ». Шу фикрларнинг ўзи ҳам ўша даврларда аёлларнинг қанчалик аянч аҳволда эканлигини яққол кўрсатади. Лайли образини яратиш орқали Навоий даврнинг асосий масаласи — жамиятнинг ярмини ташкил этган аёлларнинг аччиқ тақдирини, фожиасини ифода қилади.

Навфал жуда жонли образ, ҳаётийлик элементлари уни ҳам безайди. У, юзаки қараганда, ҳазилкашга ўхшаб кўринади, лекин чуқур мулоҳаза юритади. У инсонни севади, эзгу орзуларни ардоқлайди. У ёмонларга бағри тош, шафқатсиз, яхшиларга кўнгли юмшоқ, меҳрибон. Энг муҳими, у фаол. У зўрликка зўрлик билан жавоб бериш кераклигини тушунади. Чўлда у Мажнунга учраб қолади. Уни ким эканлигини билиб, унга ёрдам қўлини чўзади, фаол кўмаклашиш тадбирларини белгилайди. Ҳатто Лайли учун уруш бошлайди. Шундай қилиб, у давр тақозо қилган катта ҳақиқатни тушунади. Шу жиҳатдан бу жуда муҳим образдир. Навфал ҳатто ўзининг қизини Мажнунга бермоқчи бўлади. Бу билан Навоий икки мақсадни илгари суради: биринчидан, Навфалнинг раҳмдил эканлигини кўрсатади, иккинчидан, асарнинг архитектуроникасини (қурилишини) мураккаблаштириб, сюжет линиясини кўп қиррали қилади, шу билан бирга, тўй эпизодини кўрсатиш орқали Мажнуннинг Лайлига севишини бўрттириб беради. Навфал образини яратиш билан Навоий зулмга, зўравонликка нисбатан қандай му-

⁴⁶ *Пойибаста* — оёғи боғланган.

⁴⁷ *Пошикаста* — оёғи синган.

⁴⁸ *Алишер Навоий*, *Хамса*, 411-бет.

носабатда бўлиш масаласини, яъни унга куч ва активлик билан жавоб бериш зарурлигини ёритади.

Қайсининг отаси асарда биринчи ўринни эгалламасада, лекин кўзга ташланиб туради. У инсофли, фарзандини севадиган, жуда маъсум, пассив шахс, лекин бағоят реалистик тип. Ундаги самимийлик, софлик уни ёқимли образга айлантиради.

Асарда салбий образлар — Лайлининг отаси ва Ибн Саломдир.

Лайлининг отаси маълум даражада типиклаштирилган образ. Юқори табақанинг вакили, Навоий синфий кураш қонунларини билмайди, лекин у инсонларни маълум гуруҳларга бўлади ва уларга ўз муносабатини билдиради. Лайлининг отаси бой, унинг катта сиёсий мавқеи бор (қабил а бошлиғи), моли кўп. У нодон, жоҳил, ўз сўз-ли, у ҳар нарсани пул билан, бойлик билан ўлчади. Бойлик олдида у ҳатто ўз қизининг қадр-қимматини оёқ ости қилади. Кимда бойлик бўлса, унинг ким ва қандай одам бўлишидан қатъий назар, ўша одам унинг кўзи олдида мўътабар. У жиноят билан машғул бўлади, лекин ўз жиноятини жиноят деб ҳисобламайди. Шунинг учун яхши ниятли кишини жинояткор ҳисоблайди, устига-устак ниҳоят шафқатсиз шахс. Ўша даврларда бундай типлар ҳукмрон, шуларнинг фикри ҳоким эди. Лайли отасининг бу хусусиятлари Ибн Салом образида ва шу образ орқали яна ҳам ойдинлашади. Ибн Салом бой, ҳеч қандай инсоний фазилати йўқ. Хулқи бузуқ, Лайлининг отаси унга Лайлини бермоқчи бўлади. Мақсад— мол-дунё орттириш. Бу образлар иккови ҳам бир-бирини тўлдиради, бир-бирини очишга ёрдам беради.

Асарда тема жиҳатидан бош масала севгидир. Шу севги билан алоқадор бўлган бошқа темалар ҳам илгари сурилади. Севиш ва севилиш учун бой бўлиш шарт эмас. Севгида бой ҳам, камбағал ҳам тенг. Навоий севгини ақл-идрок, инсоф, адолат масаласи билан, умуман ҳақиқий инсоний хусусиятлар ва фазилатлар билан боғлайди. Асарда даврнинг асосий масаласи—шахс эрки масаласи кўндаланг қўйилади. Шахс эркин бўлмаган ерда тараққиёт бўлмайди. Шахс эркин бўлсин, озод орзу қила олсин, орзусига эриша олсин, деган ғояни илгари суради Навоий.

Достонда илгари сурилган масалалардан яна бири ижтимоий тенгсизлик масаласидир. Навоий ижтимоий тенгсизликни қоралайди. Ижтимоий тенгсизлик инсон мо-

ҳиятига зид эканлигини кўрсатади. Тенгсизлик инсонлар бошига фалокат ёғдиришини баён этиб, даврининг энг характерли белгисини ифодалайди, унга қарши норозилик билдиради.

Гуманизм—асарнинг ўзагини ташкил этади. Асарда қаҳрамонларнинг бутун хатти-ҳаракати асосан шунга қаратилади. Лайлини севган, унга ошиқ бўлган Мажнун халққа бепарқ қарамайди. Уни севади, унга хизмат қилишга тайёр.

Асарда акс этган воқеа Арабистонда юз берган қилиб кўрсатилса ҳам, аслида Навоий, биринчи навбатда, ўз ватанидаги воқеа ва ижтимоий муносабатларни тасвирлаб беради.

«Сабъан сайёр»

«Хамса»нинг тўртинчи достони бўлган бу асар қурилиши жиҳатидан бошқа дostonлардан фарқ қилади. Унда умумий сюжет бор, шу билан бирга, бу яхлит асарда етти ҳикоя ҳам берилади. Ҳикояларнинг ҳар бири умумий сюжет билан узвий боғланган ва айни замонда мустақил асар ҳисобланиши ҳам мумкин. Асосий ҳикоя давом этаётганда, орада бошқа ҳикояларни бериб бориш Шарқ адабиётида қўлланадиган муҳим бадиий приём бўлиб, Навоий ундан жуда катта маҳорат билан фойдаланади ва асарни ижобий маънода мураккаблаштиради, кўп масалаларни қамраб олишга эришади.

Навоийнинг бу достони ҳам аввалгилари каби Шарқ поэзияси, жумладан «хамса»чилиги анъанасига кўра «ҳамд», «муножот» ва «наът» каби қисмлар — парчалар билан бошланади. «Сўз» таърифида, шу мавзуда дoston яратган ўз салафлари ҳақида махсус тўхталиб ўтган шоир ўзининг бу дostonни ёзиш фикрига киришганини баён этади. У Низомий ва Хисравлардан фарқли дoston яратмоқчи, айниқса уч масалага улардан бошқача ёндашмоқчи эканлигини қайд қилади: биринчидан, Низомий ва Хисрав, Навоий фикрича, Баҳром образи талқинида улар ишқ дарди асосларини кўрсатиб бера олмадилар, ишқ ўтида куйишдан уни четда қолдирдилар. Иккинчидан, уларча айш-ишрат мақсадида Баҳром етти қаср бино қилдирди, етти иқлим шоҳининг етти гўзал қизини келтирди, ўзи кеча-кундузни май ичиш билан ўтказди, қизларни тинмай афсоналар айтишга мажбур қилди: «Сизлар пай-

дар-пай айтаверинг, тўхтаманг, мен эса уйқуда ором олай», деган Баҳромни шоир шундай баҳолайди:

Бўйла таклиф кимса қилғайму?
Одамийдин бу сўз очилғайму?⁴⁹

Учинчидан, ўз замонининг ягоналари бўлмиш Низомий ва Хисравлар шундай бир нодонни қаҳрамон қилиб олиб уни беҳад мадҳ этдилар. Ўз дostonларини яратишда кўп меҳнат чекиб ҳар бир дostonларини «ганж» деб атадилар, ахир дейди шоир:

Оллоҳ, оллоҳ не ганж бўлғай бу?
Сарбасар элга ранж бўлғай бу?⁵⁰

Бир сўз билан айтганда, воқеликка зид ишлар билан машғул бўлган одамни бениҳоя мадҳ этганлари учун ўз салафларига эътироз билдиради.

Навоий талқинида Баҳром ғоят баҳодир, адолатпарвар бўлган. У икки шер орасидан тож олиб чиқа олган, шер ва аждарлар билан олишувда енгиб чиққан паҳлавондир. У жуда тадбирли шоҳ, мамлакатини хорижий истилочилардан қутқаргандан сўнг халқ фойдасига етти йиллик хирождан воз кечган ғамхўр ҳукмрон. Шоир бундай одил шоҳ саргузаштларини бирмунча тарихий манбаларга суяниб баён этмоқчи эканлигини таъкидлаб ўтади.

Достоннинг асосий воқеаси Баҳромнинг ов қилишга иштиёқи зиёда эканлигининг тавсифи билан бошланади. Бир куни Баҳром овга чиқади, шунда ажойиб рассом Монийга учрайди. Бу рассом Баҳромга Чинда тенги йўқ қиз бор, дейди ва Дилором расмини кўрсатади. Баҳром уни севиб қолади. Бир йиллик мулк хирожи эвазига Дилором келтирилади. Шундан кейин Баҳром тўхтовсиз базм, кайф-сафо билан машғул бўла бошлайди. Халқ ва сипоҳ унинг эътиборидан ташқари қолади. Натижада юртда вайронагарчилик юз беради. Баҳромнинг тўғри йўлдан чиқиши, унинг шафқатсизлиги, нодонлиги шу даражага етадики, охири Дилоромнинг ҳақли сўзи учун уни ноҳақ ўлимга маҳкум этиб, даштга ташлаб кетади. Эртасига ҳушига келган Баҳром Дилоромни қидиртиради, лекин тополмайди. Баҳром руҳий азоб чекади. Мамлакат ишларидан четланиши зўраяди. Воқеа шу ерга

⁴⁹ Алишер Навоий, Хамса, 477-бет.

⁵⁰ Алишер Навоий, Хамса, 477-бет.

келганда, Навоий асарнинг асосий сюжет линиясини кесиб, ҳикояга ўтади. Баҳром ўзини овутиш учун етти кун етти хил ҳикоя эшитади. Ниҳоят, Дилором топилади. Лекин буларнинг ҳаммасидан Баҳром ўзига тегишли хулоса чиқармайди. Яна кайф-сафога берилади. Кунларнинг бирида у навбатдаги овга чиқади ва ҳалок бўлади. Асарнинг финали жуда даҳшатли тугайди: ов вақтида кўп жониворларнинг қони тўкилади, зўр бўрон кўтарилади, кучли сел ёғади, шу қон ва селдан ер ботқоққа айланади ва Баҳромни ютиб юборади. Яъни халқнинг ғазаби, Баҳром сабаб бўлиб тўкилган беҳуда қон ва кўз ёшлари уни (Баҳромни) оқибатда ҳалок қилди, демоқчи бўлади Навоий.

Навоий катта-катта социал проблемаларни «Сабъан сайёр» асарининг асосига қўяди, севги масаласини эса шу проблемаларни ифодалаш ва очиш учун бир муҳим восита сифатида олади. Бу Навоийнинг қанчалик юқори кўтарилганини кўрсатади. Подшоҳ адолатли, элу-юртга ғамхўр ва меҳрибон бўлиши зарур, шоҳ одил бўлса, мамлакат обод, халқи фаровон, давлат мустақкам бўлади, агар шоҳ бундай қилмаса, ҳалок бўлади, унинг зулми ва адолатсизлиги унинг ўзини ҳалок этади, деган фикр асарнинг бош масаласини ташкил этади. Навоий масалани жуда кўндаланг, очиқ, лўнда қўяди. Бутун гап шу масала устида боради. Бу масала асарнинг юраги ҳисобланади.

Шуни ҳам қайд қилмоқ лозимки, бу муҳим масалани ҳал қилишда Навоий зиддиятга йўл қўяди. У бир томондан, гуманистик фикрларни илгари суради, иккинчи томондан, бу фикрларни реал амалга ошириш йўлини ўзи бекитади. Бу дostonда ҳам, бошқа асарларидаги каби, Навоий ҳамма нарсани шахсга боғлайди. Шоирнинг бу хил фикр юритишига дунёқараши, тарихий чекланганлиги сабабдир. Лекин шунга қарамай, Навоий Баҳром образи ва фаолияти тимсолида даврининг бир қанча марказий масалаларини зўр маҳорат билан ёритиб беради, ўз асарини инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари билан безайди.

Баҳром образини яратиб, Навоий Шарқдаги статиклик традициясидан ҳам узоқлашади. Бу жуда муҳим момент. Баҳром жуда зиддиятли, доимо ривожланишда, ўзгаришда бўлган образдир. Асарда Баҳром аввал бир хилда, кейин бошқа бир хилда тасвирланади. Юқорида айтилганидек, у авваллар шундай ақл, инсоф, адолат ва

тадбиркорлик билан давлатни бошқарадики, зулмга ўрин қолдирмайди. Кейинчалик эса тамоман аксини қила бошлайди. Бора-бора ўта кетган даражада жоҳил, нодон бўлиб қолади. Манманлик унинг учун характерли белгилардан бирига айланади. Бу нарса, айниқса, Дилором билан бўлган можарода намоён бўлади.

Шоҳ ов пайтида ўз санъатини намоёиш қилиш ниятида мақтанчоқлик билан муболағали сўзлаб, Дилоромдан кийикни қандай отай деб сўрайди. Дилоромнинг қочиб кетаётган кийикнинг икки олдинги оёғини ўқ билан бири-бирига боғланг, сўнгра уни бўғизланг, деган таклифини бажо келтириб, ундан жуда зўр таҳсинлар кутади. Бироқ Дилоромнинг бунга ҳаққоний туриб, иффат билан:

Ҳар ким бир ишни варзиш этар,
Иш камолини кўр не ерга етар⁵¹,

яъни кимки бирор ишни машқ қилиб юрса, шундай юксакликка эришади, дейиши Баҳромни ғазаблантиради. Уни жаҳолат қоплайди. Шуни баҳона қилиб, Баҳром ўз севгилисини ўлимга ҳукм қилади. У ёлғиз эрталабдан кечгача майхўрлик билан машғул бўла бошлайди. Чинакам ошиқлик, ишқ даъвосини қилган, севгини ҳар нарсадан юқори қўйган Баҳром севгилисини ўлимга ҳукм қилиш даражасига бориб етади. Навоий асарнинг охирига келиб, Баҳромга бўлган нафратини ниҳоят даражада кескинлаштириб, чуқурлаштиради. Айниқса, еттинчи ҳикоя берилгандан кейин, Баҳромнинг ўзи учун тўғри хулоса чиқариб ололмаганлигидан ғоят ачинади, ғазабланади ва, ниҳоят, уни юқорида баён этганимиздек, жуда оғир ўлимга маҳкум этади. Баҳром образини яратар экан, Навоий маълум даражада Хусайн Бойқарони ҳам кўзда туттади. Чунки у ҳам маълум вақтгача ижобий ишлар қилади. Лекин бора-бора у пастлашиб, кайф-сафога берилиб кетади. Мамлакат ишларини эсдан чиқаради. Натижада оғир аҳволга тушиб қолади.

Иккинчи марказий образ Дилоромдир. Дилором жуда мураккаб образ. Бу образни яратишда Навоий аёлларнинг ўша даврдаги жуда аянч аҳволини, эркисизлигини кўрсатмоқчи бўлади. Дилором сотилади — бойлик эвазига Баҳромга юборилади. Тўғри сўзи учун ўлим жазо-

⁵¹ Алишер Навоий. Хамса, 497-бет.

сига маҳкум этилади. Унинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ, тутқун. Шу билан бирга у жуда ифбатли, ёқимли, гўзал. У руҳий тушкунликка тушмасдан, чидам билан ўз бошига тушган қийинчиликларга бардош беради. Ҳар қандай шароитда у тадбирли ҳаракат қилишга интилади. Унда жуда одобли аёлнинг сифатлари мавжуд. Дилоромни безайдиган нарсалардан бири — севги, у чин юракдан, самимий севади. Шу билан бирга, у ажойиб санъаткор. Айниқса чанг чалишда ундан ўзадиган одам йўқ. У шу санъати туфайли ўз мақсадига эришади.

Дилором образи орқали Навоий аёлларнинг қадр-қимматини кўкларга кўтаради. Аёллардаги севгига бўлган садоқатни улуғлайди. Санъат ва санъат аҳлига ўзининг чуқур муҳаббатини ифодаламақчи бўлади.

Дилором образида ҳам мураккаб, зиддиятли моментлар бор. Биз Дилором ҳақида фикр юритганимизда, тўсатдан: нега Дилором ўзини ўлимга ҳукм қилган одамни (Баҳромни) севишда давом этади, деган савол туғилади. Бу ерда асосан икки масала бор. Биринчидан, Навоий Дилоромнинг шу катта муҳаббатини, севгида изчиллигини кўрсатиш билан жоҳил, бевафо шоҳ Баҳромни саваламоқчи бўлади. Унга қара, қанчалик тубансан, сен билан уни ҳеч тенглаштириб бўлмайди, сен уни ўлимга ҳукм қилдинг, у эса сени севишда давом этди, демоқчи. Шу таққослаш приёмидан фойдаланиб, Навоий шоҳлик билан ошиқлик бир эмас, улар бир-бирига зиддир, деган фикрни илгари суради. Бу билан Навоий севгининг қанчалик зўр ва изчил эканлигини кўрсатмоқчи, бундай самимий севги ҳеч қандай қаршилик олдида тўхтаб қолмаслигини ифодаламақчи бўлади. Иккинчидан, Навоий Дилоромнинг ўлимга маҳкум этилгандан кейин ҳам, Баҳромни дейишини, яна Баҳром ҳузурига қайтиб келишини қоралайди. Уқувчига, бундай қилмаслик керак, деб таъкидламоқчи бўлади. Дилоромга, сени ноҳақ ўлимга маҳкум этган, сени чидаб бўлмайдиган азобларга дучор этган, вафосизлик қилган тубан одамни севма, пок севги ва чин вафога ҳақиқий инсонгина лойиқдир, сазовордир, демоқчи бўлади. Бу образ пассивлигида Навоий ўз даврининг нотавон аёлларининг нотавонлик кайфиятларини ҳам ифодалайди. Шоирнинг Дилором севгиси ҳақидаги сўзларини маълум маънода муҳаббат боғлаш борасидаги огоҳлантиришлари деб тушуниш керак.



Баҳромнинг Дилоромдан айрилган пайтларидаги руҳий кечинмалари зўр маҳорат билан тасвирланади. Баҳром оловда ёнаётган одамдек кўринади. Навоий бу азоб ва изтиробни шу даража тасвирлаб берадики, ўқувчида жоҳиллик одамнинг ўзини азобга олиб борар экан, деган фикр туғилади. Навоий томонидан Баҳромнинг ҳолатини шу хилда тасвирланиши бу образнинг эмоционал кучини ошириб юборган.

Баҳромнинг ҳолатини шу хилда тасвирлаган Навоий табиблар маслаҳати билан сарой аҳли ва етти иқлим подшоҳларининг ташаббуси билан ва Моний раҳбарлигида Баҳромни овутиш мақсадида етти рангда етти қаср бино қилганларини ва ҳафтанинг ҳар кунда бир қасрда мажлис қурганликларини баён этиб боради. Шоир бу билан ҳар нарсадан олдин шу Баҳромни тарбиялаш, унга танбеҳ бериш ниятида етти мамлакатдан келган етти мусофир тилидан айтилган етти ҳикояни беради. Биз ҳозир шу ҳикоялар ҳақида фикр юритиб ўтайлик.

Биринчи мусофир ҳикояси. Ҳинд подшоси Жасратхоннинг Фаррух деган ўғли бўлади. У жуда ақлли, доно, илмли, ниҳоят даражада адолатли ва инсофли шахс. Фаррух тушида жуда гўзал бир аёлни кўради ва севиб қолади. Ҳар нарсадан воз кечиб, уни ахтариб кетади. Ниҳоят, бир қанча азоб тортиб, уни топади. Тушида кўрган аёл Ахий деган бир сахий кишининг хотини экан. Ахий кунда шаҳарнинг кўча-кўй, харобаларини айланиб юрар ва ғариб, мусофирларни учратса, уйига олиб бориб едириб-ичирав, кийим-бош ҳадя қилиб жўнатишни одат қилиб олган эди. Шу йўсинда у Фаррухни бир харобада учратиб қолади, зўрлаб уни ўз уйига олиб боради, унинг кечаси қилган оҳу нолаларидан ишқ дардига дучор бўлганини, шу туфайли ватани, тожу тахтидан айрилиб, овораликка тушганини англаб қолади. Эртасига уни маст қилиб, сархушлигида унинг маҳбубасининг ким эканлигини билиб олади ва хотинини унга никоҳлаб бермоқчи бўлади. Лекин аёл Фаррухга бутун сирни айтади, Ахийни ғоятда севишлигини билдиради. Шунда Фаррух: «Мен билмаган эканман, энди сен менинг синглим бўлдинг» — дейди ва Ахийга унинг маъшуқасини поклигича топширади.

Ҳикояда Ахий тарафидан ўзига мансуб аёлни бошқага

беришлик Навоий учун мақсад эмас, воситагинадир. Навоий, шундай вақтларда ўзининг севгилисини бериб юбориш керак демоқчи эмас, албатта. Биринчидан, у Ахийнинг ҳимматини муболаға билан кўрсатмоқчи. Иккинчидан, инсон эрки ва унинг ҳурмати жуда олижаноб ва муҳим нарса эканлигини кўрсатмоқчи бўлади, зотан Фаррух аёлнинг сўзини эшитиши биланоқ уни ўз севганига топширади ва шу билан фахрланади. Учинчидан, Баҳромга қарата Навоий аёлнинг эркини, озодлигини, унинг қадрқимматини ҳурмат қилиш керак, демоқчи. Баҳромнинг Дилоромга нисбатан бўлган ваҳшиёна ҳаракатини қораламоқчи бўлади.

Иккинчи мусофир ҳикояси. Зайди Заҳҳоб (заргар) деган одам жуда уста ҳунарманд бўлади. У олтиндан, металлдан жуда моҳирона фойдалана олади. У шоҳ саройида ишлаб, қаллоблик қилади. Тахт учун берилган олтиннинг анча қисмини ўғирлайди. Зиндонга тушади, лекин ҳунари туфайли у ердан қочади. Қустонтанияга боради. Бутхонада ишлаб бутларни ўғирлайди, олтин бутларни мис билан алмаштиради. Лекин бунда ҳам зиён-заҳматдан холи бўлади. Охири ўз юртига қайтиб келади ва зиндонга тушиб ётади.

Рум подшоҳининг бир касали бўлиб, уни фақат Зайд даволай оларди. Подшоҳ ўша дарди билан ётган эди, зиндонбанд унга Зайднинг пайдо бўлиб қолгани хабарини етказди. Шоҳ қимматбаҳо либослар юбориб Зайдни чақиртиради. Зайд ўз муҳолифларини подшоҳ томонидан жазога маҳкум этмагунларича зиндондан чиқмаслигини билдиради. Шоҳ унинг талабини бажаради. Зайд ҳаром йўл билан орттириб келган олтинларини уни зиндонга ташлаган подшоҳга тортиқ қилиб, юқори мартабага эришади.

Бу ҳикояда Навоий ҳунарнинг нимага хизмат қилишидан қатъий назар, унинг аҳамиятини қайд қилмоқчи. Шоҳни ҳушёрликка чақирмоқчи, ҳаром молни олганларни шу билан бирга, ўша вақтдаги саройдаги қаллобликни қораламоқчи бўлади.

Учинчи мусофир ҳикояси. Мисрда катта бир бой одамнинг Саъд деган ўғли бўлади. У ниҳоят даражада одил, олим, ақлли, тадбирли, меҳмондўст одам. Шаҳрисабзлик гўзал ва ақлли бир қизнинг овозасини эшитиб, шу қиз томон йўл олади. Унга эришиш учун йигит бир неча шартни бажариши лозим бўлади, чунончи, кимда ким дарбандларни ололса, яъни Қатрондан ғолиб чиқса, ҳа-

кимнинг саволларига жавоб бера билса; жодугар золнинг сеҳрларини бекор қила олса — ўшанга тегишга қиз рози эди. Бу шартлар шу даражада оғир эдики, кўп одам уларни бажара олмай ҳалок бўлган. Саъд шу шартларни бажаришга киришади. Лекин, у, мақсадга яқин қолди, эришаман деб вақтдан олдин хурсанд бўла бошлайди, натижада продаси бўшашади, пайтни қўлдан беради, маст бўлиб душман қўлига тушади. Бир тасодифгина уни ҳалокатдан қутқзади.

Бу ҳикояда Навоий мақсад орқасидан изчил бориш, ҳеч қандай хавф-хатардан қайтмаслик, мард, сабрли, матонатли, журъатли бўлиш зарурлигини уқтиради. Шоир асосий мақсад қилиб севги ва севилишни олади, бу эса ҳикояни безайдиган момент. Иккинчидан, вақтидан олдин тантана қилмаслик зарурлигини кўрсатади. Чунки бундай тантана ғайратни пасайтиради, суръатни сусайтиради, шунга кўра мақсаднинг охирига қадар эришиш керак, сўнгра тантана қилиш мумкин, деган фикрни илгари суради. Учинчидан, беҳуда, ўринсиз мастликнинг зарарли эканини уқтириб ўтади.

Ҳикоя кичкина, шунга қарамасдан унда иштирок этувчилар анча кўп. Умуман, ҳикоя анча мураккаб, ундаги персонажлар, воқеалар хилма-хил. Мисрлик бой, унинг ўғли, шаҳрисабзлик қиз, унинг шартлари, унинг шартларини бажармоқчи бўлганлар. Саъднинг ноҳўя ҳаракати — буларнинг ҳаммаси — шахсларнинг, воқеаларнинг кўплиги, хилма-хиллиги ҳикоянинг қизиқтириш хусусиятини таъмин этади. Персонаж ҳамда ҳодисалар бир-бирини тўлдиради, чуқурлаштиради ва айни замонда уларнинг бир-бирига узвий боғланиши ҳикоядаги ички ҳаракатчанликни оширади. Бу ўқувчини ҳаяжон билан ҳодисаларни кузатиб боришга мажбур қилади.

Ҳикоядаги образлар орасида Саъд ажралиб туради. Унда қаҳрамонлик ва журъат бор, қўрқмаслик ва ҳаминша кўзланган мақсадга интилиш бор. Шу билан бирга, унда ўз қилмишидан, ўз хатосидан керакли хулоса чиқариш фазилати ҳам бор.

Бу ҳикоя орқали Баҳромга қарата Навоий: Саъд севгига содиқ бўлиб, ҳатто ўлимга тайёр туриб, севгисини деди, унга эришишга ҳаракат қилди, сен эсанг, бир кичик нарса учун Дилоромни ўлимга маҳкум қилдинг, демоқчи. Шунинг билан бирга, у маишатпарастликни қораламоқчи, унинг зарарли оқибатини Баҳромга кўрсатмоқчи.

Тўртинчи мусофир ҳикояси. Тўртинчи ҳикояда Навоий сахийликни, ҳалолликни, мамлакат, халқ манфаатига хиёнат қилмасликни улуғлайди. Мамлакат, халқ тинчлигини сақловчиларни олқишлайди. Одамларни ана шунга чақиради. Зулм ва зўрлик билан ҳокимиятни сақлаб қолишга уринувчиларни қоралайди. Мамлакатда осойишталик ўрнатиш, йўлларни қароқчилардан тозалаш зарурлигини илгари суради, самимий, ҳар қандай қаршиликни енга оладиган севгини куйлайди, разолат ва разилларнинг душмани сифатида намоён бўлади. Ёмонлик, қабоҳатга нисбатан актив муносабатда бўлиш зарурлигини уқтиради. Золимларга қарши актив курашиш зарурлиги масаласини қўяди.

Жўна деган жуда одил ва инсофли шоҳ бўлган. У шу даража одил ва инсофли эдики, халқнинг молу мулкани сақлашда тенги йўқ эди. Бир куни бир деҳқон шоҳга бир сават нок туҳфа қилади. Совға эвазига шоҳ деҳқонга ҳеч нарса бермайди. Бир неча кун ўтади, шоҳнинг ёдига қилган хатоси келади ва у ўз хатоси учун ўзини ноқулай сезади. Одамларига ўша деҳқонни чақириб келишни топширади. Деҳқон келади. Шоҳ деҳқондан узр сўраб, нокнинг эвазига нима беришлиги лозимлигини сўрайди. Деҳқон шоҳдан бир болта ва бир арра талаб этади. Шоҳ деҳқоннинг ундан ранжиганини ва ўша нок дарахтини кесиб ташлаш ниятида эканлигини фаҳмлайди. Вазирни чақириб, нок келтирилган саватда тўлатиб деҳқонга олтин беришни буюради. Вазир хомуш турганда шоҳ икки баравар қилиб беришни буюради. Бу ерда Навсий ҳиммат ва меҳнат эгасини қанчалик ҳурмат қилганини билдиради. Меҳнат ва ҳимматни қадрлай билиш зарурлигини кўрсатади. Иккинчидан, шоҳнинг хатосидан қатъий назар, қанчалик одил ва инсофли эканини кўрсатади. Шундай шоҳнинг бўлишини орзу қилади. Навоий кичкина ҳикоя ичида ҳикоя бериб, катта мақсадларни илгари суради.

Жўна ўзини дунёда энг ҳимматли ва сахий одам деб юрар эди, лекин Ҳиндистонга қарашли жойлардан бирида ундан ҳам сахий Масъуд деган одам борлигини эшитади ва унинг олдига боради. Масъуд бир неча кун зиёфат қилиб, унга қимматбаҳо ҳадялар беради. Шунда Жўна унинг одамгарчилиги, инсофи, ҳиммати, сахийлигига қойил қолади. Шу вақтда, Жўнага қарашли мамлакатда Жайсур деган одам ҳокимлик қилар эди. У ўта кетган золим, мунофиқ одам бўлиб, халқ, мамлакат

ундан жуда кўп озср чекар эди. Унинг вазири Маллу ҳам ундан қолишмас эди. Жўна шу мамлакатнинг ҳокими қилиб Масъудни тайинлайди ва ўзи қайтиб кетади. Жўна кетгандан кейин бу икки мунофиқ Масъудга қарши зўравонлик йўлига ўтадилар. Масъудни азоблаб ўлдириш пайига тушадилар. Уни зиндонга ташлайдилар. Масъудни ўлдиришдан бир кун олдин базм ташкил этадилар. Ҳикоя шу ерга келганда воқеа бошқа томонга йўналади. Маллунинг бир қизи бўлиб, зиндондаги жабрдийдаларга раҳми келар, доимо ёрдам қилиб турар эди. У Масъудни севиб қолган эди. Уни зиндондан қутқозишга ҳаракат қилса ҳамки, қўлидан келмас эди. Унинг бу мақсади базм бўлган кун амалга ошади. Базм кун кечаси ҳамманинг мастлигидан фойдаланиб, Масъудни зиндондан чиқаради ва бирга қочади. Булар орқасидан чопар юборадилар, лекин чопар қувиб етолмайди, шу билан улар қутуладилар. Йўлда жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Очлик, яланғочликдан роса азоб чекадилар. Ниҳоят, бир мамлакатга етадилар. Бу Жўна мамлакати эди. Масъуд Жўна билан учрашади ва воқеани айтади. Жўнада ғазаб олови ёнади. Маллу билан Жайсурни келтириб, қатл қилдиради. Масъудни яна ҳоқим қилиб тайинлайди. Улар мурод-мақсадларига эришадилар.

Бу ҳикояда Навоий ўз даврининг бир неча энг асосий масаласини қамраб олади ва ёритади.

Жўна образи ҳаётда бўлмаган, у шоир фантазияси яратган ва орзу қилган шоҳ образидир. Жўна—одил, сарий, ҳимматли, душманга нисбатан шафқатсиз шоҳ образи. Яхшига нисбатан кўнгли бўш, ёмонга эса жуда шафқатсиз. Жўна образига қарама-қарши Маллу билан Жайсур образи қўйилади. Улар — золим, халқни таловчи, ҳар қандай шафқат, ҳиммат, инсофдан маҳрум. То-жу тахт олдида ҳар қандай инсонийлик хислатидан воз кечишга тайёр тубан шахслардир. Улар ҳоқимиятни уч-чига чиққан разолат, паразитизм қуролига айлантирганлар. Улар феодал авантюристлар, мамлакат тинчлигини поймол қилувчилар замона зўравонларининг вакиллари-дир. Бу образлар орқали Навоий ёмонларни яна ҳам бадтаринроқ кўрсатишга интилган.

Маллунинг қизи отасининг золим, мунофиқ бўлишига қарамасдан, илғор тушунчали аёлларнинг умумлашган образидир. У, отаси қилаётган ишларни қоралайди, зулмни, зўравонликни, қотилликни ёмон кўради, яхши-

ларга нисбатан меҳрибон. Отаси томонидан зиндонга ташланганларга ғамхўрлик қилади. Айни чоқда у тadbирли ва журъатли аёл. У ўйлаб, сабр ва матонат билан иш кўради. Ўз мақсади йўлида изчил ҳаракат қилади ва шунинг учун ҳам у ўз мақсадига эришади. Бу образ Навоий томонидан яратилган энг гўзал, энг актив ҳаракат қилувчи аёл образларидандир. Шуниси диққатга сазоворки, аёл образларининг ҳаммаси ҳар хил, бир-бирига ўхшамайди, бир-бирини такрорламайди. Бу қиз дод-фарёд қилмайди, кўз ёши тўкмайди. У мақсад йўлида актив ҳаракат қилади. Навоийнинг бутун муҳаббати ҳам ана шу қизда. Шу қиз ҳикоянинг марказида туради.

Ҳикоядаги бош масалалардан бири Навоийнинг ўз даври учун характерли бўлган золим ҳукмдорларни фош қилиш бўлиб, у буни усталик билан амалга оширган.

Асардаги ички ҳаракатчанлик жуда зўр. Ёзувчи ҳам асосий эътиборни ҳаракатга беради. Шу орқали персонажларни бўрттириб кўрсатади.

Умуман, ҳикоя ёмонларга нисбатан ғазаб билан тўла. Жайсур билан Маллу ўлдирилгандан кейин, Навоий ажойиб бир хулоса чиқаради: ёмон, разил, бошқаларни ўлдириш ҳисобига яшайдиган қотил одамнинг яшашга ҳаққи йўқ, бундай одамлар йўқотилса, ҳаёт чиройли ва ширин бўлади, дейди. Бу билан Навоий золим ва мунофиқларга нисбатан шафқатсиз бўлиш кераклигини ҳамда ўзининг ҳаётни, ватанни, халқ эркини қанчалик севгани ва шу хусусда ғамхўрлик қилганини ифодалайди.

Ҳикоянинг халқ ижодида яқинлиги жуда зўр, унинг бошланиши ҳам халқ ижодидагидек. Халқ ижодида хос бўлган оптимистик хусусият ҳикоянинг энг асосий томони. Бунда адолат тантана қилади, яхшилар мақсадга эришадилар. Асарнинг энг муҳим хусусияти ва аҳамияти ҳам шунда.

Ҳикояни асарга киритиш билан Навоий Баҳромга қарата: Жўнадек одил, сахий, ҳимматли бўл; агар зулм ва зўравонлик билан машғул бўлсанг, адолатсизлик қилсанг, тақдиринг Маллу ва Жайсурникига ўхшаш бўлади; қизни кўр, у қанчалик вафодор, қанчалик севадиган, қанчалик яхши; уни бошга кўтариш керак; сен эса шунга ўхшаш аёлни ўлимга маҳкум этдинг демоқчи ва ҳоказо. Хуллас, Навоий севгининг олижаноб маъносини яна бир бор қайд қилади, Баҳромни қоралайди. Мамлакат иши билан машғул бўлиш керак, мамлакат бирлигини сақлаш зарур, қаерда зулм қилинаётир — шундан ха-

бардор бўлиб, зулм қилувчиларни жазолаш лозим де-моқчи бўлади.

Шундай қилиб, Навоий кичкина бир ҳикояда ҳам жуда муҳим масалаларни олға суради. Персонажларни оз сўзлатиб, уларнинг ҳаракати билан воқеани баён этадики, бу ҳам Навоий ижодига хос бўлган лаконизмдан далолат беради. Автор ҳикоядаги образларни маълум даражада реалистик лавҳаларда тасвирлай олган.

Бешинчи мусофир ҳикояси. Бешинчи ҳикоя ҳам мазмунининг социал ўткирлиги, бадиий кучи жиҳатидан тўртинчи ҳикоядан қолишмайди. Адан деган мамлакатда Жобир деган бир киши бўлади. У жуда золим, денгиз қароқчиси, девсимон одам. У ҳам денгизда, ҳам қуруқликда қароқчилик билан машғул бўлади. Азбаройи шафқатсизлигидан одам ўлдириш унинг учун жуда осон иш. Жобир ўзи учун денгиз қирғоғида катта боғ яратади, қаср қурдиради, айш-ишрат қилади.

Навдар деган шоҳ ва унинг Меҳр исмли қизи бўлади. Бу қиз ҳуснда ҳам, ақлда ҳам тенги йўқ бўлади. Меҳр денгиз саёҳатига чиқишни орзу қилади ва йўлга тушади. Денгизда унинг кемаси Жобирга дуч келади. Жобир Меҳрни асир қилиб олади. Лекин Меҳрнинг гўзаллигига қойил қолиб мафтун бўлади, уни қамамайди. Меҳр эркин юради.

Яман шаҳрида эса Нуъмон деган шоҳнинг Сухайл исмли ўғли бўлган. Сухайл билан Меҳр бир-бирини севар эдилар. Сухайл Меҳр олдига боришга қасд этиб, кемага тушиб, Жобир томон йўл олади. Жобир билан Сухайл ўртасида катта жанг бўлади. Сухайл қаҳрамонлик кўрсатади. Жобир енгилишини билиб, ҳийлага ўтади ва Сухайл кемасини тешади. Кема ғарқ бўлади. Сухайлни Жобир ушлаб олиб, зиндонга солади. Фожиадан хабардор бўлган Нуъмон ва Навдар йўлга тушадилар. Навдар овга берилади, шу туфайли қўшинидан айрилиб Жобирга асир бўлади:

Шоҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,
Шоҳ эмасдур йўқ эрса анда сипоҳ.

Шоҳға хайл ўлса фатҳ анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур⁵².

Нуъмон ҳам Жобирга асир тушади. Улар бир-бирларининг зиндонда эканликларини билмайдилар. Меҳр Су-

⁵² Алишер Навоий, Хамса, 570-бет.

хайлнинг шу ерда эканлигини билади ва озодлигидан фойдаланиб, уни қутқазиб тадбирини кўра бошлайди. Аввало у дармонсиз Сухайлни боқади. Сухайл ўзига келади, куч-қувватга киради. Меҳр ёрдамида зиндондан озод бўлади. Ниҳоят, Жобир билан Сухайл ўртасида даҳшатли кураш бўлиб, Жобир енгилади. Сухайл уни банд этади:

Боғлади қўлларин шитоб била,
Муни ул боғлаған таноб била

Солди филҳол ани ҳам ул чоҳ аро,
Бу дурур фаҳм табъи огоҳ аро

Ҳар кишиким бировга қозғай чоҳ,
Тушгай ул чоҳ аро ўзи ногоҳ⁵³.

Жобир зиндонидагиларга озодлик бахш этилади. Улар орасида Навдар билан Нуъмонлар ҳам бор эди. Меҳр ва Сухайл орзуларига эришадилар, адолат тантанани кўради.

Жобир образи зўр маҳорат билан яратилган. У, ўша вақтдаги талончилар, қароқчиларнинг умумлашма тим-солидир. Ҳикояда умуман қароқчи ҳақида гап бормади, балки катта қароқчи, золим подшо кўзда тутилади. Жобир — ғоявий жиҳатдан ниҳоят даражада яраман ва жисмоний жиҳатдан ҳам кўримсиз шахс. Жобирни шу хилда қилиб тасвирлаган Навоий, қизиқ бир деталга йўл қўяди. ўзининг асосий фикрларидан, яъни яхшини борган сари яхши, ёмонни борган сари ёмон қилиб кўрсатишдан маълум даражада чекинади. Жобир золим, шафқатсиз бўлишига қарамасдан, Меҳрни, маълум сабабга кўра, озод қўяди, гўзаллик шу даражада зўр!

Бу билан, аввало, Навоий Баҳромга қарата: кўр, ҳатто Жобир ҳам қизни озод қўйди, гўзаллик олдида ҳатто Жобир ҳам асир тушди, сен эса Дилоромдек парини, унинг севгисини топтадинг, демоқчи.

Меҳр ҳам ҳуснда, ҳам ақлда мислсиз. Тадбирли ва фаросатли, ёш тўкишдан ҳаракат қилишни афзал биладиган ва мақсадга интиладиган шахс.

Сухайл эса — мард, ҳеч нарсадан кўрқмайдиган, илм-ҳунар эгаси, ҳимматли одам. Зулм ва золимга қарши курашувчи ботир. У Жобир билан икки марта тўқнашади ва ниҳоят, енгади.

⁵³ А л я ш е р Н а в о и й, Хамса, 573-бет.

Навоий ҳикояда Навдар образига алоҳида эътибор беради. Бу образ орқали ўз даврининг илғор кишиси сифатида илғор фикрларни илгари суради. Кўпчиликдан ажралган шахс ҳечдир — афсонавий қаҳрамон одам Рустам бўлганда ҳам, бир киши бирдир, дейди.

Олтинчи мусофир ҳикояси. Олтинчи ҳикоя шартли ҳолда Муқбил ва Мудбир ҳикоясидир. Бу ҳикояда ҳам фольклорнинг таъсири яққол кўзга ташланади. Фольклордаги приёмлар эсга келади.

Муқбил билан Мудбир деган савдогар бўлади. Улар саёҳатга йўл оладилар. Йўлда кўп қийинчиликлар кўрадилар, денгизда ҳалокатга учрайдилар, ниҳоят, қирғоқда бир тош устига битилган ёзувга кўзлари тушади. Унда: «Шу ерда булоқ суви бор. Шу булоқ сувидан яхши, ростгўй одам ичса, очлик, чанқоқлик азобидан қутулади, сувга шўнғиса мўъжиза, ажойиботлар кўради. Ёлғончи одам ичса, жуда қисқа муддатга чанқоқдан қутулади, сувга тушса куяди», — деб ёзилган экан. Мудбир тоқатсизланади, сабрсизлик қилиб, оёқ қўйганда оёғи куяди. Муқбил сув ичади, сувга тушади ва сув остида қўйидаги ҳодисага дуч келади:

Ажойиб безатилган қаср, ниҳоятда гўзал, ифбатли маликалар. Улар орасида бири ниҳоят даражада гўзал. Муқбил шу гўзал билан кўришади. Малика зўр меҳрмуҳаббат, эҳтиром ва одоб билан Муқбилни кутиб олади, шароб беради. Кўп шароб ичишади, шунда Муқбил маликани ўзиники бўлишини илтимос қилади. Малика бир-икки кун сабр қилиш кераклигини айтади. Муқбил қўймайди. Малика канизларидан бирини қўшиб, уни сайрга юборади. Шу орада Муқбилнинг кўзи очилади; у кўрган ажойиботлар, малика бир зумда ғойиб бўлади. Муқбил бу ҳодисадан жуда ҳайратда қолади. Афсус қилиб, севги ўтида ёнади. Шунда тошдаги иккинчи ёзувга кўзи тушади. Бу ёзувда: «Севги тузоғига тушган одам тезда бу жойдан жўнаши керак, акс ҳолда ҳалок бўлади», — деб ёзилган экан. Муқбил билан Мудбир йўлга тушадилар. Мудбир йўлда яна бемаънилик қила бошлайди. Муқбил унга сабрли, матонатли бўлишни насиҳат қилади. Шу орада тўлқин кўтарилади. Буларнинг ҳаёти хавф остида қолади. Узоқдан кема кўринади. Булар шу кемага тушадилар. Кема кимсасиз, лекин мурдалар ва қимматбаҳо мол-дунё билан лиқ тўла экан. Муқбил кеманинг бир чеккасига ўтириб, на бойлик, на ҳаёт

ҳақида ўйламай, ўз севгилисининг ёди ва дарди билан банд бўлади.

Мудбир эса кемадаги ўликларни сувга ташлаш, бойликнинг ҳисобини олиш билан овора бўлади. Шу аҳволда сузиб кетаётганларида, бир мамлакат подшосининг кўзи кемага тушади. Кемада кимдир бор деб, одам юборади. Одамлар Мудбирни олиб келишади. Мудбир шоҳга, бу менинг кемам, кемада ҳеч ким йўқ, мен ва менинг қўлимдаги бир одам бор, дейди. Шу онда шоҳнинг кўзи олдида у ёрилиб ўлади. Муқбилдан воқеани сўрашади. У бўлган ҳодисаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб беради. Шоҳ уни ростгўй, юраги пок, самимий севги эгаси, мард, журъатли бўлгани учун севиб қолади ва ўзига вазир қилиб олади. Қизи борлиги ва уни Муқбилга бермоқчи эканлигини айтади. Муқбил эса ўз севгилисининг борлиги, унга мафтунлигини айтади. Шоҳ кўнмайди. Ниҳоят, Муқбил шоҳ қизини кўриб қолади. Шунда булоқ остидаги қаср, маликаларнинг маликаси кўз ўнгида тургандай кўринади.

Қиз унга: «Менинг ҳуснимга ёлғиз одамлар эмас, жинларнинг подшоҳи ҳам ошиқ бўлган. Менинг бетоблигим боиси ҳам ўшалар эди. Жинлар подшоҳи менга етиша олмай оғир касал бўлган экан, уни юпатиш учун «симё» усули билан менинг қасрим каби қаср бино қилиб, менинг худди ўзимга ўхшаш ҳайкал ясаб тахт устига ўрнатганлар. Сенинг кўрганинг шу бўлиши керак»,— дейди. Муқбил эшитганларидан ғоят хурсанд бўлади. Улар мурод мақсадларига эришади. Воқеанинг бундай баён этилиши ҳам Навоийнинг фольклордан қанчалик яхши фойдаланганлигини кўрсатади.

Ҳикоянинг марказида дўстлик ва ростгўйлик масаласи туради. Дўстликни бузган, дўстликка риоя қилмаган, дўст ва дўстликни ҳимоя қилмаган одам, албатта, бахтсизликка учрайди, ҳалок бўлади деган фикр илгари сурилади.

Навоийнинг муҳаббатига сазовор бўлган образ Муқбил образидир. Муқбилни безайдиган энг муҳим нарса — унинг виждонлилиги, сабр-тоқатлилиги, дўстга содиқлиги, ростгўйлиги. Буларнинг орасида биринчи планга Навоий унинг ростгўйлик фазилатини қўяди. Муқбил қандай шароитга тушмасин, сўз нима ҳақида кетмасин, ростгўй бўлади, рост сўзни айтади. Шунинг учун у сувга туша олади, бахт калитини топа олади, шоҳнинг муҳаббати, ҳурматига сазовор бўлади, ўз орзусига — севгили-

сига эришади. Бу билан Навоий одамларни дўст, рост-
гўй бўлишга чақиради.

Сув ости қасридаги малика билан суҳбатда Муқбил сабрсизлик кўрсатади. У малика айтган канизак билан кетади. Бу нарса уни малика қасридан, сув остидаги ажойиботлардан маҳрум бўлишига олиб келади. Бу ерда Навоий ўз қаҳрамонининг иродасини синамоқчи, Муқбил мана шундай четга чиқишларга йўл қўяди, лекин кейин ўзига келади, ўз севгилисини ўйлайди, унга содиқ бўлиб қолади. Навоий бу ерда тоқатсизликни қоралайди. Маликанинг Муқбилни канизак билан юбориши ҳам унинг иродасини синаш, сабрсизлигини қоралаш учун қилинган эди.

Мудбир эса Муқбилнинг тамоман аксидир. У аввало ёлгончи, дўстликни билмайдиган, дўстлик қондаларини топтайдиган инсон, инсоннинг қадр-қимматини билмайдиган, ҳурмат қилмайдиган шахс. У бойликни ҳар нарсадан юқори қўяди. Унда ҳеч қандай одамгарчилик йўқ. Унга яхшилик қилган, содиқ дўст ҳисобланган Муқбилни подшоҳга қулим деб танитади. Унинг қилмишлари, ярамас сифатлари эса унинг ўзини ҳалокатга олиб келади. Бу билан Навоий ёмонликни охири ёмонликка олиб келади, демоқчи.

Бу ҳикоя ўзининг мураккаблиги билан бошқа ҳикоялардан ажралиб туради. Ҳикояда ҳодисаларнинг бири-бири билан ички боғланишида дастлабданоқ ихтилоф чиқади ва у охиригача давом этади. Бу ихтилоф янги-янги ҳодисалар ҳисобига кенгайиб, чуқурлашиб, кескинлашиб боради.

Бу ҳикоя ҳам оптимистик руҳ билан суғорилган. Унда ҳақиқий инсон улуғдир, у, албатта, ғолиб чиқади, ҳақиқат, адолат тантана қилади, деган ажойиб ғоя бадий талқин этилади ва ҳикоянинг асосий мотивини ташкил этади.

Еттинчи мусофир ҳикояси. Еттинчи ҳикоя у қадар мураккаб эмас. Ҳикоя қилувчининг айтишига кўра, Хоразм мамлақатида ниҳоят даражада гўзал бир қиз бор. Қизнинг санъатда тенги йўқ. Ҳамма унга ошиқ, лекин у ҳеч кимга кўринмайди. У ҳамиша ғам-аламда. У айниқса ўз санъати билан ҳаммани мафтун қилади. Бир одам ҳаракат қилиб, йўл топиб, ўша қизга шогирд тушади ва қиз ўз бошидан кечирганларини унга айтиб беради.

Баҳром бу ҳикоядан ўз Дилоромини таниб олади. Уни ўз олдига олиб келтиради ва яна аввалгидек айш-

ишратда давом этади. Баҳром тобора турли қусурлар ва жиноятлар ботқоғига бота боради ва оқибатда, юқорида баён қилингандек, даҳшатли ҳалокатга учрайди.

Бунда Навоий ўз давридаги золим, адолатсиз, мунофиқ, талончи, одамкуш шоҳларнинг устидан ўлим ҳукмини чиқаради.

Асарнинг охирида Навоий тушида Баҳромни кўради. У билан суҳбатлашади. Тирикликдаги қилган ишларидан Баҳром афсусланади ва Навоийга, жумладан, шу сўзларни айтади: «Шоҳингга айт, эзгу ҳисларни ўргансин. Яхшилик учун, халқ ва мамлакат аҳволи учун қайғурсин». Навоий бу билан кичкина, лекин характерли детални беради. Шоҳлардан ғаблланади, уларга қарата аччиқ киноя қилади.

Шоир бу достонини шундай юксак умид билан тугаллайди:

Халққа зеби торак айла ани!
Уқуғонга муборак айла ани!

Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлимни харидор эт!⁵⁴

Навоий мамлакат, халқ тақдирига қайғуради. Ўзига сизмас алам билан «Сабъаи сайёр» асарини ёзади. Ақли, идроки, қалами билан шиддатли жанг олиб боради. Зулматни, ёмонликни йўқотиб, ёруғлик, яхшиликни барпо қилишни орзу қилади. Ёруғлик нурининг бошқа мамлакатларга ҳам етиб боришини умид қилади. Бу ерда ҳам Навоийнинг тор рамкадан чиққани, ҳамманинг тақдири уни қизиқтирганлиги кўринади.

Шундай илғор фикрларни ўртага ташлаган Навоий ўз даврининг фарзанди сифатида асарда айрим чекланишга йўл қўяди. У бу асарида ҳам шахснинг ролига ортиқча, юқори баҳо беради. Лекин, шу билан бирга, маълум даражада омманинг ролига эътибор ҳам берган. Қўшинидан ажралган Навдарнинг муваффақиятсизликка учраганини кўрсатиш, халқнинг кўз ёши ва қони Баҳромни ҳалок қилди дейиш билан Навоий халқнинг кучини кўрсатади. Халқдан ажраган, халққа зулм қилган шоҳни қоралайди. Лекин Навоий халқни зулм ва золимларга қарши актив курашга чақириш даражасига, асосан, кўтарилмайди. Бу нарса ҳам XV аср давр савияси билан изоҳланади, албатта.

⁵⁴ Алишер Навоий, Хамса, 615-бет.

«Садди Искандарий» Навоий «Хамса»сига кирган бешинчи, энг сўнги достони бўлиб қатор масалаларда алоҳида хусусият ва фазилатлари билан аввалги достонлардан ажралиб туради. У, биринчи томондан, эпик-бадний асардир, ундаги бош ғоя ҳамма халқларни шоир тушунчасидаги зулм ва зулмкорлардан, разолат ва тутқунликдан қутқариш бўлиб, бу ғоя идеал шоҳ томондан амалга оширилади. Иккинчи томондан, унда достоннависнинг бир қатор фалсафий фикрлари, табиёт фанининг бирмунча масалаларига оид қарашлари ўз аксини топган. Бинобарин, достон мустасно илмий аҳамиятга ҳам эгадир.

«Садди Искандарий» «Хамса»даги энг катта достон ҳисобланади. Достоннинг 1—14 боблари муқаддимадан иборат. Уларда традицион киришлар, «Хамса» ҳақида, сўз таърифида, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомийлар тўғрисида, султон Ҳусайн Бойқаро ва Бадиуззамон Мирзо мадҳида, тарих илми ва қадимий Эрон шоҳларининг сулолалари борасида сўз кетади.

Достоннинг асосий қисмида Искандарнинг ёшлигидан яхши тарбиялангани, улуғ донишмандлардан таълим олганлиги, кўп илм ва талай ҳунарларни эгаллаб, маънавий балоғатга эришганлиги мароқ билан ҳикоя қилинади. Искандарнинг отаси Файлақус ўлгач, рум халқи уни билимли ва заковатли, адолатли ва иродали бўлгани учун подшоҳ қилиб кўтармоқчи бўладилар. «Мен шоҳликка лойиқ эмасман, уни уҳда қила олмасман, мени маъзур тутинг»,— дея мурожаат қилади. Халқ Искандарнинг узрини қабул қилмайди, у ҳам халқ ризолиги учун подшоҳ бўлишга рози бўлади. Арасту Искандарнинг бошига тож кийдиради ва Балинас билан уни тахтга ўтқазадилар. Искандар кечалари Арасту ва бошқа донишмандлардан илм ўрганади, кундузлари эса адолат билан эл-юрт сўрайди. Мамлакат осойишталиги ва фаровонлиги, ободончилик ва илм-маърифат йўлида тинмай бош қотиради. Ана шуларни шоир алоҳида таъкидлаб ўтгандан сўнг Искандарнинг саргузаштини баён этади. Искандар Фарангистон, Қрим, Акдамус, Миср, Ироқ, Ажам, Ироқи Араб, Шом, Ҳалаб, Яман, Форс Хоразм, Черкас, Гуржи, Фархар, Мовароуннаҳр, Чин, Ҳинд, Хуросонни забт этади, бу ерларда Искандария,

Самарқанд, Ҳирот ва Рай шаҳарларини бино қилади, ҳамма ерда осойишталик ўрнатади.

Навоий Искандарнинг юришларини, унинг айниқса, Эрон ва Қашмир шоҳлари билан тўқнашувини муфассал ҳикоя қилади.

Эрон шоҳи Доро жуда катта подшоҳ бўлиб, ҳатто Искандарнинг отаси Файлақус ҳам унга тобе экан. Искандар тахтга чиққандан сўнг унга хирож тўламай қўйган, хирожни талаб қилиб келган Доронинг элчилари Искандарни уната олмай қайтадилар. Дарғазаб бўлган Доро Искандарга «у ҳали бола човган ила тўп ўйнасин, менинг кунжут доналаридек сонсиз лашкарларимдан кўрқсин» деган размда бир човган бир тўп (копток) ва бир қоп кунжут бериб юборади. Искандар буни англайди, лекин элчига бўлакча муомала қилади: тўп — юмалоқ, илм аҳли ер кураси тўғарак эканлигига амин бўлганлар. Доро бу тўпни юбориб, бутун ер юзи меники эканлигини эътироф этибди, дейди. Кунжутни товуқларга сепиб, уларни ейишини кўрсатиб эса, Искандар дейдики; «Гарчи Доро қўшини кунжут доналаридек беҳисоб эсалар ҳам менинг аскарларимга емиш бўладилар. Энди улар орасида уруш хавфи туғилади. Шу ерда Навоий махсус бобда Искандар билан Арасту ораларида суҳбатларини баён этади. Шоир бу бобда Арасту тилидан одамлар орасида бўладиган ҳар қандай низо зарардан бошқа нарса келтирмайди. Бунга нисбатан арбоблар орасидаги адоват, хусумат яна ҳам кўпроқ зиён, заҳмат етказди. Агар душманлик шоҳлар ўртасида пайдо бўлса, у вақт жуда кўп фалокатлар юз беради, дея ҳар қандай адоватни қоралайди.

Искандарнинг: «Низонинг бирор фойдали томони борми?» — деган саволига Арасту: «Агар бирор киши бирорта нотўғри, номуносиб ишни қилса, бу ишдан кўпчиликка, халққа зарар етгудек бўлса, лекин у кишига бу ишдан қайтариш учун қилинган насиҳат ва ўғитлар кор қилмаса, ундай кишидан ғолиб кела оладиган, уни ўша оқибати зарарли ишдан қайтара оладиган киши низолашса, бу ҳолда низо ақлга мувофиқ бўлади», — деб жавоб қилади.

Доро Искандарга қарши қўшин тортади. Искандар ҳам жанг ҳозирлигини кўради. Урушнинг биринчи куни кечаси Искандарга Доро амалдорларининг имзоси билан махфий мактуб келтириб берадилар. Маълум бўлишича, уларни Доро маҳв этмоқчи бўлади. Шунинг учун

улар Дорони ўлдириш қасдида эканлар. Искандар мактубга жавоб қилмайди. Эртаси улар Дорони қилич билан уриб оғир ярадор қиладилар. Искандар Доро ёнига боради, бўлган гапни унга айтиб беради. Доро унга васият қилиб уч нарсани ўтинади: бири, ўша икки хиёнатчини ўлдиргай, иккинчиси, Доронинг қавми-қариндошлари, яқинларига зиён еткурмагай; учинчиси, қизи Равшанакка уйлангай.

Доро оламдан ўтади. Унинг васиятини Искандар бажо келтиради.

Шу ерда Навоий махсус боб очиб, унда шоҳларни ҳар бир киши билан унинг ҳоли ва имкониятига қараб иш бажаришлари, муомалада ёмонни яхшидан ажрата билишлари лозимлигини уқтириб ўтади. Уларни ҳамиша халқ ҳолидан огоҳ бўлишга, умуман халқни доимо ўзларидан рози бўлишларини таъмин этишга даъват этади.

Эрур ит сафолига қўймоқ сомон —
Ҳамону, сўнгак отқа солмоқ ҳамон.

Бўрига киши туъма қилса қўзи,
Ўзига бало ҳосил айлар ўзи...

Муносиб эмас тоз бошига тож.
Тумога нутуқчига не эҳтиёж...

Йилон жайб арс солмоқ этма ҳавас,
Ким охир йилондур бу, тасбиҳ эмас...

Яна бир дағи турфа сурат дурур,
Ки шаҳ билмак они заруратдурур.

Буким, тутса ҳар кимса таврини пос,
Фаросат била бўлса жавҳаршунос.

Кўруб лаъл, аҳгар гумон қилмаса,
Ҳам аҳгарни гавҳар гумон қилмаса.

Жудо қилса ҳармуҳра ферузадин,
Бутун чини ўлса синиқ кўзадин...

Ва гар илгига тушти донишвор эл,
Фунун ичра орайиши кишвар эл.

Керактур алар бирла навъэ маом,
Ки хотирлари топмаған кўп харом.

Ўўқ улким қарам кўргаю бас киром,
Керак рози андин хавосу авом.

Агар шоҳдин халқи хурсанд эмас,
Адув қасди қилса хирадманд эмас⁵⁵.

Искандар Доро мулки ва хазинасига эга бўлади. Лекин у «халқ ва сипоҳ манфаатдор бўлмаган хазина, ундаги жавоҳирлар кераксиз тошларгинадир, мен учун халқ хазинадир», дея инъому эҳсонга киришади. Узининг халқпарвар шоҳ эканини яна бир бор намойиш қилади.

Сўнгра Искандар барча мамлакат шоҳларига нома юбориб, уларни итоат қилишга чақиради. Ҳинд ройи, Кашмир шоҳи ва Чин хоқонидан бўлак кўп шоҳлар Искандар ҳукмига бўйсундилар. Уларга қарши юришни кўкламга қолдириб, Искандар Қорабоғда қишлашга қарор қилади.

Шоир «Қиш таърифи» деган махсус бобда табиатнинг гўзал фаслларида саналмиш қишнинг ғоят жозибали тасвирини яратади.

Баҳор бошланиши билан Искандар Хуросонга юради. У ерда Ҳирот шаҳрини бунёд этади. Навоий шу муносабат билан ўз она юртининг жуғрофий тузилиши, иқлими ва гўзаллигини ниҳоятда самимий баён қилади.

Энди Искандар Мовароуннаҳрга йўл олади. У ерда Самарқандни бино қилади. Сўнгра Қашмирга равона бўлади. Қашмирда Искандар темир дарвозали ғоят мустаҳкам қўрғонга дуч келади. Уни оддий ҳужум билан оломасликларига амин бўлгач, лашкари ичида доим бирга олиб юрадиган беш юз донишманд, олимларни, жумладан, уларнинг раҳбарлари ва Искандарнинг энг яқин суҳбатдошлари — Афлотун, Арасту, Балинос, Арамидус, Шаминос, Қилинмун, Волис, Фарфурнус, Суқрот ва Ҳурмусларни йиғиб маслаҳатлашади. Улар қалъани портлатиш учун ичига симоб ва бошқа дорилар тўлдирилган думалоқ тўп ихтиро қиладилар. Тўпга фатила орқали ўт ёқиб уни қалъага отадилар. Тўп портлаганда ундан даҳшатли овоз, шуъла, ҳид ва дуд чиқади.

Бир қанча оғир саргузаштлардан сўнг Искандар Қашмир шоҳи Маллуни ўғли Феруз ва қизи Меҳрнос билан бирга асир қилади. Маллу тез орада вафот қилади, унинг ўрнига Ферузни шоҳ кўтариб, Меҳрнозни олиб, Искандар Ҳиндистон томон йўналади.

Қашмир воқеасидан сабоқ кўтарган Ҳинд шоҳи ўз донишмандлари маслаҳати билан урушсиз таслим бўлади.

⁵⁵ Алишер Навоий, Хамса, 695—696-бетлар.

Искандар Ҳиндистон халқига кўп эҳсонлар қилади, икки йиллик солиқлардан озод қилади ва ҳинд донишмандлари илтимоси билан Ҳиндистонда Ройни шоҳлик ўрнида қолдиради.

Бу ўринда Навоий «Афвнинг фазилати...» ҳақида қимматли фикрларни баён этади.

Искандар қишда сафар қилмас эди, шу сабабли у ўз лашкарлари билан Ҳиндистоннинг Нигор деган ўрмонли ерида қишлаб, баҳор бошланиши билан Хитойга қўшин тортади.

Чин хоқони қўшинида қўрқув пайдо бўлади. Буни сезган хоқон элчи либосига ўралиб Искандар ҳузурига боради ва итоат қилишдан бош тортгани учун узр истайди. Искандар билан хоқон ораларида яраш битими тузилади ва хоқон Искандар шарафига дабдабали зиёфат беради. Хоқон Искандарга қилган ҳадялар орасида иккитаси, айниқса хайратомуз эди: бири — икки юзли кўзгу, номи «Меҳр ойин» ёки «Ойнаи чин», иккинчиси — гўзал канизак — Луъбати Чиний.

Кўзгунинг ойга ўхшаш томонида рост гапирган одамнинг акси кўринар, ёлғон айтувчи эса кўринмас эди. Унинг қуёшга ўхшаш томони эса бадмастлик қиладиган одам башарасини бузиб кўрсатар эди.

Навоий гўзал канизакни ниҳоят даражада жозибали, тамоми илм ва санъатда тенгсиз, ҳатто ҳарбий ишларда ҳам гоят салоҳиятли қилиб тасвирлайди.

Искандар «Ойнаи чин»дан мароқланиб ўзи ҳам шунга ўхшаш нарса кашф этиш орзусига тушади. У ўз олимларини икки гуруҳга бўлади. Бир гуруҳга Афлотун ва Суқрот, иккинчи гуруҳга Арасту ва Буқрот раҳбарлик қиладилар. Искандар эса ҳар иккала гуруҳ билан ишлайди. Тадқиқотлар натижасида бир гуруҳ олимлар юлдузлар оламини кузатувчи, уларнинг баландликлари даражасини ўлчовчи «устарлоб» деган асбоб ихтиро қиладилар, иккинчи гуруҳ олимлар эса бутун дунёни ўзида акс эттирувчи «Ойнаи жаҳоннамо»ни кашф этадилар.

Бу кашфиётлар эвазига Искандар ва Чин хоқони олим ҳамда ҳақимларга жуда кўп эҳсон, инъомлар бердилар. Искандар ҳатто уларга Рум мамлакатини ҳам ҳадя қилади.

Энди Искандар ўзига инъом қилинган Маллуннинг қизи Меҳрнос ва Доронинг қизи Равшанакни никоҳлаш тўйи маросимини бошлаб юборади.

Тўйдан кейин Искандар Равшанакнинг олий насаби учун унга эътиборда афзаллик беради. Бундан қайғуга тушган Меҳрнос рашк ўтида ёнади.

Шоир Шарқ аёлларига хос ифбат ва маъсумалик ҳолатларини гоят ҳаётий тасвирлайди. У Меҳрнос тилидан муҳаббат насабнинг олий ёки пастлигига қараб эмас, аёлнинг ақл-заковати ва ширин муомаласи, бир сўз билан айтганда унинг гўзал инсоний фазилатларига мувофиқ бўлмоғи лозим. Зотан, ниҳоят юксак даражадаги ҳусн ҳам бахтли бўлишга етарли асос бўла олмайди деб Искандарнинг «Равшанак насаби туфайли кўпроқ муҳаббатга даҳли бор», деган сўзларини рад этиб мурожаат қилади:

...Ки етти кишвар уза марзбон!

Бу сўзнинг муҳаббатга не даҳли бор?!
Ки ишқ ичра шаҳлиққа йўқ эътибор...

Насаб бирла бўлса анга шоҳлиқ,
Ҳасаб бирла етмиш менга моҳлиқ.

Анинг тожи кишварга бўлса хирож,
Менинг элима бош қўяр аҳли тож.

Не хуш дебдур ул дардманди фироқ,
Ки оз бахт, кўп ҳусндин яхшироқ⁵⁶.

Искандар Меҳрнознинг ақли ва сўзларининг мантикийлигига таҳсинлар ўқийди ва унга маҳкам кўнгил боғлайди.

Сўнгра Искандар Мағриб томон йўл олади, кўп дарё ва шаҳарларни тобе қилади. У йўлда бир чўлга дуч келади, унда яшовчи итдек, лекин чумоли шаклидаги даҳшатли ҳайвонларни кўради. Искандар ўша ерликлардан бу иқлим аҳволини суриштиради. Бир одам чўлнинг ҳалиги ҳайвонлар яшайдиган қисмидан нарида гўзал чаманзорлар борлигини ва у ерларда ваҳший одамлар яшашлигини, гоҳ-гоҳ бу томонларга келиб, аҳолига озор беришларини, улар ўн кун босим ухлар, ўн кун сирасига бедор эканликларини, ухлаганларида эса чумоли шакли ҳайвонлар уларни қўриқлашини айтиб беради. Ваҳшийлар мамлакатининг нариги чегарасида икки буюк тоғ бор бўлиб, бири — қизил олтин, иккинчиси — тоза кумушдан экан. Аммо ваҳшийлар у томонга ҳеч бир одамни йўлатмас эканлар.

⁵⁶ Алишер Навоий, Хамса, 784-бет.

Искандар ваҳшийларга қарши уруш очади. Унинг энг зўр паҳлавонлари бирин-кетин асирга олиниб, аҳвол танглашиб бораётган бир вақтда ниқобдор паҳлавон майдонга кириб келади. Искандар қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган бу баҳодирнинг ким эканлигини билиш учун юзидан ниқоб кўтарса, у Хитой хоқони туҳфа қилган канизак — Луъбати Чиний экан. Искандар унинг ҳарбий ишларда моҳир эканлигини эшитган эди. Лекин худди шу сифати хуш келмай, канизак Искандар эътиборидан четда қолган эди. Шоҳ канизак шарафига катта зиёфат беради ва унга мафтун бўлиб қолади.

Искандар ўз ватани—Румга кетаётганида Қирвон ўлкасига дуч келади. У ерда оч-яланғоч халқ ва вайрона кулбаларни кўради. Маълум бўлишича, бу ер аҳолиси йилига икки марта катта тоғ орқасида истиқомат қилувчи яъжуж-маъжуж деган сон-саноксиз ваҳшийларнинг ҳужумига учраб турар, ҳужум вақтида улар аҳолини талаб, уй-жойларини бузиб, одамларни еб кетар эканлар. Искандар бечора аҳолини ана шу яъжуж-маъжужлардан халос этиш ниятида лашкарлари ва бутун ер юзидан таклиф этилган мутахассислар билан олти ой машаққатли меҳнат чекиб «садд» (баланд тўсиқ, девор) қурдиради. Шундай қилиб, машҳур «Садди Искандарий» қад кўтаради. Буни Навоий юксак маҳорат ва катта мароқ билан ҳикоя қилади.

Искандар ватани Румга қайтади ва тахтига ўтиради.

Шу ерда Навоий Ватан ва унга муҳаббат ҳақида гоят самимий ва жўшқин парча беради. Ўз фикрини далиллаш учун бир кабутарнинг ўз ғариб ошенини подшоҳнинг олтин қафасидан афзал кўрганини ифодаловчи гўзал ҳикоя келтиради.

Искандар кўпдан орзуси денгизлар ва ундаги оролларни фатҳ қилиш учун уч минг кема ясатиб, сафарга чиқади.

Шоир бу муносабат билан Суқрот тилидан ернинг юмалоқлиги, уни денгизлар иҳота қилиши, ҳар денгизнинг ўз хусусияти борлиги ҳақида муфассал фикр юртади.

Искандар бир йилу тўққиз ой сувдаги сафар машаққатларини чекиб Муҳит денгизининг «маркази»га етиб боради. Шиша сандиқ кашф этиб, унда денгиз тубига тушиб талайгина ажойибот ва ғаройиботларни томоша қилиб чиқади.

Бу сафарда Искандар ниҳоят даражада толиқади. Айниқса у қиргоққа чиққанда қуруқликнинг ҳавоси унинг хасталигини оғирлаштиради. Искандар ўлими олдидан онаси — Бонуга мактуб ёзиб, ундан йиллар мобайнида узоқларда юриб ўз фироқида куйдиргани учун узр сўрайди ва донишмандлар — ҳақимлар билан биргаликда мамлакатни адолатга асосланиб бошқаришни васият қилади. Искандарнинг тобутини Искандарияга олиб бориб дафн қиладилар.

Достон шаҳзода Музаффар Ҳусайн мадҳи ва унга насиҳат билан тугалланади.

* *
*

Алишер Навоий бу достонида ҳам бошқа асарларидаги каби умри бўйи орзу қилгани, унинг идеали бўлмиш — бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодатига бағишлаган одил подшоҳ ҳақидаги ғоясини энг ёрқин ва атрофли ифодалайди. Шунинг билан бирга ана шундай шоҳ ила боғлиқ ҳолда озодлик, тинчлик, адолат, фаровонлик, ободончилик, илм-маърифат, фан ривожига каби илғор ғояларни ҳам тараннум этади.

Искандар — Навоий ҳаёлидаги унинг орзу-умидларининг энг сарасини ўзида мужассамлаштирган романтик образдир. Шоир Искандар образини яратишга киришар экан, уни энг аввало ўз даври ва келгуси авлод шоҳлари, ҳукмдорлари учун ибрат манбаи бўлишини кўзда тутди. Шу мақсадда Навоий достонга бевосита XV асрдаги сиёсий вазият, ҳаётини воқеалар, ўша давр шарт-шароити, урф-одати, анъаналарини сингдиради.

«Садди Искандарий»да тасвирланган ўзаро феодал уруш ва низолари, мудҳиш манзаралари, бош қаҳрамоннинг хазина ишларида мустаҳкам тартиб ўрнатиши, олим ва фозиллар маслаҳати билан иш кўриши, ҳар нарсада адлга суяниши ва шу каби лавҳаларга эътибор берилса, Навоий ўз даври учун фавқулодда муҳим масалалар юзасидан фикр юритганини кўрамиз.

Маълумки, Навоий салафлари Искандарни шоҳ, олим ва пайғамбар қиёфасида тавсиф этганлар. Навоий эса Искандарни шоҳ, олим ва олижаноб инсон сифатида талқин этади. Искандарни безайдиган фазилатлари орасида энг биринчи ўринда унинг адолатпарварлигини мадҳ этади. Асар қаҳрамони — кишига илм-фан етказадиган

маънавий бойликни тожу тахт, жавоҳирлар тўла хазина-лардан устун қўяди. У — бутун ҳаёти, фаолияти давомида олимлар, устозлари билан бамаслаҳат иш кўрувчи тадбиркор шоҳ. У зулмкор ва разил амалдорларга, хиёнатчи ва фирибгарларга кескин шафқатсиз, меҳнат кишилари ва илм аҳлларига эса бениҳоя мурувватли ва меҳрибон.

Искандар истеъдодли ва синчков олим, маърифат ва фан аҳллари ҳомийси ҳамдир. У ўзининг ёшликда сабоқ олган мураббийси ва устози Нақуможисдан [Никомахос] беҳад миннатдор. У доимо Арасту (Аристотель), Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Асқалинус (Искилинуc), Букрот (Гиппократ), Ҳурмуc (Гермес) ва Файсоғурс (Пифагор)лар билан ё кенгашади, ё ҳамкорликда ишлайди, ё уларни ижодий кашфиётлар сари руҳлантириб туради.

Афлотун ва Суқрот раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар юлдузлар оламини кузатувчи «устурлоб»ни, Арасту ва Букрот бошчилигидаги олимлар ер юзидаги барча ҳодисаларни кўрсатувчи «Ойнаи жаҳоннамо»ни ихтиро қиладилар. Яна бир қанча олимлар турли мамлакатларнинг табиий ва жуғрофий ҳолат ва хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланадилар, йўлларда масофани билдирувчи белгилар ўрнатадилар.

Алишер Навоий «Садди Искандар»дан аввалги дostonларидаги каби бунда ҳам олижаноб аёллар образини улкан маҳорат билан яратгандир.

Искандарнинг онаси Бонуга шоир жуда сиқиқ ўрин ажратган бўлса-да, ўғлининг унга бўлган ҳурмати ва меҳрибончилиги туфайли, у ўқувчининг меҳр-эътиборини ўзига жалб этади. Бону ғоят мулойим ва беҳад меҳрли. У Искандарнинг дафн маросимида чуқур қайғу ва аламли фарёдини ичга ютиб ўғлининг васиятига амал қилишда, яъни сабр ва тўзим кўрсатишда ўзида етарли куч ва метин ирода топа билган оқида аёлдир. Буни шоир ишонarli ва жозибали қилиб тасвир қилади.

Бону ўғлининг таъзиясига келган етти олимнинг Искандар ҳақидаги фикрларига қулоқ осади, уларнинг таҳсинларини қабул қилади. Олимлар ёрдамида Бону Румни ўз зиммасига олади.

Меҳрнос ёки Нозмеҳр эса Искандардек жаҳонгир шоҳ олдида ўз инсоний ҳуқуқи ва қадр-қимматини, соф севгиси ва орзу-умидларини дадил ҳимоя этишга журъат

эта олган, бу йўлда муваффақият қозона олган малика-
дир.

Луъбати Чиний эса тенги йўқ жасоратли қиз. У
ниқоб остида жанг майдонига ваҳшийларни мағлуб эт-
ган, ўзининг мардоналигини, чаққонлигини ва бошқа юк-
сак инсоний фазилатларини Искандар қаршисида камта-
рона намойиш қилиб унинг ҳурматига сазовор бўлган гў-
зал канизақдир.

Асарда Навоий халқ оғзаки ижодидан, унинг бойлик-
ларидан кенг фойдаланган. Достондаги Искандарнинг
Равшанак ва Нозмеҳрга уйланиши пайтида айтилган
ўланлар.

Муғанний тузуб чинга вазинда чанг,
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг.

Десаиғ сенки: жон қардошим ёр-ёр!
Мен айтайки: мунглуг бошим ёр-ёр!⁵⁷

достон байтларига киритилган халқ мақол ва маталла-
рини:

Тааммул била хом пайдо бўлур.
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.

ёки:

Не хуш дебдур ул хирадманди фироқ,
Ки: «Оз бахт—кўп ҳусндин яхшироқ»⁵⁸

халқ кўшиқлари фикримиз далили бўла олади.

Шоир бошқа достонларидаги каби бу достонида ҳам
асарнинг асосий ғояси ривожига ёки уни очишга хизмат
қилувчи ажойиб ҳикоялар бериб боради. Уларнинг баъ-
зилари ҳақида ўрни билан айтиб ўтилди. Фикримиз да-
лили учун бу ерда бир ҳикояни келтирамиз.

Искандар фатҳ қилган мамлакатлардан бирига ра-
ийятпарвар кишини шоҳ қилиш ниятида шунга лойиқ
одам қидиртиради. Бир вақтлар тожу тахтни қабул қил-
май ўлкадан чиқиб кетган бир кишини топиб келтиради-
тар, у қўлида икки сўнгат кўтариб Искандар ҳузурига
селади. Искандар ундан сўнгатлар ҳақида сўзлаб бе-
зишга амр қилади. У ўз жавобида:

⁵⁷ Алишер Навоий, Хамса, 778-бет.

⁵⁸ Алишер Навоий, Хамса, 785-бет.

Деди: «Гўрлардин қилурда гузар,
Неча бу сўнгакларга солдим назар

Замиримга лекин нихон қолди бу,
Ки шаҳнинг қаюдур, гадонинг қаю?

Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,
Тирикликда невчун қилурлар низоъ?»⁶⁰

Искандар бундай жавобдан у одамнинг ғоят ақлли эканини англайди ва унга шоҳликни таклиф этади. Бунга жавобан у одам тўрт шарти борлигини айтади: бири шундай ҳаёт бўлсаки, унинг сўнги бўлмаса; иккинчиси — шундай йигитлик бўлсаки, у қариликқа алмашмаса; учинчиси шундай бойлик бўлсаки, у ҳар қандай ҳаромликни рад этса; тўртинчиси, шундай шодлик бўлсаки, мотам асло бўлмаса.

Искандар ҳайратда қолади ва айтади:

Ки бу дайр аро топсанг огоҳлик,
Санга фақр берди, менга шоҳлик.

Агарчи мени айлади аржуманд,
Сенга берди ҳимматни мендин баланд⁶¹

Хулосаки, Навоий бу достонида ҳам ўзининг моҳир ҳикоянавис эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Бу достонида Навоий Шарқда биринчи бўлиб уни барча халқларнинг тақдири қизиқтирганини баён этади. Уларни чидаб бўлмас зулм ва ғоят оғир муҳтожликдан қутқариш орзусини илгари суради. Бу ишни асарнинг бош қаҳрамони Искандар зиммасига ва унинг бир қанча халқларнинг вакилларида ташкил топган лашкарига юклайди. Шоир Искандарга қарата айтади:

Шаҳким, адл анча бунёд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур.

Чу мулк ўлди ободу халқи ғаний,
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани⁶².

ва Искандар буни амалга оширади.

Шоир шу билан алоқадор ҳолда ўзининг тассавуридаги идеал шоҳ ҳақидаги қарашларини энг мукамал тарзда ва атрофли ҳолда ифодалайди. Бу, улуғ мутафаккирнинг утопияси эди.

⁶⁰ Алишер Навоий, Хамса, 657-бет.

⁶¹ Уша китоб, ўша бет.

⁶² Алишер Навоий, Хамса, 666-бет.

Асарнинг иккинчи асосий масаласи Навоий даври учун мустасно аҳамиятга эга бўлган марказий давлат ғоясини тарғиб ва тараннум этишдир, халқ манфаатига мамлакат бутунлиги ва осойишталигига қарши қаратилган, бебошлик билан машғул бўлган принципсиз ихтилофчи беклар, вазирлар ва шуларга ўхшаш бошқаларни жиловлаш, йўқотиш ва мамлакатни идора этиш ишини марказлаштириш, одил ҳукмдор қўлида тўплаш ғоясини ўртага ташлашдир.

Учинчи асосий масала даврдаги илм аҳллариинигина эмас, улардан бошқа кўпларнинг фикр хаёлини банд этган ва ҳал этилиши жамиятнинг яхшиланиши ва тараққий этишига ёрдам берадиган бир қанча илмий, фалсафий проблемаларни ёритишдир. Юлдузлар олами ҳақидаги, хилқатнинг тўрт моддий унсурдан иборат эканлиги, борлиқнинг ўзгаришда, ривожланишда бўлишлиги; мистик, тарки дунёчилик, тасаввуфни рад этиш ва реал табиатнинг моҳияти ҳақидаги ва унинг инсон бахт саодатининг манбаи эканлиги ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир.

Хуллас, дostonда Навоий қатор масалаларда ўз даври савиясидан ғоят баланд кўтарилади. Энг илғор орзуларни тараннум этади. Ажойиб халқпарварлик ва тараққийпарварлик фикрларини куйлайди.

Шундай қилиб, дostonда асосий адолатга асосланиб туриб мамлакатда тинчлик ўрнатиш, унинг бирлигини таъмин этиш, уни обод қилиш, кенг маънодаги дўстлик — халқлар дўстлиги ва эркинлиги, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари илгари сурилади.

«Садди Искандарий» дostonи унда улуғ Навоийнинг жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсата оладиган, бинобарин, жамият учун хизмат қила оладиган хаёл-орзулари, юксак идеаллари ўз ифодасини топгани учун бизларга қимматлидир.

* *
* *

Шундай қилиб, Навоийнинг улуғ даҳосидан дарак берувчи шоҳ асар «Хамса» ўзининг ана шу кўриб ўтилган ғоявий-бадий жиҳатларига кўра мангу барҳаётдир.

«Хамса»ни ташкил қилувчи беш дoston гениал шоир томонидан алалабадга ўрнатиб кетилган беш бебаҳо ҳайкал бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг салобатию

нафосати, виқорию нурафшонлиги, жилосию завқбахшлиги билан ҳали қанча-қанча авлодларни ҳайратга солади, уларнинг қалбу ақлига беўлчов маънавий озиқ бахш этади.

Уларда ардоқланган талай орзулар, гўзаллик мадҳлари, қайд этилган ҳақиқатлар умумбашарий аҳамиятга эга. Улар бизнинг давримизда, янги вазифаларимиз қаршида ҳам янгича аҳамият касб этади ва кишиларимизга эстетик завқ беради, уларни янгидан-янги олижаноб ишларга илҳомлантиради.

* *
*

«Хамса»даги беш дostonдан ташқари, Алишер Навоий яна бир дoston — «Лисонут тайр»нинг ҳам муаллифидир.

Маълумки, машҳур форс файласуф шоири Фаридидун Атторнинг «Мантиқут тайр» деган асари Алишер Навоийнинг болалик чоғларидаёқ мафтун этган ва уни бутун умр бўйи машғул қилган эди.

Умрининг охирида шоир ўзининг «Лисонут тайр» дostonини ёзади. Бу дoston бир неча асрлардан бери Шарқда ҳал бўлмасдан келаётган ниҳоят даражада мураккаб фалсафий масалаларга бағишланган бадиий асардир. Унда Навоий худо билан табиат орасидаги муносабат, дин ва мистика томонидан бутунлай оёқ ости қилинган табиатни, инсонни илоҳийлаштириш орқали, уларни ардоқлаш, инсон қадру қимматини юксакка кўтариш ғояларини қушлар тили ва ҳаракати билан аллегорик тарзда ифодалайди.

Бу ҳақда Навоий ўзининг «Муҳокаматул-луғатайн» асарида шундай дейди. «Чун «Лисонут тайр» алҳони билан тараннум тузубмен, қуш тили ишорати билан ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузубмен».

«Лисонут тайр»нинг мухтасар сюжети қуйидагилардан иборатдир: ҳар хил қушлар бир жойга йиғилиб, мажлис қурмоқчи бўладилар. Лекин ҳар бир қуш ўзига муносиб ўрин ола олмагани туфайли можаро кўтарилади. Бунини бартараф қилиш учун, умуман адолатсизликка чек қўйиш учун одил ва доно шоҳ керак, деган фикрга келадилар. Ҳудҳуд (попишак) шундай қуш борлигини, у Симуруғ эканлигини айтади, унинг афсонавий таърифини беради. Ҳамма қушлар уни излашга аҳд қиладилар. Ўз узрини айтган баъзи қушларга Ҳудҳуд ғоят усталик

билан жавоблар қилади. Қушлар ғоят азоб чекиб, Симурғга етишиш орзусида етти водийдан ўтадилар. Кўплари ўлиб кетади. Охири ўттиз қуш қолади. Ахтарганлари Симурғ (ўттиз қуш демак) ўзлари бўлиб чиққанларини англайдилар:

Ким қилиб Симурғ ўттиз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғ бас⁶³.

Навоий асарининг асосий масаласи иккитадир: бири — худо билан борлиқ ҳамда инсон орасидаги муносабат, иккинчиси — даврдаги адолатсизлик ва бебошликларни қоралаш, ҳукмдорларни ақл ва адолатга чақириш.

Маълумки, бир неча аср мобайнида ҳоким бўлган мистик тасаввуф тарки дунёчилик ғоясини тарғиб этган эди. Бу ғоя тарафдорларининг нуқтаи назарича, хилқатдаги барча мавжудотлар, жумладан инсон худонинг ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ва кўримсиз соясидир. Инсоннинг асосий мақсади воқеликдан, реал ҳаётдан ва «ўзлик»дан воз кечиб ўзини ҳар турли азобларга дучор этиб, биргина худо билангина бўлиш, унга интилиш ва сояликдан халос бўлиб, аслга, асл моҳиятга айланиш, яъни худода мужассамлашишдан иборатдир. Достонда Навоий реал инсоннинг реал манфаатларидан келиб чиқиб, бу масалани бошқача ҳал қилади ва ўз даврига кўра ғоят катта аҳамиятга эга бўлган янгилик кашф этади.

Бунинг қисқача мазмуни шундан иборат.

Табиат, ундаги мавжудотлар, жумладан инсон худонинг энг камолотга эришган тазоҳиридир, кўринишидир. Бинобарин, асл моҳиятни, яъни комил худони табиатдан ва инсоннинг ўзидан ташқарида, қаерлардадир ахтариш, кўриш хатодир. Демак, табиат, ундаги гўзалликлар, ундаги ҳаёт лаззатлари, инсон энг қимматли воқеликдир, табиат инсоннинг бахт-саодати учун зарур бўлган барча нарсаларнинг манбаидир. Инсон юксак камолот даражасидаги илоҳийлашган муқаддас зотдир. У, «ўзлиги»ни қадрлаши керак, табиат билан бирга бўлиши керак ва шу табиатда бахтиёр, соф ва шодиёна ҳаёт кечиришга интилиши лозим.

Булардан Навоийнинг чиқарадиган хулосаларидан бири шуки, шундай зот ҳисобланган инсонни ардоқлаш,

⁶³ Алишер Навоий, Асарлар, 15 томлик, 11-том, 216-бет.

қадрү қимматига етиш ва ҳурмат қилиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бу асосий фалсафий масала билан алоқадор ҳолда Навоий иккинчи асосий масала қилиб ўз даврида, яъни феодал тузуми шароитларида ҳукмрон бўлган социал адолатсизликни акс эттириш ва уни қоралаш мақсадини ўртага ташлайди. Асарда тилга олинган бу социал адолатсизлик яхши, чуқур ҳурмат ва ардоқланишга лойиқ одамларнинг хору зор эканликларини, ёмонларнинг, ҳар қандай олчоқ ва жирканч хислатларга эга бўлганларнинг эса эътиборли, юксак мартабали ва ҳатто ҳукмдор вазифасида бўлганликларидан иборат. Мана шу адолатсизликни қоралашни асарнинг иккинчи асосий масаласи қилиб қўяди.

Жамъ ўлуб бир кун гулистон қушлари,
Бешау баҳру биёбон қушлари.

Борча бир манзилда мажмаъ туздилар,
Ҳар бири ўз хайлу сафин кўргуздилар.

Ким муҳаббат бирлан тузгайлар наво,
Чун тугонса базм, тутқойлар ҳаво.

Ултурурда чунки ойин тўқ эди,
Ҳар бирининг ўрни таъйин йўқ эди.

Юқори ўлтүрди тўтидан калоғ,
Булбулу қумридин ул янглиғки зоғ.

Ход сунғурдин бийик тутти мақом,
Нортачи товус уза қилди хиром.

Чун ҳунарвар узра чиқди беҳунар,
Тоздин қолди қуйроқ тожвар.

Хайли атроф эттилар зоҳир низоъ,
Қилмади ул сўзга арзол истимоъ.

Тушти қушлар ичра ғавғо ҳар тараф.
Можаро бирла муҳако ҳар тараф.

Бир-биридан ўтмади ул можаро,
Ҳар дам ошти можаро ул хайл аро.

Бўлдилар муҳтож охир ул гуруҳ.
Ким агар бўлса шаҳи соҳиб шукуҳ.

Ҳокими инсофлиғ доно диле,
Ҳуш ойин шаҳриёри одиле.

Етмагай аднодин аълоға шикаст,
Бўлмагай ашраф ахас оллинда паст.

Ҳар гуруҳ эрди ўзига чун азиз,
Истади борча шаҳе соҳиб тамиз.

Йўқлиғидин зору маҳзун бўлдилар,
Ҳар бир ўз ҳолига мағбун бўлдилар.

Яъс оҳангин тузуб тортиб навид,
Бўлдилар шаҳдин саросар ноумид.

Бу таабдин ҳар бири кўнглида тоб,
Ним билмис қушдек айлаб изтироб⁶⁴.

Адолатсизликдан азоб чеккан қушлар фарёд солишиб нажот йўлини қидириб кетадилар ва ниҳоят, ўзларининг аса маъно ва моҳиятларини тушуниб ҳамма нарса ўзларига, ўзларининг ҳаракатларига боғлиқ эканлигини англайдилар.

Бу шоир томонидан қилинган катта журъат эди.

Бир сўз билан айтганда, «Лисонут тайр» Навойнинг илғор ғояларини тарғиб қилувчи, мистик ақидалар оғусидан халқни огоҳлантирувчи, уни жаҳолатдан қутулишга чорловчи асардир.

«Лисонут тайр» дostonида ҳам Навоий асосий фикр ва маълум даъвони асослаш учун юксак бадий маҳорат билан ёзилган мазмунан жуда чуқур ҳар хил ҳажмдаги ҳикоялар бериб боради. Бу ҳикоялар орасида энг диққатга сазовори машҳур «Шайх Санъон» ҳикоясидир⁶⁵. Ҳикоянинг бош ғояси инсон севгисининг, сеvimли инсоннинг диний эътиқодлардан, ҳатто худо ғоясидан устун эканлигини, афзаллигини тараннум этишдир.

⁶⁴ Алишер Навоий, Асарлар, 11-том, 15—16-бетлар.

⁶⁵ Қаранг: А. Ҳайитметов, Алишер Навоийнинг Шайх Санъон ҳақидаги қиссаси, Алишер Навоий, Шайх Санъон, Тошкент, 1962, 5—12-бетлар.

НАВОИЙ НАСРИЙ АСАРЛАРИ

Навоий фақат ажойиб лирик шеърлар, улкан-улкан дostonлар ижод қилган шоиргина бўлмай, балки илму фан соҳасида қалам тебратиб, бир қанча йирик-йирик илмий асарлар яратган буюк олим ва бадиий проза устаси ҳамдир.

У қадимги ўзбек тилининг илк тадқиқотчиси сифатида «Муҳокаматул луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») номли асарини яратди¹.

Маълумки, феодализм даврида араб ва форс тиллари расмий, ҳукмрон тил бўлиб, бошқа тилларга эътибор берилмас, улар камситилар эди. Навоий даврида бу масала жуда кескин тус олади. Ўзбек тилида асар ёзиш баъзилар томонидан ёзувчининг қобилиятсизлигини кўрсатувчи аломат деб қараларди.

Навоий бошлиқ бир гуруҳ ёзувчи ва олимлар ўзбек тилининг ҳимояси йўлида изчил ҳаракат қилдилар.

Навоий ўзбек тилининг форс тилидан қолишмаслиги, баъзи жиҳатлар билан ҳатто ундан нафис ва устун эканлигини илмий исботлаб, ўзининг юқоридаги асарини ёзди. Бу асарида Навоий теурийлар сулоласи бошлангунга қадар бўлган даврларда ўзбек тилининг ривожини, ўзбек тили лексик составининг бойлигини ва унинг стилистик жиҳатдан форс тилидан ҳеч бир қолишмаслигини, унинг грамматик тузилишини, сўз ясалишини масалаларини устида муфассал тўхталиб ўтади. Ўзбек тилининг фонетик состави ҳақида, ундаги специфик хусусиятлар тўғрисида илмий фикрлар юритади.

Шундай қилиб, Навоий «Муҳокаматул луғатайн»да

¹ Қаранг: А. Усманов, «Муҳокаматул луғатайн» Алишера Навои (в аспекте его борьбы за узбекский язык и узбекскую литературу), Ташкент, 1948.

Ўзбек тили бой тил эканлигини, у ҳам бошқа тиллар қатори яшаш ва ривожланиш учун ҳуқуқли эканлиги, унинг нозик ҳамда пухталигини асослаб, маданий ва адабий ҳаётда бадий ва илмий фикрларни ифодалашда ажойиб восита бўла олишини назарий исботлаб берди.

Асарнинг сўнггида шоирнинг ўзи бу ҳақда қўйидагича айтади: «... туркий ва сарт лугати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисолаи жамъ қилиб битдим. Ва анга «Муҳокаматул лугатайн» от қўйдум, то турк эли тили фасоҳат ва диққати ва балоғат ва вусъатики, ... зоҳир қилдим. Ва хаёлимга мундоқ келурким, турк улуси фасихларига улуг ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборатлари ҳақиқати ва ўз тил ва лугатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсийгўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишдин қутулдилар»².

Ўзбек тилида ижод қилиб ўлмас лирик, эпик ҳамда прозаик асарлар яратиш билан Навоий ўз халқи тилининг қудратини, унинг кенг ва юксак имкониятларини амалда аъло даражада кўрсатиб ҳам берди.

Навоий адабий тил ҳақида гапирар экан, уни адабиёт ва поэзиянинг қуроли, поэтик ижоднинг формаси деб билди.

Шунинг учун ҳам Навоий ўзбек тили тараққиётини ўзбек адабиёти тарихи билан боғлаган ҳолда таҳлил қилади. Утмиш адабиётни ниҳоят даражада яхши билган Навоий ўз даври адабиётини ривожлантиришга ҳам қўлидан келганича ҳаракат қилган эди.

Алишер Навоий эпик ва лирик, илмий ва тарихий асарлар ижодкори бўлиши билан бирга буюк тазкиранавис ҳамдир.

Навоийнинг «Мажолисун нафоис» («Нафис мажлислар») номли тазкираси — антологияси ўша давр адабий ҳаётининг кўзгусидир.

Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» номли тазкираси бошқа тазкиралар орасида бир қанча принципиал масалаларда ажралиб туради³.

Навоий тазкирасининг энг диққатга сазовор хусусияти шундан иборатки, унда муаллиф адабиётга, уни

² Алишер Навоий, Танланган асарлар, 3-том, Тошкент, 1948, 208—209-бетлар.

³ Суййима Ғаниева, Давр адабий ҳаёти кўзгуси; Алишер Навоий. Мажолисун нафоис, Илмий-танқидий текст, Тошкент, 1961, 3—28-бетлар.

баҳолашга ўз даврининг энг илғор гуманисти сифатида ёндашган.

Асарда Навоийнинг адабиётни жамият, халқ хизматига қўйишга интилиши, адабиётнинг чуқур ғоявийлиги ва юксак бадийлиги учун курашиши, уни шу асосда ривожлантириш учун ҳаракат қилиши кўзга ташланиб туради.

Навоий тазкирасининг бошқа тазкиралардан яна бир фарқи шундан иборатки, унда Навоий замонасининг маданияти кенг акс эттирилгандир.

Маълумки, Навоий ўз тазкираси билан ўтмиш шоирлар хотирасини абадийлаштириш, ҳаёт бўлган қалам аҳлларини рағбатлантириш, айниқса ёш шоирларни илҳомлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу ҳақда Навоий тазкира муқаддимасида шундай деб ёзади: «...шикаста хотирга ва синуқ кўнгулга андоқ келдиким, бир неча варақ битилган ва бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу ниёзмандлар ҳам бурунги шуаро ақобири зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлига қўшулғайлар. Бу жиҳатдан султон соҳибқироннинг ҳумоюн валодатлари замонидин рўз афзун давлатлари даврониғачаким, қиёматқача барқарор ва олам инқирозигача пойдор бўлғай, улча фақир эшитибмен, аммо хизматлариға етмаймен ва улча хизматлариға етибмен, аммо ҳоло бу фано дорул ғуруридин бақо дорус суруриға интиқол қилубдурлар ва улча ҳоло бу фарруҳ замонда намояндадурлар ул ҳазратнинг зоти малаки сифати мадҳи сарояндадурлар жамъ қилилғай ва қайсининг натойинжики табъидин бирор нима нишона йўсуллуқ ёзилғай...»⁴ деб ёзган эди.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтилганидек, Алишер Навоий ўзининг бу ажойиб асарини ўз замондошларига бағишлади. Бу билан у тазкирачиликда янги давр очди. Ана шу жиҳатлари учун ҳам «Мажолисун нафоис» ёзилганидан сўнгги йилларда Шарқ мамлакатларининг шоирлари, тарихчилари, олимлари диққатини кўп мартабалаб ўзига жалб этиб келган.

Сафавийлар Эронда, Туркияда — усмонли султон-

⁴ Алишер Навоий. Мажолисун нафоис, Илмий-танқидий текст, Тошкент, 1961, 3—5-бетлар.

лар саройида, Шайбонийхон Мовароуннаҳрида тазкирага зўр қизиқиш билан қарадилар.

XVI асрнинг ўзида «Мажолисун нафоис» форс тилига уч марта таржима қилинди.

Биринчи таржима 928/1521—22 йилларда Ҳиротда Тохмасп шоҳнинг сарой шоири Фаҳри бен Султон Муҳаммад Амирий томонидан қилинган. Фаҳри ўз таржимасини сафавийлар сулоласининг асосчиси шоҳ Исмоилга, унинг иккинчи ўғли Сом — мирзо, Амирул-умаро Дурмишхон Шомлу ва вазир Қаримиддин Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишлайди. Охириги бобини эса Исмоил шоҳнинг вазири Мирзо Шоҳ Ҳусайнга бағишлайди.

Иккинчи таржима Истанбулда 929/1522—23 йилларда тугаллангандир. Мутаржимии Муҳаммад Қазвижий турк султони Салим I ва унинг вориси Сулаймон I нинг сарой табиби эди. У ўз таржимасини султон Салимга бағишлайди.

Учинчи таржима тахминан 1006/1598 йилда Шоҳ Али Абдулалӣ томонидан Нишопурда Динмуҳаммад ҳукмронлик қилган даврларда бажарилган. Бу таржиманинг тугалланмаган ягона нусхаси Британия музейида сақланади.

Биринчи ва иккинчи таржималар 1945 йилда Али Асқар Ҳикмат томонидан Теҳронда нашр этилган⁵. Ҳикмат китобга ёзган кенг сўз бошисида таржимонлар ва таржималарнинг бажарилган даври ҳақида маълумот беради.

«Мажолисун нафоис» ўзидан кейин яратилган тазкираларга чуқур таъсир кўрсатди. Ҳасан Нисорийнинг «Музақкирул аҳбоб», Содиқи Китобдорнинг «Мажмаул хавос»⁶, Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий», Фазлийнинг «Мажмуатуш шуаро», Табибийнинг «Мажмуатуш шуаройи Ферузшоҳий»лари «Мажолисун нафоис» таъсирида ёзилган.

⁵ А. К. Боровков, «Маджалис-ан-нафоис». Известия АН СССР, Отделение литературы и языка, 1947, т. VI, вып. 6, стр. 538; А. Н. Болдырев, Персидские переводы «Маджалис-ан-нафис» Алишера Навои. Ученые записки ЛГУ, Серия востоковедческих наук, 1952, № 128, вып. 3, стр. 151.

⁶ Содиқи Китобдор ва унинг бу асари ҳақида қаранг: Мақсуд Шайхзода, Устод санъатхонасида, «Шарқ юлдузи», 1966, № 12 (тўртинчи мақола), 218—232-бетлар; С. Фаниева, Навоийнинг «Мажолисун нафоис» асари таъсирида ёзилган тазкира, «Ўзбек тили ва адабиёти» журн., 1963, № 6.

«Мажолисун нафоис» 896/1490—91 йилда ёзилган. Асарнинг илмий танқидий текстини тайёрлаш жараёнида шу нарсаи аниқладикки, 903/1497—98 йилда Навоийнинг ўзи тазкирага янгиликлар киритган, яъни асарнинг иккинчи редакциясини амалга оширган.

Навоий тазкирани саккиз қисмга — «мажлисларга бўлади, жамъи 459 шоир ва адабиёт аҳллари ҳақида маълумот берди.

«Мажолисун нафоис» мундарижасидан шу нарса яққол сезиладикки, адабий ҳаётда жуда кўп кишиларнинг қатнашиши (уларнинг аксарияти профессионал шоир бўлмаса ҳам) Навоийга чуқур мамнуният бағишлар эди.

Алишер Навоий тазкирада шоирлар ижодини таҳлил қилиш, уларнинг асарларидан намуналар келтириш билан чеклаиб қолмай, умуман адабиёт назарияси, хусусан поэзия проблемаларини ўртага ташлайди ва ҳал қилиб ўтади.

Адабиётнинг асосий проблемаларидан бўлган шакл ва мазмун масалаларини Навоий диққат марказига қўяди ва бу ҳақда илғор фикрларни олға суради: у шаклнинг мазмундан устун қўйилишига қарши чиқади. Шунинг билан бирга шаклни менсимасликни ҳам қоралайди. Шакл мукамаллигини Навоий сўз санъаткорининг муҳим белгиси деб ҳисоблайди. Булардан келиб чиқиб Навоий шоирлар ижодига баҳо беришда фақат асарларнинг гоёвий мазмунигагина эмас, балки унинг бадиий маҳоратига ҳам алоҳида эътибор беради.

Навоийнинг шу масалалар юзасидан юритган мулоҳазаларини диққат билан ўрганиш шунини кўрсатадики, Навоий фикрича поэзия, умуман адабиёт юксак бадиий шаклсиз тасаввур қилиш қийин бўлган инсоният маданиятининг бир қисмидир.

Навоий ҳар бир шоир ижодига тамомила конкрет ёндашади, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида ҳам конкрет хулосалар чиқаради. У шоир камчиликларини кўрсатибгина қолмай, гениал санъаткор сифатида йўл қўйилган хатоларни тузатиб кетади, бошқа сўз билан айтганда, қандай яхши ёзиш керак деган саволга жавоб бериб боради. Бу фикримизнинг далили учун Навоийнинг Риёзий деган шоирга берган характеристикасидан кейин унинг ижоди намунаси сифатида келтирган шеърини оламиз:

Ситараест дурри гӯши он ҳилол абрӯ,
Зи рӯйи ҳусн баҳуршед мезанад паҳлӯ⁷.

(У ҳилол қошли гӯзал қулоғидаги инжу — юлдузлар, ҳусн юзасидан қуёш билан ёнма-ён турибди).

Навоий бу байт мисралари ўзаро боғланиши учун бир боғловчи зарурлигини таъкидлайди ва байтни қуйидагича таҳрир қилади:

Зи рӯйи ҳусн дурри гӯшпи он ҳилол абрӯ,
Ситараестки, бо моҳ мезанад паҳлӯ.

Яъни: Ҳусн юзасидан ул ҳилол қошлининг қулоғидаги инжу шундай бир юлдузки, у ой билан ёндашиб туради.

Навоий вариантида ўхшатиш ҳақиқатга монанд келади, зотан «юлдуз қуёш билан қўшни» (Риёзийда) эмас, «Юлдуз ой билан қўшни» дейилса, мантиқан ва воқеан тўғри бўлади.

Шундай қилиб, Навоий бу асарида ўз даврининг адабиёти тарихчисигина эмас, балки назариётчиси сифатида ҳам намоён бўлади.

Навоий шоирлар ижодига ва фаолиятига баҳо беришда уларнинг ёлғиз бадий ижоди билангина қизиқиб қолмайди. У жамиятга фойда келтирувчи фан ва маданият соҳасида ҳар томонлама кенг маълумотга эга бўлган истеъдодли кишиларни юқори баҳолайди. Бу билан у кишиларни фақат поэзияни эмас, фанни, касб-ҳунарни атрофлича эгаллашга даъват этади. Бу ўринда Навоийнинг Ҳирот шоири Биноийга берган характеристикаси мароқлидир: «...Бағоят қобилияти бор, аввал таҳсилга машғул бўлди, анда рушди бор эрди... хатқа ишқ пайдо қилди, оз фурсатда ободон битди. Анди: сўнгра мусиқий фанига майл кўргузди, бот ўрганиб, хеле ишлар тасниф қилиб рисоалар дағи адворда битиди...»⁸.

Навоий шоирларга баҳо беришда уларнинг маънавий қиёфасига алоҳида диққат билан қарайди. Улардаги нуқсонларни — ичкиликка берилиши, фитна-фужурга мойиллик, безориликни қаттиқ танқид қилади, яхши хусусиятларни — софлик, олижаноблик, меҳнатсе-

⁷ Алишер Навоий, Мажлисун нафоис, Илмий-танқидий текст, 70-бет.

⁸ Алишер Навоий, Мажлисун нафоис, Илмий-танқидий текст, 88-бет.

варлик, одоб — тавозелик ва бошқаларни улуғлайди, кўкларга кўтареди.

Маълумки, Навоий замонида ҳукмрон бўлган феодал-клерикал реакция вакиллари илғор фикрли кишиларга қарши аёвсиз кураш олиб борар эди. Улар бундай кишиларга нисбатан чексиз нафрат билан қарар эдилар.

Навоий улардан фарқли ҳолда ҳукмрон идеологияга қарама-қарши фикрлар баён этувчи кишилар ҳақида ҳам объектив равишда тўхтаб ўтади. Айрим ҳолларда буларга нисбатан хайрихоҳлик ҳам билдиради. Мисол тариқасида исломга тил теккизиб шеър ёзган шоирлар ҳақидаги фикрларини келтириш мумкин:

«Мавлоно Ҳусайн Хоразмий — ... Мавлонони Шоҳ-руҳ мирзо замонида бир ғазал учун такфир қилиб, Хоразмдин Ҳириға келтирдилар, чун донишманд ва истилоҳ билур киши эрди ҳеч нима собит қила олмадилар, қайтиб ўз мулкига кегди ва ул ғазалнинг матлаи будурким:

Эй дар ҳамаи олам пинҳон туву пайдо ту,
Ҳам дарди дили ошиқ, ҳам асли мудово ту».

Таржимаси:

Эй бутун оламга яширин ҳам, ошқора ҳам ўзингсан;
Ошиқ дилининг дарди ҳам (ул дарднинг) асл давоси ҳам
ўзингсан.

Шайх Озарий Ҳиндистонга қилган сафарида «Гулбарга» подшоҳи унга «бир лак ёрмоқ таклифи қилади» ва буни олишда ҳиндлар одати бўйича ерга бош қўйишни ҳам таклиф этадилар. Лекин шайх бунга рози бўлмайди.

Навоийнинг Озарийга берган характеристикаси ҳам катта хайрихоҳлик юзасидан ёзилганлиги сезилиб туради:

Булар ва буларга ўхшаш тазкирадаги моментлар эркин фикрнинг ўсишига яхши тарғибот бўлиб хизмат қилганлиги шубҳасиздир.

«Мажолисун нафоис»да Ҳирот шаҳари ҳунармандлари кенг ўрин эгаллайди. Булар ҳақида Навоий сами-

⁹ Алишер Навоий. Мажолисун нафоис, Илмий-танқидий текст, 9—10-бетлар.

мий муҳаббат билан ёзади: косагарлар Машриқий, Саидий, Ҳамдамий, жомабоф Нажмий, ҳалвогар Офатий, кўфтгар — металлга зарб чекувчи Мир Ҳошимий, камонгарлар Бақоий, кордгар — пичоқчи Устод Муҳаммад Убаҳий, кафшдўз Тоҳирий, киссадўз Зайн, ҳаймадўз — чодир тикувчи Арғун, дарзилик қилувчи — тикувчи Ховарий, хиштомлик (ғишт қуйишлик) санъатига мансуб Дарвеш Деҳақий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Адабий ҳаётда фақат ҳунармандларгина эмас, тазкира материаллари, шунингдек, ўрта аср шаҳарлари учун характерли бўлган бошқа касб эгалари ҳам фаол қатнашганини кўрсатади.

Булар мадраса мударрислари — олим Бурҳониддин, машшоқ, композитор, музыка назариячилари — номини айтиб ўтганимиз Биноий, Солимий, Шайхий, Қамолиддин Удий, Қулмуҳаммад, табиблар — Дарвеш Али, Шомий, хаттот — каллиграфлар Жамшид, Мажнун, Султон Али Машҳадий, Султон Али Қоиний, астроном Кавкабий, кимёгар — алхимик Абдуқаҳҳор, наққош Хавоий, Ёрий ва бошқалар.

Шоирлар орасида савдо-тижорат ишлари билан шуғулланувчиларни ҳам кўраимиз. Ғазл [йиғирилган ип] фуруш шоирлар Қабулий, Зулолий ва ҳоказо.

Шундай қилиб, шаҳарлилар адабий ҳаётнинг кенг ва фаол қатнашчилари бўлган.

«Мажолисун нафоис» ўша даврда адабиётда қандай жанрлар ва шеърӣ формалар мавжуд бўлгани ҳақида маълумотлар беради. Масалан, маснавий, ғазал, сатира, қасида, рубоӣ, қитъа, муаммо ва бошқалар.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаб ўтмоқ лозимки, муаммо ва мақлуби муставӣӣ (полиндром) каби поэтик турларда ижод этишни Навоӣӣ адабиётнинг тушқунлиги белгиси деб қарамаган. Баъзи олимлар XV асрда адабиёт соҳасида мазкур турларнинг равнақ топганини, шоирлар сонининг кўп бўлишини маданиятнинг, жумладан, адабиётнинг равнақи эмас, балки унинг таназзулини кўрсатади, деган хулоса чиқарадилар. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, зотан Навоӣӣ тазкирасида келтирилган маълумотлар ва ўша давр Ҳирот адабий муҳити Навоӣӣ, Жомӣӣ, Биноӣӣ, Қотибий ва бошқа қатор улкан сўз санъаткорларини етиштирганини назарга олсак XV асрнинг иккинчи ярмида адабий ҳаёт кенг равнақ топганини кўрсатади.

Навоий бу асарида ўз даврида адабий фаолиятнинг интенсивлиги манзарасини чизиб беради. Адабий ҳаётнинг бу интенсивлиги, биринчидан, адабий ҳаётда қатнашган шоирларнинг сони кўп ва социал состави рангбаранглиги билан, иккинчидан, бу фаолият тор поэтик тўғарак, мактабда ёки бирон адабий анжуман доирасида эмас, балки кўп кишилар орасида — бозор, кўча, майдонларда, кўпчилик қатнашган зиёфат, мажлисларда, саройда ёки зодагонлар уйида, умуман маълум маънода, катта аудиторияда ижодий жараёнга айланганлиги билан, учинчидан, адабиётда жуда кўп ва ҳар хил поэтик жанрлар яшаши ва ривожланиши билан характерланади.

Лекин «Мажолисун нафонс» ўша давр адабиётининг, жумладан поэзиянинг ғоявий мазмуни ҳақида тўла маълумот бермайди, зотан Навоий «ҳар қайсининг натойижи таъбидин бирор нима нишона йўсунлуқ...» қилиб беришнигина кўзда тутган эди.

Тазкирада шоирлар ижодидан берилган намуналар Навоий фикрича, ўша шоирнинг ижоди учун характерлидир. Уларни танлашда Навоий ўзининг танқидий қарашларидаги илғор позициядан келиб чиққан.

Масалан, Қобилий деган шоир ижодидан келтирилган намунадан сўнг Навоий: «Иттифоқо бу шеъри билан ўзин ҳажв қилибдурким, бовужудиким, ҳеч мазаси йўқтурур қофияси ҳам ғалатдир»,— деб ёзади. Бу билан шеърга ва шоирга бўлган ўзининг танқидий фикрини очиқдан-очиқ ифода қилади.

Тазкиранинг бошқа бир ерида Навоий Али Оҳий номи шоир ҳақида ёзиб, унинг «Хамса» типидида бир неча маснавий яратганини қайд қилади ва «Хаёл ва висол» китобидан бир байт келтириб, уни ғойибдан илҳом берувчи ўз шеърлари хусусида тилига солган, дейди Навоий Мана ўша шеър:

Шеърки, бувад эн нукта сода,
Монад ҳама умр як савода¹⁰,

яъни агар шеър нозик маънодан холи бўлса, бутун умр бўйи бир қоралик бўлиб қолади (ёки: кўчирилмаганича — черновиклигича қолади).

¹⁰ Алишер Навоий, Мажолисун нафонс, Илмий-танқидий текст, 21-бет.

Баъзан Навоий шеърлар ҳақидаги ўзининг салбий фикрини имо-ишора, киноя ва истеҳзо билан билдиради. Сайид Қутб Лакаданг, Мир Ҳусайн Бовардий, Сайид Қуразо шеърлари ҳақидаги фикрлари бунга мисол бўла олади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай салбий баҳоланган шеърлар тазкирада кам учрайди, кўп ўринда Навоий ижобий характердаги намуналарни келтиради, уларни мақтайди, шеърда ифодасини топган нозик фикрларга алоҳида эътибор беради.

Шоир Бисотийнинг:

Дил шишау чашмони бу ҳар гўша барандаш,
Мастанд мабодоки, баногаҳ шиканандаш.

(Дил шишадур, кўзларинг уни ҳар томонга олиб борадилар. Улар мастдирлар, мабодо ногоҳ уни (яъни дилни) синдириб қўймагайлар).

Мирсаиднинг:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқинда хумори ёзасиз.
Гар мен ўлсам турбатимнинг тошига,
«Қуштаи бир шўх эрур» деб ёзасиз¹¹.

Гадоийнинг:

Оҳким, девона кўнглум мубтало бўлмиш яна,
Бу кўнгулнинг илғидин жонға бало бўлмиш яна¹².

Лутфийнинг:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур қуйи¹³.

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба жои моҳ дар бар офтоб¹⁴.

(Тунга ўхшаш зулфингдан қуёш (юзинг) сояпарвардир. Шом каби зулфингда ой нурига қуёш чиққандир).

Мирзобекнинг:

Қўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким, жонға қаро бало бўлубтур¹⁵.

¹¹ Алишер Навоий, Мажолисун нафонс, Илмий-танқидий текст, 14-бет.

¹² Уша асар, 79-бет.

¹³ Уша асар, 126-бет.

¹⁴ Уша асар, 73—74-бетлар. Навоий бу истеъдодли шоирни ўз шеърларини йиғмаслигидан ва баъзи байтларини эса тугатмаслигидан ранжиб сўзлайди. Бу байтни Навоий шу шоир хотираси учун тугатиб, ўз девонига киритганлигини қайд қилиб ўтади.

¹⁵ Уша асар, 80—81-бетлар.

Шоҳ Ғариб Мирзониинг:

Порсо ёримга май шиор ўлмиш яна,
Баски тортарман сабў, эғним фиғор ўлмиш яна.

ва

Дўстон, ҳар гаҳ гузар сўи мазори ман кунед,
Жои такбирам дуои жони ёри ман кунед¹⁶.

(Дўстлар, баъзан мазорим томон келиб туриинг, менга фотиҳа ўқимангиз, ёримнинг дуои жонини қилинги) каби шеърлар ўз ижодкорларининг нозик истейдод ва қобилият эгаси эканликларидан далолат беради, дейди Навоий.

Алишер Навоий ўзга шоирлар шеърини ёки улар ишлатган нозик фикрларни ўзиники қилиб кўрсатувчи сохта шоирларга — плагиаторларга аёвсиз эди. Уларни бундай ёмон одатни тарк этишга чақиради. Масалан, ҳиротлик «Наргисий» тахаллусини кейинчалик «Оҳий»га ўзгартирган шоир ҳақида маълумот бера туриб, унинг қаерда бирор гўзал сўз ёки нозик маъно учратса, дарҳол истифода этиш одати борлигини айтади ва тахаллусини ўзгартиргани каби бу одатини ҳам шояд ўзгартса, деган орзуни билдирди.

Тазкирада, шунингдек, пул бериб ўз номидан шеър ёздирувчи бир «шоир»ни Навоий ғазаб билан тилга олади.

Навоий ҳар ишда бўлганидек, ижодий ишда, санъат ва шеърятда ҳам виждонли бўлишни, юксак ҳиссиётга монанд нарсалар яратиш зарурлигини, ҳар бир ижодкорнинг ўз мустақил қалами бўлишлиги кераклигини таъкидлайди.

«Мажолисун нафоис» асари айниқса унда халқ орасидан чиққан, меҳнат аҳлига мансуб бўлган шоирлар ҳақидаги маълумотлардан, Навоийнинг уларга бўлган муносабатидан асарнинг халқчиллик тенденциясида ёзилгани равшан кўринади. Навоий юқори табақадан чиққан баъзи шоирларни халққа зулм ўтказганлиги, ахлоқий ярамаслиги, шеърларининг ҳам ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаганлиги учун қоралайди. Масалан, Сонийи деган шоирнинг вазирлик лавозимидан фойда-

¹⁶ Уша асар, 204-бет.

ланиб халққа зулм ўтказгани ҳамда баднафслиги учун қатл қилинганлигини Навоий қониқиш билан тазкирада шу шоирга берилган характеристикага илова қилади. Золимликда ундан ҳам ўтадиган, вазир бўлиб олиб халққа зулм ўтказишга бел боғлаган Хожа Мусайябнинг қазо топгани ва эл унинг бедодликларидан халос бўлганини Навоий хурсандлик билан қайд қилиб ўтади.

Тазкирада муаллиф ҳаётда жуда кўп учраб турадиган сатирик ва юмористик ҳодисаларга, кулги ва истеҳзо йўли билан ҳам салбий воқеаларни фош қилиш, койиш, ҳам кўнгил очиш моментларига аҳамият берганки, бу Навоий шеърининг оптимистик бўлишлигига катта эътибор қилганлигини кўрсатади. Бу фикрни тасдиқловчи мисоллар тазкирада анчагина бор.

Навоий «Мажолисун нафоис»да шоирларга характеристика беришда уларнинг ҳаётини, инсоний қиёфасини, баъзи ўринда тақдирини, моддий аҳволини талқин этишга, бинобарин, шоирнинг ижоди, ҳаётини замон, сиёсат, ижтимоий воқеалар билан бирга олишга, баҳолашга ҳам интилади.

Бу билан Навоий маълум даражада ўз даврининг ижтимоий ҳаёт лавҳаларини чизиб берганки, бунда тазкиранинг реалистик руҳи яққол сезилади.

Масалан, Навоий Муҳаммад Солиҳ ҳақида ёзар экан, унинг Темурийларнинг душманлари томонига ўтганини ва баъзи нияти бузуқ суҳбатдошлар уни йўлдан урганини айтиб ўтади. Хожа Афзал, Олим каби донишманд ҳамда шоирларга берилган характеристикаларда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг вазири Маждиддин Муҳаммаднинг мамлакат сиёсий ҳаётида салбий роль ўйнаганлиги, халқ ва кўп яхши одамлар бошига беҳад мусибатлар солганлиги тўғрисида тўхталиб ўтади. Навоий унинг фаолиятини қоралайди.

Алишер Навоийнинг бу асари шоир даври адабий маҳсулотидан келтирилган қимматли намуналар ва шоирларга берилган ҳаққоний характеристикалар билан юксак аҳамият касб этган асардир. Бу тазкирада номлари келтирилган кўп шоирларнинг асарлари бизгача етиб келмаган, бу жиҳатдан «Мажолисун нафоис» бирдан-бир манбадир, шу билан ҳам у жуда аҳамиятлидир.

Адабиётга янги кириб келаётган шоирларга ғамхўрлик қилиш, уларга талабчанлик билан қараш, уларнинг ижодларини тўғри йўналтириш олим ва устоз Навоий-

нинг ажойиб фазилати эдики, буни ҳам у ўзининг шу асарида муҳим масалалардан бири қилиб қўйган эди.

Бу асар кейинги давр шоирлари учун ҳам катта мактаб бўлди, адабиёт назарияси ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Навоийнинг «Мезонул авзон» («Вазнлар тарозиси») номли китоби шеърда вазн тузилиши системаларидаги бири — аруз назариясига бағишланган¹⁷. Бу асарда Навоий аруз илмининг проблемаларини ўзбек тилида янги талқинда оммалаштириш ва уни бойитишни ўзига мақсад қилиб қўяди.

Асарда Навоий арузнинг маълум қоидаларини тушунтириш билан бирга, ўзбек поэзияси ва фольклорининг бир неча юз йиллик тажрибалари устида илк тадқиқот олиб бориб, аруз илмига тўққизта янги вазн ва шеърини шакл киритади. Улар ичида қўшиқ ва тўй ҳамда бошқа маросимларда айтиладиган лапарлар каби халқ поэтик ижоди шакллари бор.

Навоийнинг умри охирида яратган «Маҳбубул қулуб» асари мураккаб шароитда, мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган улуғ шахснинг ҳаётини мушоҳадалари, ўша давр социал гуруҳларининг фаолияти ҳақидаги фикрлари йиғиндисини, хулосасини акс эттирувчи асардир.

«Маҳбубул қулуб» уч қисмдан иборатдир. I қисм ўз навбатида 40 фаслга бўлинади, унда кишилар аҳволи, феъл-ҳаракат ва сўзларининг кайфияти баён этилади. II қисм 10 бобдан иборат бўлиб, унда яхши феъл, фазилатлар ва ёмон хислатлар тўғрисида фикр юритилади. III қисмда Навоий турли фойдали сўзлар, мақол ва масаллар келтиради.

Бу асар Навоийнинг аввалги асарлари билан таққосланса муаллифнинг айниқса ғоявий эволюцияси ва шу асосда унинг дунёқараши чўққисини кўрсатиб берадиган асардир.

«Маҳбубул қулуб» ўз моҳияти эътибори ила зўр фозил эътибори кучига, хусусиятига, фаол ва исёнкор характерга эга бўлган, даврнинг барча ижтимоий ва назарий масалаларини қамраб олган социологик, фалсафий трактат бўлиши билан бирга, айна замонда Навоийнинг

¹⁷ Қаранг: И. Султонов, «Мезонул авзон» ҳақида, Алишер Навоий, Мезонул авзон, Тошкент, Ўздавнашр, 1949, 46-бет.

умуман бадний маҳорати, хусусан, проза соҳасидаги маҳорати хусусиятларини ўзида акс эттирган асардир.

Бу асар мазмуни шуни кўрсатадики, Алишер Навоий умр бўйи кечирган ғоят оғир азоб-уқубатларга қарамасдан ҳаётининг охирида ҳам оптимист, фаол мубориз — курашчи бўлиб юксак гуманистик идеалларга содиқ қолади.

Инсонни улуғлаш, инсон ҳақида қайғуриш, унинг дардини чекиш, уни бахтли-саодатли қилишга уриниш, ҳақиқий инсонийликка зид бўлган иллатларни нафратлаш, йўқотишга интилиш бутун асар бўйича энг характерли ва бош хат бўлиб ўтади. Муҳими шундан ҳам иборатки, инсонга бундай муносабат албатта халққа ва Ватанга шундай муносабатни ўз ичига олади. Зотан, инсонни улуғлаш ва у ҳақда қайғуриш, халқ ва Ватанни улуғлаш ва улар ҳақида қайғуриш ҳам демакдир. Бинобарин, инсонпарварлик, халқпарварлик ва ватанпарварлик бир-бирини тақозо қилиб, бири иккинчисидан келиб чиқиб, бир-бири билан чатишиб кетиб маълум маънода бир бутунликни ташкил этади.

Навоийнинг ўзи асарни қандай улуғвор мақсадда ёзганлигини унинг аввалида:

Ғаҳ топтим фалақдин нотавонлиғ,
Ғаҳ кўрдум замондин комронлиғ.
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда¹⁸.

сатрларида ғоят лаконик тарзда ифодалаган жуда мураккаб ва оғир ҳаёти картинасини чизиб бергандан сўнг бу асарда умр бўйи тўплаган тажрибалари хулосасини баён қилганлигини улар одамларга ўрнатиб бўлиши, яхшилик ва ёмонликни белгилашда, гўзалликни ардоқлаш, яхшиликка интилиш ва ёмонликдан қочишларида, воз кечишларида дастуриламал бўлишини кўзда тутганлигини айтади.

Энг характерлиси ва муҳими шуки, ушбу сўзларни айтгандан кейин ҳамда ушбу мақсадда Навоий дарҳол, бевосита ўз давридаги деярли барча ижтимоий гуруҳ ва табақаларга характеристика беришга ўтади ва уларнинг қайси бири нима учун яхши ва қайси бири нима билан, нима учун ёмон, инсонийликка, халққа, мамла-

¹⁸ Алишер Навоий, Асарлар, 13-том, 7-бет.

катга зарарли эканликларини аввалги асарларидагига қараганда кенгроқ ва чуқурроқ баён қилади.

Навойий синфлар ва улар орасидаги синфий курашнинг моҳиятини билишга қадар ета олган бўлмаса-да, лекин бу соҳада ўз даврида қай даражада мумкин бўлса, шу даражада энг илғор фикрини ифодалаган эди. У жамиятдаги одамларни маълум ижтимоий гуруҳларга бўлади ва ўз даврида мавжуд бўлган бу гуруҳларнинг барчасини қамраб олади. Энг муҳими шундан ҳам иборатки, одамларни ижтимоий гуруҳга бўлишда ва уларга характеристика беришда, уларнинг халқ ва мамлакатга, шу халқ ва мамлакатнинг манфаати ва фаровонлигига муносабатига қараб иш кўради, шунга қараб белгилайди. Яна энг муҳими ва алоҳида диққатга сазовори шундан иборатки, ижтимоий-фойдали меҳнатни ва унинг аҳлларини, хусусан деҳқонларни барчадан юқори қўяди. Шуларнинг тафсиллиги ўтсак, мухтасар ҳолда қуйидагиларни айтиш мумкин. Навойий асарнинг шу қисмини шоҳларга характеристика беришдан бошлайди. Бу тасодифий эмас. Муаллиф ўз даври савияси ва дунёқарашининг чекланганлиги тақозоси билан шоҳларнинг жамиятдаги ролини кўпинча мустасно деб билган. Шоҳ яхши, адолатли бўлса мамлакат обод, халқ фаровон бўлади. Унингча аксинча бўлса ҳамма хароб бўлади. Шунинг учун Навойий аввалги асарларида ўз тушунчасидаги идеал шоҳ образини кўкларга кўтаради, золим шоҳларни эса ғоят кескин танқидга учратади. У, авваллар баъзан йўл-йўлакай бўлса-да, умуман шоҳлар мамлакат ва халқлар бошига битган балодир деган фикрни ҳам айтган эди.

«Маҳбубул қулуб»да эса Навойий ўзининг идеал шоҳ ҳақидаги таълимотига содиқ қолади. Лекин энг муҳими шундан иборатки, юқорида айтганимиздек, бу асарда, муаллиф одил ҳоким, идеал шоҳ ҳақидаги таълимотини бойитади, конкретлаштиради ва катта ҳақиқатга яқинлашади. Навойий одил ва идеал шоҳ образини шундай чизадикки, уни синчиклаб тахмин қилган одамда ўша замонларда шундай шоҳнинг бўлиши мумкин деган фикрнинг пуч эканлиги ҳақида тасаввур туғилади. Одил шоҳ характеристикасидан кейин муаллиф золим шоҳга ўтади. Бу ерда, аввалгиларга қараганда унинг золим шоҳлар ҳақидаги фикри анча мукаммаллашган, конкретлашган, чуқур ифодаланган. Муаллиф ўз даври

шароити имконият берган даражада феодал ҳукмдорининг типик образини анча атрофли ва аниқ яратишга етиб келади ва шундай ҳокимларга чуқур нафрат уйғотиш мақсадига нойил бўлади. Сарой аҳллари, шоҳ атрофидаги мансабдорларнинг характеристикасини беришда ҳам, уларнинг жамиятдаги тутган ўрни ва ролларини белгилашда ҳам шу юқоридаги одил ва золим шоҳлар ҳақидаги концепциясидан келиб чиқади.

Шоҳ ва унинг одамлари ҳақидаги бу айтилганлар билан алоқадор ҳолда Навоий ўз даврида мустасно аҳамиятга эга бўлган яна бир масала ҳақида жуда муҳим ва чуқур маъноли фикрлар баён этади. Бу — ақлга мувофиқ ва номувофиқ урушлар масаласи. Навоий ақлга номувофиқ урушни ва шу уруш ташаббускорларини қаттиқ қоралайди ва шуларга қарши очилган уруш ва уруш ташаббускорларини оқлайди. Унингча ақлга номувофиқ уруш бу ғаратчилик, босқинчилик, бошқа мамлакатнинг осудалигини бузиш ва уни талон-торож қилиш, ичда эса мамлакатни бўлиб ташлайдиган, вайрон қиладиган, аҳоли бошига кулфатлар соладиган урушлар, яъни босқинчилик ва принципсиз урушлар, ихтилоф ва қонли тўқнашишлардир. Ақлга мувофиқ урушлар эса ана шу типдаги урушларга қарши очилган ва очилиши зарур бўлган урушлардир.

Навоий биринчи типдаги урушларни ва уларни олиб борадиганларни кескин танқид остига олади. Иккинчи типдаги урушларни эса ақлга мувофиқ ва, бинобарин зарурий дея оқлайди, асослайди. Шундай қилиб, бу масалада ҳам муаллиф пассив бўлмасдан ўз даврининг фаол ва жанговар фарзанди бўлиб намоён бўлади.

Синфий антогонизм асосига қурилган ҳар қандай жамиятда бўлганидек, Навоий даврида ҳам савдогарлар жуда катта мавқега эга бўлиб, маълум маънода жуда муҳим роль ўйнар эдилар. Уларнинг ўрни ва роли бевосита моддий бойликларни ишлаб чиқарувчилар билан уларни истеъмол қилувчилар орасида воситачиликда кўринади. Бу савдогарлар фаолияти учун энг характерли нарса қаллоблик, икки томонни ҳам алдаш, икки томонга ҳам хиёнат қилиш ва шу асосда паразитик бойлик тўплаш ва уни жамиятга, бевосита ишлаб чиқарувчиларга ва истеъмол қилувчиларга қарши қўйишликдир. Бундайлар одатда ўта хасис ҳам бўладилар. Савдогарларнинг шу характерли «хосият»ларини яхши

тушунган Навоий шунинг учун уларни кескин танқид қилади. У айтадики: «Савдогар бир дурр учун ўзини наҳанг оғзига ташлаши ҳам мумкин. Азиз жонини аямай чопон киймасдан юради, овқат вақти қуруқ нонгина ейди ва шундай қилиб у молини асраб ўзини хор этади».

Навоий бу юқоридагилардан бошқа ижтимоий гуруҳлар ҳақида ҳам (қозилар, садрлар, ҳар хил адабиёт ва санъат аҳллари) гоят чуқур маъноли ва фойдали фикрларни баён этади. Уларга баҳо беришда ҳам халқ ва мамлакат манфаатларига муносабатларидан келиб чиқади. Чунончи, илм аҳлларини жуда эъзозлайди, шу билан бирга илми бору ундан жамоатга фойда бўлмаган илм аҳлларини қоралайди. Санъат ва санъат аҳллари кўкка кўтаради.

Навоий ёзади: шодликни оширувчи хонанда, ғамни дафъ этувчи созандадур. Санъаткор гўзал соз чалиб, ёқимли, ашула айтганда, эшитувчининг ҳаёти, жони унга фидо бўлса не ғам! Яхши чолғувчидан кўнгилга қувват, хушовоз ҳофиздан руҳга озиқ етишади. Ҳар бир созанданинг сози дардлироқ, хазинроқ бўлса, ундан ярали юраклар чуқур таъсирланади. Най садоси ўзининг дилкашлиги билан ҳалок этиши мумкин. Гижжакнинг чўзиқ нолаши май ҳавосини бошидан чиқарган кишига бундай қилмасликни илтижо қилиб ёлворгандек бўлади. Танбур пардасининг чертилиши тинчлигинг ва ҳузурингга фитна солади, чангнинг зорланиши, рубобнинг бошни ерга қўйиб афгон чекиши, уд, қонун, чағона (чолғу асбоблари — С. Ғ.)ларнинг нола қилишлари ақл ва ҳушдан зойил қилгудек қудратли ва таъсирли. Лекин Навоий, санъатидан шахсий манфаат учунгина фойдаланадиган ва чолғучилик қилиб жамоатни ранжитадиган ҳофиз, хонанда ва созандаларни кескин танқид қилади.

Аммо,— дейди Навоий,— бу гуруҳнинг паст ва тиламчи намояндалари ҳам бор. Улар ялинтириб-ёлвортириб ва айлантириб-ўргилтириб бирор нарса чалиб ё айтиб берадилар. Илтимос қилувчида бахшиш ва инъомлари бўлса улар хизматга шай турадилар. Агарда мажлисда нозу неъмат мўл-кўл бўлса улар учун барча хоҳишларинг мақбулдур, бордию базмда маишат озроқ бўлса уларнинг иши нозу қинқайиш бўлади. Неъматлар тамом бўлдими уларнинг кўнгли сендан қолиши аниқ. Оз берсанг ерга урадилар, кўп берсанг қадрламайди-

лар. Уларнинг кўпчилиги бадфеъл, қинғир, қайсар ва қўпол. Ҳаракатлари ва сўзлари беҳуда, мавридсиз нозларидек беъмани ва тутуруқсиз.

Навоий бу асарида ҳам риёкор шайх ва мунофиқ дин арбобларининг ҳақиқий башараларини очиб ташлайди: Булар,— дейди Навоий,— ташқи кўринишдагина яхшиларга ўхшайдилар. Улар олтин каби ялтирайдиган мисни эслатадилар. Уларнинг кароматлари ҳийла ва найрангдан иборатдир. Саллалари салобатли бўлса-да, бошларидаги ифлос хаёллари сочларининг тукидек кўп. Эгниларидаги ридолари (чодирлар — *C. F.*) айбларини беркитувчи парда бўлиб, уларнинг ҳар торини риё чархи йигиргандир. Улар эл кўрсинга найрангбозлик тасбеҳини ўгириб узундан-узун намоз ўқийдилар. Тўхтовсиз ўқиган калимотлари ҳийла, барча ҳаракатлари ёлғон. Яна қизиги шуки, бу нопокларнинг муридлари ҳам бор. Улар шундай усталик билан иш юритадиларки, шайтонлар ҳайратда қолади, ҳатто лаънати девлар улардан ҳам ибрат олса бўлади.

Асарнинг энг гўзал фазилатларидан бири ундаги ниҳоят даражада лакониклик — оз сўз билан кўп маънони билдиришликдир. Аксар жумлаларнинг том маънодаги афористик характерга эгалигидир. Уларнинг ҳар бири жуда зўр мантиқий кучга, эмоционал таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб кўпчилиги энг бой ҳикмат қаймоғидир, донолик намунасидир.

Кўп дегучи, кўп егучи — томуғ тўрига ошуқуб кетгучи.

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳҳатқа боис.

Оғизга келганни демак нодон иши ва олиға келганни емак ҳайвон иши...

Билмаганни сўруб ўрганган олим ва орланиб сўрмаган ўзига золим.

Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра йиғилиб дарё бўлур.

Баъзан бутун бир абзацдаги барча жумлалар афористик характерга эгадир:

«... Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била дегил. Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтган сўзлари бут. Сўзни кўнглунгда пишқормагунча тилга келтурма, ҳар неким кўнглунгда бўлса тилга сурма. Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма».

Ниҳоят шуни ҳам айтмоқ лозимки, «Маҳбубул қулуб»да унинг бадиий қиммати ва фазилатини орттирадиган ҳикоятлар бор. Улар ғоят гўзал ва ибратлидирлар.

Мисол тарзида «Муқбил ва Мудбир» ҳақидаги ҳикоятни келтирайлик:

Бир ов пайтида Хисрав Парвезнинг тожидан қимматбаҳо гавҳари тушиб йўқолади. Бундан хабардор бўлингач, бутун халойиқни гавҳарни топиш учун биёбонга чиқаради. Бир мулк хирожига тенг бу гавҳарни топган кишига талай ҳадъя ваъда қилинади. Иттифоқо икки ҳамроҳ бири ғофил Мудбир ва бири огоҳ Муқбил гавҳар ахтараётганлар қаршисидан чиқиб қоладилар. Мудбир такаббурлиғ қилиб халқни бошлаб чиққан кишига — солорға қарамай ўтиб кетаверади, Муқбил эса у киши қаршисида бош эгиб адаб ва тавозуъ билан таъзим бажо келтиради. Шунда ва шу туфайли унинг кўзи ерда ётган гавҳарга тушади, уни олиб солорға узатади. Хисрав Парвез Муқбилга ваъда қилинганидан кўра кўпроқ эҳсон қилади¹⁹.

Кўриниб турибдики, бу билан Навоий одоб ва тавозени инсон учун энг зарурий, фойдали безакдир, ажойиб фазилатдир деб ардоқлайди.

Навоий бу асарда ўзининг фалсафий қарашларини ниҳоят даражада мураккаб поэтик приёмлар билан ифода этган. Унинг дунёқарашида ўз даври савиясидан жуда юксакликда турган илғор ғоялар билан бир қаторда, замонининг оддий кишисидек қоронғилик асири қилиб кўрсатувчи маҳдудликлар, зиддиятлар ҳам мавжуд. Бу шоир яшаган давр, ундаги ҳар жиҳатдан қолақлик, зиддиятлар, мудҳиш замон ва унда ҳоким машъум идеологиянинг шу давр фарзандига қилган таъсири сифатида изоҳланади. Бу ўрта аср нуроний сиймосининг чуқур руҳий драмаси билан шарҳланади.

Алишер Навоий мемуар жанрида ҳам қалам тебратган. У ўзининг улкан дўсти ва ҳамкори Абдураҳмон Жо-

¹⁹ Алишер Навоий, Асарлар, 15 томлик, 13-том, 40—4 бетлар.

нийга атаб «Хамсатул мутаҳаййирин», замондош дўстларин, мусоҳиблари Сайид Ҳасан Ардашерга бағишлаб «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», Паҳлавон Муҳаммадга номланган «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби асарлар яратган.

Маълумки, Алишер Навоий тожик халқининг машҳур шоири Абдурахмон Жомий билан жуда яқиндан дўст бўлган. Улар гоят бир-бирларини ҳурмат қилган. Зотан, улар жуда кўп ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий масалаларда сирдош бўлганлар, бир-бирларига ҳар ишда маслаҳатдош, ижодда эса кўмакдош бўлганлар. Улар бир-бирларига устозлик бурчини ўтаганлар. Бирга, ҳамдардликда элу юрт дардини чекканлар.

Жомий 1414 йил 7 ноябрда дунёга келган. У ўз даврининг энг катта ва доно маданият арбобларидан бири эди. Унинг ижоди ва ижтимоий фаолияти гоят кўп қиррали ва мураккабдир. У ўзига қадар ва ўз замонида бўлган фаннинг турли соҳаларини чуқур эгаллаган ва, айниқса, адабиёт назарияси, тилшунослик, тарих, фалсафа ҳамда музика илмида кўп иш қилган олим эди. У, бир томондан, ҳайратомуз комил санъаткор сифатида илғор фикрларни, инсонпарварлик ва ватанпарварлик гояларини ифодалади, улуғлади, куйлади, иккинчи томондан эса мамлакатда кенг қанот ёйган ҳам ҳоким бўлган ижтимоий фожианинг азобларига, енгилмас бўлиб кўришган замон зўравонлари тазйиқига бардош бера олмай, мистикага, тарки дунёчилик кайфиятларига берилган вақтлари ҳам бўлди. Лекин у ҳар нарсадан аввал ўзининг бадний ижоди билан алоҳида эътибор ва мақтовга сазовор бўлди, бутун дунёда шуҳрат қозонди ва ўз номини абадийлаштирди. У, биринчи навбатда, ўзининг юксак санъаткорлик ила яратган ажойиб поэмалари ва лирик шеърлари билан қимматлидир.

Мана шу ёрқин сиймонинг вафоти муносабати билан (Жомий 8 ноябрь 1492 йилда Ҳиротда вафот этган) Навоий унинг хотираси учун «Хамсатул мутаҳаййирин» («Ҳайратланганлар хамсаси») номли бир муқаддима, уч мақола ва бир хотимани (шунинг учун ҳам хамса — бешлик деб аталади) ўз ичига олган асарини ёзди.

Асар муқаддимасида Жомийнинг туғилиши, тарбияланиши, билим олиши, шоир ва олим бўлиб етишуви ҳақида сўз юртилади.

Биринчи мақолатда Жомий билан Навоий оралари-

даги самимий дўстлик, қизиқ воқеалар борасида ҳикоя қилинади.

Иккинчи мақолатда Жомий билан Навоий ёзишмаларидан намуналар келтирилади.

Учинчи мақолатда эса Жомий асарларининг рўйхат берилди. Унинг сўнгида Жомийнинг Навоий тавсияси, хоҳиши билан ёзилган асарлари санаб ўтилади. Шу бўлимда Жомий асарларидаги Навоийга бағишланган парчалар ҳам келтирилади.

Хотимада Навоий томонидан Жомий тавсияси билан яратилган ёки унинг ҳузурида мутолаа қилган асарлар санаб ўтилади. Жомийнинг кароматли одам бўлганига ишора қилувчи бир неча наҳллар ва Жомий бетоблиги, унинг вафоти муфассал ёритилади. Навоий ўзининг шу муносабат билан ёзган тўрт мисралик «тарих»и ва ҳар банди 10 байтдан иборат 7 бандли марсиясини келтиради.

Навоийнинг «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарининг аҳамияти асосан шундаки, Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, дунёқарашини ҳамда даври, муҳити ҳақида, унинг атрофидаги шахслар ва бу шахсларга бўлган муносабати ҳақидаги муҳим маълумотлар Сайид Ҳасан орқали берилди. Унда Навоийнинг Сайид Ҳасанга бўлган беҳад муҳаббати, ҳурмати, бунинг сабаблари очилади. Баён этилади, шу орқали Навоийнинг ажойиб маънавий қиёфаси, этик ва эстетик ҳиссиёти, характер ва фазилатлари намоён бўлади.

Навоийнинг хабар беришича, Сайид Ҳасан 894 ҳижрий йилида 73 ёшида вафот этади. Демак, унинг туғилгани 821 ҳижрийга (1415—16 милодийга), дунёдан ўтиши эса 1488/89 йилларга, яъни Навоий ҳаётининг энг оғир фожнали вақтларидан бирига — унинг Астрободга жўнатилиши, у ерда бўлиши ва ундан қайтиб келиши пайтларига тўғри келади.

Яна Алишернинг ўзи айтишича, унинг Сайид Ҳасан билан биринчи марта суҳбатида бўлиб танишиши 860 ҳижрийда, 1455/56 милодийда, яъни 14—15 ёшларида содир бўлади. Маълумки, 1452 йилда Ғиёсиддин Кичкина онласи, жумладан Алишер билан Ҳиротга қайтади. 1456 йилда Алишер Машҳадга боради ва Хуросон шоҳи Абулқосим Бобирнинг хизматига киради. Сайид Ҳасан ҳам шу саройда хизматда эди. 860 ҳижрийда тахтга Султон Иброҳим чиқади. Бинобарин, бу икки шахснинг биринчи

кўришиб суҳбатлашиши ҳам ғоят мураккаб ва катта сиёсий воқеалар рўй бераётган вақтга тўғри келади.

«Холоти Сайид Ҳасан Ардашер» Сайид Ҳасаннинг вафотидан кейин ёзилган. Унинг аҳамиятини ва тасодифий эмаслигини янада яхши тушунмоқ учун Навоийнинг бошқа асари — Сайид Ҳасанга бағишланган ва илмда «Хасби ҳол» ҳам деб аталадиган машҳур маснавийси ҳақида бир неча сўз айтиб ўтмоқ лозим.

Бу асар Сайид Ҳасаннинг ҳаёт вақтида ёзилган бўлиб, унда муаллифнинг барча бадий асарлари ва умуман, унинг дунёқараши учун энг характерли бўлган аксар ғоявий-фалсафий фикрлари, жумладан, даврдаги ҳоким социал фожиани дадил очиш ва кескин танқидга учратиш, зулм, зулмат ва адолатсизликдан аччиқ нола қилиш; мамлакатдаги вайроналик ва халқнинг чексиз оғир аҳволи аламини чекиш; ҳоким табақаларнинг мамлакатда кенг қанот ёйган ўзбошимчалиги, зўравонлиги, юлғичлигини ғазаб билан рад этиш; таланган халқ, хароба ҳолига келтирилган мамлакат ва беҳад таҳқир этилган, топталган инсон тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш; ғам, алам исканжасида ёлғизликдан, сирдош ва дардкаш дўсти Сайид Ҳасан билан айрилиқдан зорланиш ифодалангандир.

Ниҳоят, маснавийда шу саналиб ўтилганлар билан тақозо қилинган, ўша даврда кўп жиҳатдан ижобий роль ўйнаган ва Навоий дунёқарашининг ўзига хос бўлган пантеизмини кўрамиз. Маълумки, бу фалсафий системанинг асосий социал вазифаси ҳамда мақсади ҳар нарсадан олдин ўша замонларда оёқ ости қилинган, тамомила қадрсизлантирилган, хору зор этилган инсонни илоҳийлаштириш ва шу йўл билан уни муқаддас зотга айлантириш, қадру қимматини тиклаш, реал воқелик билан, яхши турмуш яратиш вазифалари билан боғлаш ҳамда бахтиёр этишдир. Навоий тўғридан-тўғри: худонинг дунёни яратишдан, тўғрироқ айтганда, мавжуд воқеликка айланишидан —

Эмас эрди мақсуд жуз одами,
Ки ҳақ сирининг бўлғай ул маҳрами.
Биринин ғараз гарчи инсон эди,
Анга доғи мақсуд ирфон эди²⁰—,

дейди.

²⁰ Алишер Навоий, Асарлар. 1-том, 473—474-бетлар.

Айтиш мумкинки, Сайид Ҳасан Ардашер маснавийда баён этилган юқоридаги фикр ва ғояларда Навоий билан ҳамфикр эди. Умуман айтганда, асарнинг худди Сайид Ҳасанга бағишланиб ёзилганининг ўзи ҳам тасодифий эмас. Ҳасан Ардашер Навоий ҳаётида энг катта ўрин тутган ва муҳим роль ўйнаган мустасно шахслардан бири эканлиги маснавийдан кўриниб туради.

Навоийнинг «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» рисоласида айтишича, Сайид Ҳасаннинг отаси шоҳ Бойсунғур мирзо мулозиматида бўлиб, қушчилик, овчилик юмуши билан машғул бўлар экан. Шу ҳунарда у жуда катта маҳоратга эга бўлганлиги туфайли юксак обрў қозониб, ҳатто қушбегилик вазифасига ҳам кўтарилади. Сайид Ҳасаннинг ўзи ҳам отасига эргашиб Бойсунғур хизматида бўлади ва кичик ёшидан бошлабоқ ўқиш ва ёзишга катта мойиллик кўрсатади. Шундай қилиб, кўп вақт ўтмай ўз атрофидагилар орасида ўз билими билан ажралиб турадиган даражага эришади, Навоий сўзи билан айтганда, «кўпрак замоннинг табъ ва фазл аҳлига фойиқ ва сарафроз бўлубдирлар». Унинг машғул бўлган ва ижод қилган соҳалари: араб тили, тилшунослик, риторика, фикҳ, шеър, муаммо санъати, тарих, астрономия, музыка назарияси ва ҳоказо.

Навоий «Мажолисун нафос»да Сайид Ҳасан икки тилда, яъни туркий ва форс тилларида баъзан назм айттар эди, дейди ва туркий тилдаги қуйидаги байтини келтиради:

Олоҳи нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил
Ки, исён зулмати ичра хароб аҳволу ҳайрондур²¹.

Сайид Ҳасан Ардашер мансабпарастликни, амалдорликни, ҳукмдорларга шахсий манфаат юзасидан мутиъ бўлиб хизмат қилишни нафратлар эди.

Юқорида айтанимиздек, 860 ҳижрий йилда (1455/56 милодий йил) Навоий у билан биринчи мартаба учрашади ва суҳбат қилади. Шундан кейин улар орасида жуда ҳам яқин дўстона муносабат пайдо бўлади ва давом этади. Навоийнинг ўзи бу ҳақда: «Алар тариқ ва равиши бу фақирни шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди

²¹ Алишер Навоий, Мажолисун нафос, Илмий-танқидий текст, 82-бет.

ва алар ҳам келиб аҳвол сўрарлар эрди. Ташвише бўлмамиш бўлгайким, букун сендин хабар топа олмадук»,— деб ёзади.

Сайид Ҳасан Ардашер Навоийни ёшлигида ва ундан кейинлар ҳам гоёвий йўналтириб туришга, ижод этишга ундар ва қўлидан келганча рағбатлантириб, унинг ижодининг ривожланишига ёрдам берар, ҳамдардлик ва сирдошлик қилар эди. Навоийнинг ўзи бундай дейди:

«Ва бу фақирнинг (Навоийни — *C. F.*) фақр тариқига далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб қилурлар эрди. Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутиб эрди, алар дағи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқур эрди ва мажлисда хушвақт бўлурлар эрди. Ул жумладин бу матлаъдурким, фард:

Фурқатингдин заъферон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар²².

Сайид Ҳасан Ардашер дунёвий шеърятни севади. Ҳофиз ижодига ихлос қўяди, аини замонда эса сўфилик кайфиятларидан ҳам холи эмас эди. Бу ундаги зиддиятдан дарак беради.

Сайид Ҳасан Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққанидан кейин шу шоҳ мулозиматида бўлади. Шоҳ унга катта илтифот ва эҳтиром кўрсатади. Аммо рисоладан кўринишича, бу нарса Сайид Ҳасанни у қадар қизиқтирмайди. Ниҳоят, ёши олтмишдан ошганидан кейин шоҳ хизматини тамомила ташлаш фикрига тушадики, бунинг сабаби илғор фикрли Сайид Ҳасаннинг ўз атрофидаги муҳит билан қаттиқ тўқнашишида кўринади.

Навоий Сайид Ҳасаннинг характери ва фазилатларини таърифлаб, қуйидагиларни айтади: У киши ҳам улуғ, ҳам кичик, оддий одамга жуда ширин сўз эди, уларни баробар кўрарди; қўлидан келганча ва ихтиёридаги бор барча нарса билан ўзгаларни шод этиш, буни ҳар нарсадан афзал кўриш, унинг учун қонун эди:

Ўзидин элга дарё—қатра осо,
Вале элдин ўзига қатра — дарё²³,

яъни ўзидан элга дарё кетса, унга қатрадак кўринарди, агар элдан қатра олса, бу унга дарёдек туйиларди. У киши ўтакетган даражада шафқатли бўлиб, хато қилиб,

²² «Ўзбек адабиёти», Тошкент, 1959, 2-том, 566-бет.

²³ «Ўзбек адабиёти», 2-том, 568-бет.

қўйганларга жуда сезгир, ғамхўр муносабатда бўлиш, тушунтириш ва тарбия қилишга интилиш зарур деб биларди. Жуда лутф ва тавозели, ғоят сабр-тоқатли эди. Бениҳоя юмшоқ кўнгилли бўлиб, дардли сўзлардан беҳад ғамгин бўлар, назм ва куйдан чексиз таъсирланар эди.

Сайид Ҳасаннинг замондан шикоят, даврдаги ҳоким ярамасликларга, саройдаги бўғиқ муҳитга бўлган нафрати унинг айниқса маълум даражада ёши улғайган вақтларида кучаяди. Навоий унинг масалан, Ҳусайн Бойқаро мулозаматидан кетиш учун қилган жуда қатъий ҳаракати ва бунинг сабаблари ҳақида ёзиши тасодифий эмас:

«Вой дунё шуглининг ибтидосидин! Ва юз минг вой дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ, замон жавру жафосидин! Наузу биллоҳ абнойи замон қасду ифсодидин! Қалам жардаи хушхиромининг инонин бу равишдин уюрмак керак, йўқ эрса, инони ихтиёрни иликдин олиб, сўз узар ва мақсудум бозорин бузар...

Алқисса, чун алар навкарлик балосидин ва сипоҳлик ибтилоқидин тенгри инояти била халос бўладилар ва... фақат тариқин ихтиёр қилдилар»²⁴.

Сайид Ҳасаннинг илғор фикрлилигидан дарак берувчи яна қуйидаги мисолни Навоий катта завқ билан келтиради:

Ултиришлардан бирида ҳозир бўлган фозиллар ўрта-сида нарсаларнинг бир-биридан фарқлари ҳақида сўз кетади. Шунда иштирок этаётганлардан бири қуйидаги байтни ўқийди:

Лаъл сангасту деги сангин санг,
Лек андар миён тафовут ҳаст²⁵.

Шунда Сайид Ҳасан жуда қойил қолиб, ҳаяжон ва завқ билан дейди: бир шайх айтибдурки, тош қозон билан лаълнинг иккалави ҳам тошдир, лекин ораларида фарқ бор. Тош қозон ёлғиз фойда беради, унда ҳар турли ширин таомлар пишади ва барча баҳраманд бўлади, лаълдан эса халойиққа ҳар турли балолар келади.

Ҳикояни давом қилиб Навоий айтади: иттифоқо худди шу вақтда шоҳ Абусаид кимдаки жавоҳир бўлса тортиб олиб, бўлмаса ҳаммани безовта ва ҳамма ерни ост-

²⁴ «Ўзбек адабиёти», 2-том, 570—571-бетлар.

²⁵ «Ўзбек адабиёти», 2-том, 572-бет.

уст қилиб, ахтариб элга қаттиқ зулм ўтказаетган экан, худди шу пайтда юқоридаги мажлис давом этаётган, байт ўқилаётган ва сўзлар айтилаётган экан.

Сайид Ҳасан Ардашер вафот этганда, Навоий Ҳиротда йўқ эди. Кейинчалик энг яқин дўсти ва отаси деб ҳисоблагани бу ғоят муўтабар зотнинг ўлимини жуда катта қайғу билан қарши олади, таъзия қондаларини бажо келтиради ва Ҳиротнинг шимолидаги тоғ этагидаги баланд ҳамда хушхаво ерга мақбара қилдириб дафн этади.

Хуллас, «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» Алишер Навоийнинг кўп жиҳатдан муҳим асарларидан биридир. У ҳақда юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларни қилса бўлади:

Сайид Ҳасан Ардашер ғоят мураккаб ва оғир шароитда ҳамда даври савияси тақозоси билан, баъзи жиҳатлардан зиддиятли, чекланган бўлса-да, ўз замонининг илғор фикрли, ғоят бой билимли, ажойиб фазилятли, ҳар ишда ибрат бўларли шахслардан бири эди. У Алишер Навоийни фарзандим деб атаб (буни Навоийнинг ўзи рисолада қайд қилади), унинг улуг зот бўлишида иштирок этган, муҳим роль ўйнаган, ҳамдарди, сирдоши ва дилкаш дўсти бўлган. Шу сабабларга кўра Навоий уни чуқур ҳурмат қилади, мадҳ қилиб кўкларга кўтаради ва ҳатто махсус асар ёзиб, унинг хотирасини абадийлаштиради.

Бу рисола одамларни бир-бирига олижаноб муносабат ва соф дўстлик руҳида тарбия қилишда ҳам муҳимдир.

«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»ни Навоий 1493—1495 йилларда ёзган.

Бу асар оддий мемуар, биографик характердаги асаргина эмас. Унинг аҳамияти ҳар жиҳатдан жуда каттадир. Унда «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»даги каби Навоийнинг даври, ундаги ижтимоий, сиёсий, идеологик ва маданий ҳаёт ҳақида, муаллифнинг биографияси, муҳити, дунёқараши, замондошлари, дўст ва устоз, мураббийлари, атрофидаги шахслар, уларга Алишер Навоийнинг муносабати ва ҳоказо ҳақида ғоят қимматли маълумотлар берилади.

Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг энг машҳур билимдон, энг маданиятли ҳамда ғоят ажойиб инсоний фазилятларни ўзида мужассамлаштирган илғор фикрли нодир шахсларидан бири бўлган.

Алишер Навоий бу муътабар зот билан 40 йил мобайнида бирга, ҳамнафас, ҳамсоя ва дўст бўлган. Бу нарса Навоийнинг улуғворлиги ва илғор фикрли нуруний сиймо эканлигидан далолат берувчи ғоят муҳим омиллардандир.

Навоийнинг таъкидлашича, ҳақиқатан ҳам Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг йирик энциклопедик билимли фозилларидан эди. Фаннинг бирон соҳаси йўқки, унда Паҳлавон Муҳаммад шуҳрат қозонган бўлмасин. У астрономия ва математикада, кимё ва фалсафада, адабиёт-шунослик ва санъатшуносликда, ҳуқуқшунослик ва бошқа билимларда ном чиқарган шахс бўлган. Навоий бу ҳақда шундай деб ёзади.

«Чун қобилияти баланд тушгандир ва мулоямати таъби барча фурунга муносиб ва баҳраманд воқе бўлгандир. Кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар»²⁶.

Унинг шу даражада юксак билимдонлиги учун фузалолар унга жуда катта ҳайрат ва ҳурмат билан қараганлар.

Ҳатто шоҳ бошлиқ аксар сарой аҳллари, зодагонлар ҳам қойил қолиб, унга шундай муносабатда бўлганлар.

Паҳлавон Муҳаммаднинг бундай нуруний шахс эканлиги ўша вақтлардаги конкрет шароитларда ғоят кенг ва катта ижтимоий маъно ҳамда аҳамиятга эга эди.

Ахир Хожа Аҳрорлар бошчилик қилган тескаричилар яқиндагина олим Улуғбекни ўлдирган ва унинг ҳамкасб ҳамда ҳамфикрларини дарбадар қилган эдилар. Қолаверса, феодал-клерикал иртижоъ фан, маданият ва маърифат байроқдори Алишер Навоийни қанчалик таъқибу таҳқир, азобу уқубатга дучор этмади.

Бунинг устига, кенг халқ оммаси сиёсий жиҳатдан мутлақо ҳуқуқсиз, иқтисодий жиҳатдан қашшоқ эди, маърифатга беҳад чанқов бўлиб, илмсизлик ва фанатизм асоратида эди.

Мана шундай ўта фожiali ва зулмат шароитларида Паҳлавон Муҳаммад фанда «нодири давронлардан» бўлиб, узоқ йиллар мобайнида билим ва маърифат машъалини баланд кўтарди.

²⁶ «Ўзбек адабиёти», 2-том, 574—575-бетлар.

Мана шунинг учун Алишер Навоий умр бўйи уни чексиз севди, ҳурмат қилди ва ниҳоят, ўзининг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деган асарини ёзиб, уни кўкларга кўтарди, хотирасини абадийлаштирди.

Паҳлавон Муҳаммад ўз даврининг энг йирик ва кўркамли санъат арбобларидан бири эди. Айниқса музика илми, бастакорлик ва хонандаликда машҳур эди.

Унинг ўзи бир қанча янги музика асарларини яратади, мавжуд куйларни ўзича ижро этиб, уларга янгича, ғоят катта маҳорат билан ижодий муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатади. Навоий ёзади:

«Ул жумладин, адвор ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва ҳусни савти хўб экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саканоти марғуб. Ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузуб, дахли том ва маҳорати молакалом топиб эрди ва дилкаш нақшлар ва амаллар ва дилписанд қавллар ва ғазаллар тасниф қилур эрди ва хўб айтур эрди...»²⁷

Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг машҳур амалларидан «чахоргоҳ», «сегоҳ», «панжгоҳ»ни эслатиб ўтади.

Шундай қилиб, Паҳлавон Муҳаммад кишиларни бой эстетик ҳиссиёт руҳида тарбиялашга, халқимизнинг музика, бастакорлик ва хонандалик санъатини бойитишга катта ҳисса қўшади ва шу билан ҳам ўз номини абадийлаштиради.

Паҳлавон Муҳаммад шунингдек, адабиётда, сўз санъати тарихи ва илмида ҳам энг билимдон шахс ва нафис ҳиссиётли, ҳам олим, ҳам маслаҳатгўй, ҳам ижодкорлардан бўлган.

У шеърятнинг жуда мураккаб ва нозик масалаларини ҳам назариётчи, ҳам ижодчи сифатида атрофли ва чуқур тушунган.

«... Шеър ва муаммо бобида илмий ва амалийсида Паҳлавон соҳиб вуқуф ва жалд эрди, ул навъким, замон шуаросининг юзидин бирига онча шуур ва вуқуф йўқтур ва аксар назм аҳли ҳар навъ айтсалар эрди — Паҳлавон назариға еткурурлар эрди ва анинг ислоҳ ва тағйир ва табдилини қабул қилур эрдилар»²⁸,— деб ёзади Навоий. У ғоят ҳайратомуз зўр ҳофизага эга бўлиб,

²⁷ «Ўзбек адабиёти», 2-том, 575-бет.

²⁸ «Ўзбек адабиёти», 2-том, 576-бет.

жуда кўп шеърларни ёддан билган ва шеър ўқишга жуда катта санъаткор бўлган.

У умуман давр адабий ҳаётини маълум маънода белгилаб ва йўналтириб турувчи улкан сиймолардан бири бўлган.

Навоийнинг айтишича, Паҳлавон Муҳаммад ижоднинг айниқса муаммо, тарих турларида катта маҳорат соҳиби бўлган. Умуман унинг шеърий асарлари жуда мароқли, чуқур маъноли ва ғоят нафосатлидир. Унинг шеърлари ўзининг юксак бадиийлиги билангина ажралиб турмайди. Уларнинг айниқса маълум қисми ўзининг социал мазмундорлиги ва илғор фикрлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Уларда бўғиқ муҳитдан шикоят, замонадан зорланиш, эркнинг чекланганлигидан қайғуриш, юксак умидларнинг баланд парвозини орзу қилиш каби кайфиятлар кўзга ташланиб туради:

Чу бар чарх равшан шавад холи ман,
Ба сад дийда гиръяд бар аҳволи ман.

Ҳама умр тухми беҳи коштам,
Чу вақти баромад набардоштам,

Зи он талх шуд зиндагонӣ маро,
Ки пири фиганд аз чавонӣ маро.

Кунун ман ва он шери занҷирям,
Бадар бурда ҳам зи ғам пириям.

Мазмуни:

Агар аҳволим фалакка маълум бўлса эди,
Юз кўз билан ҳолимға йиғлар эди.

Умр бўйи яхшилик уруғини экдим,
Униб чиққанида ўра олмадим.

Шунинг учун тирикчилик менга аччиқ бўлди,
Кексалик мени ёшлиқдан улоқтириб ташлади.

Мен энди у занжирбанд шер эмасман,
Ғам бутунлай олиб қўйган кексаман.

Шундай қилиб, Паҳлавон Муҳаммад ўз даври адабий ҳаётида катта ўрин тутган ва шу ҳаётнинг кўркем вакилларида бири бўлган, шу адабиётни бойитишга ўзининг муҳим ҳиссасини қўшган шахсдир.

Мана шу туфайли Алишер Навоий унга чуқур муҳаббат билан қарайди, уни самимий ардоқлайди ва юксак

эхтиром ҳамда миннатдорчилик билан ёдлайди ва авлодларга унинг гўзал қиёфасини чизиб қолдиради.

Паҳлавон Муҳаммад ғоят олижаноб инсоний ғазилатларга, аломат ва гўзал хислатларга эга эди. У халқ варзиш турларидан бири бўлган куштигирлик санъати — курашларда ҳамisha енгиб чиқиб, эл-юртда «Паҳлавон» номини қозонган баҳодирдир. Буни Навоий ҳавас ва ҳайрат билан қайд қилади.

Паҳлавон Муҳаммад жуда юксак одобли ва тавозели, одамларга меҳрибон ва ғамхўр эди. У фитна-фужурга, мунофиқларга, ҳасадчиларга нафрат билан қарайдиган, ёрдамга муҳтожларга дарҳол кўмак қўлини узатадиган, ғамлилар дардини бўлишадиган, аламлилар дилига малҳам берадиган олижаноб киши бўлган.

У хушмуомала ва нозик табиатли, танти, меҳмондўст ва ажойиб улфат, инсон қадр қимматини биладиган ва ҳурматлайдиган, ростгўй, беозор зарофатчи, ҳазил-мутойибачи эди. У софдил дўст, чуқур фаросатли ва яхши ибולי мусохиб, ўткир зеҳнли ва ҳозиржавоб шахс эди.

Масалан, Навоий Паҳлавоннинг ҳазил-мутойибага мойил табиати ҳақида сўзлаб қуйидаги эпизодни келтиради:

Кунларнинг бирида Навоий бетоб бўлиб қолади. Уни кўргани келган Паҳлавон Муҳаммад дўстининг дардини бир оз енгиллатиш учун қадимги одат бўйича уни уқалаб, суҳбатлашиб ўтирадилар. Уша кун тонгда Навоий:

Ҳар қаён боқсам кўзимга у қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар ул ой манга манзур эрур,—

деб бошланадиган бир ғазал ёзиб чўнтагига солиб қўйган эди. Паҳлавон Навоийдан туркигўй шоирлар орасида сени бебадал дейдилар, сен ўзинг кимни маъқулроқ кўрасан?— деб сўрайди. Навоий,— ҳаммалари ҳам яхши ёзганлар, менга маъқул,— деб жавоб қилади. Суҳбат давом этади. Навоий, ҳаммадан Лутфий яхши,— деганида Паҳлавон,— нега Сайид Насимий демадинг?— деб сўрайди.

Навоий бу ҳақда ўз мулоҳазаларини баён этади. Паҳлавон ҳам шу юзасидан бир неча сўз айтгач, тонгда Навоий ёзиб тугатган ғазални бошдан охиригача ўқий бошлади. Фақат ғазалнинг охиригача:

Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж
Йўқ ажаб, нечукки хом этган киши ранжур эрур

байтидаги — мақтаъдаги тахаллуси «Навоий»ни «Насимий» сўзига ўзгартиб ўқийди.

Навоий ниҳоят даражада таажжуб қилиб, сездирмасдан чўнтагига қўл солиб шеъри турганлигига ишонч ҳосил қилади. Бундан сўнг янада ҳайрон қолади. Навоий бу ишнинг тагига етмоқчи бўлиб ҳозир ўқиб берган шеърни Паҳлавон қачон ёд тутганини суриштиради. Паҳлавон: «Бундан ўн икки йилча бурун Абулқосим Бобир мажлисларида бу шеър ўқилиб турарди, мен уни ёқтириб ёдлаб олган эдим»,— деб жавоб беради. Эртасига Навоийни банд этган бу воқеа юзасидан яна сўз кетади. Паҳлавон айтганлари исботи учун уч-тўртта куштигирлар ҳам бу шеърни ёд билишларини Навоий ҳузурида намоиш қиладилар. Шоирнинг таажжуби янада ортади. Ахир бу шеърини ҳеч кимга кўрсатмаган, ўқиб ҳам бермаган эди.

Охири Паҳлавон Навоийга уни уқалаётганида чўнтагида қоғоз кўриб қолгани ва уни оҳиста чиқариб, ёнига очиб қўйиб, ёд тутиб олгани, сўнгра яна жойига солиб қўйгани, кейин оқшом бориб уч-тўрт куштигирга уни ёд олдиргани ҳақида сўзлаб беради.

Навоий, Паҳлавонлардан бундай ишлар тез-тез келиб турарди, деб, ҳикоясини тугатади.

Шундай қилиб, халқ орасидан чиққан, Паҳлавон Муҳаммад ўзининг бой инсоний хислат ва фазилатлари билан ажралиб туради.

Ниҳоят яна шунини айтиб ўтмоқ лозим. Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг ўзининг энг яқин ва самимий дўстларидан, маънавий устозларидан, мураббийларидан бири эканлигини гоят катта мамнуният ва миннатдорчилик билан қайд қилади.

Юқорида айтилганлар, айни чоқда Навоийдек улуг шахснинг фаолияти ва ижодининг йўналишида, тараққиёти ва тақомилида Паҳлавон Муҳаммад каби илғор маданият арбобларининг роли катта эканини кўрсатади.

«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»нинг аввалидан охирига қадар Навоий чин дўстларга, ажойиб фазилатли одамларга, ҳақиқий илм ва санъат аҳлларига чуқур ҳурмат ва мамнуният билан қарашнинг намунасини кўрсатади.

Бинобарин, айтиш мумкинки, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» беҳад софлик, катта дўстлик ва чуқур миннатдорчилик мадҳиясидир.

* *
*

Навоий (умрининг сўнггида ёзган асари «Маҳбубул қулуб»да) ўзининг машаққатли ҳаёт йўлини тасвирлаб ёзган эди:

«...Гоҳ мазаллат²⁹ ва ано³⁰ вайронида шеван³¹ кўргуздум ва гоҳ иззат ва ғино³² бўстонида анжуман³³ туздум.

Ифлос ва нотавонлиғ ҳангомида, яъни фалокат ва номуродлиғ айёмида гоҳ илми мадорисда³⁴ сафи ниолда³⁵ ер тутдим, гоҳ, уламо³⁶ мажолисида³⁷ илм нуридан кўнгулумни ёрутдим. Гоҳ лаимлар³⁸ олида³⁹ хорлиғ, гоҳ разиллар олида безътиборлиғ кўрдум ва гоҳ ших⁴⁰ куйида бебоклик ва одамкуш⁴¹ паричеҳраларга ҳалоклик даст берди ва гоҳ жунун маҳалласида арзол⁴² бўйнуғга силли⁴³ урдилар ва атфол⁴⁴ бошимга тош ёғдурдилар. Ва гоҳ шаҳрим эли ситамидин ғурбатқа туштим ва ғариб халойиққа қўшилдим ва қовуштим, гоҳ жибол⁴⁵ қулласи⁴⁶ оромгоҳим бўлди ва гоҳ саҳро этоки паноҳим бўлди. Ва гоҳ бу шиддатлардин азми ватан⁴⁷ қилдим ва ху-

²⁹ *Мазаллат* — хўрлик, хорлик.

³⁰ *Ано* — машаққат, кулфат.

³¹ *Шеван* — нола, фиғон, тунг.

³² *Ғино* — бойлик, эҳтиётсизлик.

³³ *Анжумон* — мажлис, йиғилиш.

³⁴ *Мадорис* — мадрасалар.

³⁵ *Ниол* — кавушлар (бирлиги — наъл, сафи ниол — кавуш қатори, энг қуйи ўрин).

³⁶ *Уламо* — олимлар.

³⁷ *Мажолис* — мажлислар.

³⁸ *Лаим* — паст, хасис, нокас.

³⁹ *Олида* — олдида.

⁴⁰ *Ших* — парвосиз, ҳайиқмовчи.

⁴¹ *Одамкуш* — одам ўлдирувчи.

⁴² *Арзол* — разиллар.

⁴³ *Силли* — шапалоқ.

⁴⁴ *Атфол* — болалар.

⁴⁵ *Жибол* — тоғлар (бирлиги — шабал).

⁴⁶ *Кулла* — чўққи.

⁴⁷ *Азми ватан* — чиқиб кетишга, жўнашга қасд қилмоқ.

мул⁴⁸ зовиясин⁴⁹ нишиман⁵⁰ қилдим ва гоҳ ғурбатда алил⁵¹ ва зариб элига замиғ⁵² бўлдим ва гоҳ азизлар хизматидин ўзумни баҳраманд ва сўзумни дилписанд⁵³ топтим.

Гардунки манго жафо ва дунлуқ⁵⁴ қилди
Гаҳ ком⁵⁵ сари раҳнамунлуқ⁵⁶ қилди.

Бахтим киби ҳар ишда забунлуқ⁵⁷ қилди,
Алқисса, баса буқаламунлуқ⁵⁸ қилди»⁵⁹.

Мана шундай қийинчиликлар билан ҳар қачон, ҳеч тинмайин, гоҳ ўз илғор интилиш ва ғоялари мадади билан излаган ҳақиқатини топгандек, кўзлаган мақсадига эришгандек бўлган, гоҳо эса ёпирилиб келаётган бало тўфони олдида ожиз қолиб, у ғоя ва ҳақиқат унинг кўзига сароб бўлиб кўринган; мағлубиятга учраганида бунинг сабабини била олмаганидан нолалар чеккан улғунсоннинг руҳий драмаси унинг бутун фаолияти ва ижоди замирида ётади.

Ўз халқи учун сидқидилдан хизмат қилган, ана шу хизмат йўлига ҳаётини тиккан Навоий шу халқ оmmasидан практик жиҳатдан деярли узилган эди. Унинг олижаноб дилига етишган жафоларнинг туб сабабларидан бири ҳам шу эди.

Лекин Навоийнинг айрим маҳдудликлари унинг илғор позициясига раҳна сола олмайди. Навоий ўз асарлари билан бутун Шарқ адабиёти ва фалсафасида реал мазмун билан суғорилган, гуманистик принципларга асосланган бутун бир система яратди.

Шунинг учун Навоий ижоди ўзбек халқининг Бобир, Турди, Машраб, Махмур, Хозиқ, Гулханий, Нодира, Увайсий, Мунис, Огаҳий, Қомил, Муқимий, Фурқат, Зав-

⁴⁸ *Хумул* — номаълум, ном-нишонасизлик.

⁴⁹ *Зовия* — бурчак.

⁵⁰ *Нишиман* — қуш уяси; турар жой.

⁵¹ *Алил* — касал, хаста.

⁵² *Замиғ* — хор, фақир.

⁵³ *Дилписанд* — дилга хуш келадиган, ёқимли.

⁵⁴ *Дунлуқ* — разиллик, пастлик.

⁵⁵ *Ком* — мақсад, тилак.

⁵⁶ *Раҳнамун* — етакчи, йўл кўрсатувчи.

⁵⁷ *Забун* — заиф, ожиз.

⁵⁸ *Буқаламун* — хамелеон, субутсиз, беқарор.

⁵⁹ *Алишер Навоий*, Асарлар, 15 томлик, 13-том, 7—8-бетлар.

қий, Аваз каби атоқли шоирларига баракали таъсир кўрсатди. Қардош халқлар адабиётининг илғор намоёндалари Ҳилолий, Фузулий, Охундов, Маҳтумқули, Абай, Абдулла Тўқай ва бошқалар Навоий асарларидан баҳраманд бўлганликлари ва унга эргашиб ижод қилганликларини фараҳ ва ғурур билан қайд қиладилар.

Бутун онгли ҳаёти ва баракали ижоди давомида халқларнинг озодлиги, фаровонлиги ва осойишталиги устида ғамхўрлик қилган, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг оташин куйчиси буюк Навоийнинг жўшқин овози ҳозирги кунимизда ҳам баланд жарангламоқда. Унинг яратиб қолдирган маънавий бойлиги янги вазифалар аспектида катта аҳамият касб этиб, ундаги илғор ва фойдали ғоялар мана шу янги вазифаларни ўташга хизмат қилиб келгани, қилаётгани ва бундан буён ҳам хизмат қилажаги шубҳасиздир.

ХУЛОСА

Алишер Навоий жуда мураккаб давр, шароит ва муҳитда, шу мураккаб давр, шароит ва муҳит тақозоси билан жуда мураккаб ҳаётни бошидан кечирди, ғоят мураккаб ижод йўлини ўтди. У умр бўйи катта ҳақиқат излади, ахтарди, адолат тантанасини таъмин этиш учун уринди. Шунда у нималар қилмади ва қандай ҳам аччиқ, ҳам чучук, ҳам фожиона, ҳам шодиёна хулосаларга келмади! Мана унинг ўз сўзлари:

Нечук май била бўлмасун улфатим
Ки, жон қасди айлар ғаму меҳнатим?!

Назар айла бу коргоҳ вазъига
Ки, ортар тамошасида ҳайратим.

Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятин,
Топа олмади саъй ила фикратим.

Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабда яқин бўлди, не ражъатим.

Не касби улум этти ҳал мушкилим,
Не тутти илик тақфию тоатим.

Толай деб хабар ушбу мақсуддин,
Туташти баса қавм ила суҳбатим.

Не қилди бу дардим иложин ҳаким,
Не шайх айлади дафъ бу иллатим.

Не қилмоққа пир амридин ҳосилим,
Не кечмакка бу фикрдин журъатим.

Менинг бошима бас қаттиқ тушти иш,
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим.

Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол¹.

¹ Алишер Навоий, Хазойинул маоний I, 696-бет.

У ҳақиқат излашда ва ахтаришда гоҳ ўзининг қолоқ замондоши даражасида бўлди, лекин, иккинчи томондан,— бу унинг учун характерлидир,— ҳаётбахш фикр ва улуғвор ғояларни ҳайратомуз санъат, самимият ва журъат билан илгари сурди, ифода этди, куйлади, давр доирасидан чиқди, давр савиясидан юқори кўтарилди. Мустасно бир титан сифатида давр билан беллашди, олишди, азиз элатини якка кифт бўлиб, зулм ва зулмат, қабоҳат ва қолоқлик, қашшоқлик ва адолатсизлик ботқоғидан кўтариб олиб чиқмоқчи, халос этмоқчи бўлди, эртаклардаги қудратли оловкор сеҳргардек ўз нафасидан манфур даврига қарата олов пуркаб турди.

Шунинг учун уни зўравонлар замони тўхтовсиз ва даҳшатли ҳамлалар қилиб бир аждаҳодек ютмоқчи бўлди.

Даҳо билан жоҳиллик, зиё билан зулмат, улуғ шахс билан олчоқ замон орасидаги олишувда у ҳам энгди, ҳам энгилди. У ҳаёт ва жамият тақдирини белгилайдиган, ҳал этадиган қатор масалаларда замонни рад этди, исёнкор бўлди, шундай ҳолда ҳамишаликка кўз юмди, инсоният тарихида абадий қоладиган бойлик яратди. Бу унинг зўр чиққанлиги, энгганлиги. Лекин у қанчалик уринмасин, ўзининг улуғвор фикр ва ғояларини амалга ошира олмади, бунинг туб сабабларини тушуниб етмади, дод солди, фарёд қилди, этак силтади. Шу маънода у энгилди.

Йиллар орқасидан йиллар ўтиши мумкин, баъзан бу йиллар асрлардан иборат бўлиши мумкин, лекин даҳо ўлмайди, жавоҳир ўз жилосини йўқотмайди, ҳақиқат барибир ғалаба қилади.

Улуғ Навоий улкан меросининг тақдири, унинг тарихи ҳам худди шундай бўлди. Асрий орзу-умидлар, ҳайратомуз хаёллар, афсонасимон интилишлар амалга ошган бизнинг жамиятда улуғ Навоий ўзининг чинақам мухлисларини топди. Унинг асарлари эндиликда янгича жило касб этиб, кишиларга ниҳоятда нозик эстетик завқ бахш этмоқда, у яратган олижаноб образлар кишиларни янгидан-янги эзгу ишларга илҳомлантирмоқда. Бундан буён ҳам у ўз асарлари, ғоялари билан илғор инсониятнинг биринчи сафларида туриб, халқларнинг бахт-саодати учун курашади.

МУНДАРИЖА

Навоний ҳаёти ва ижтимоий фаолияти	8
Навоний лирикаси	25
Навоний дostonлари	41
Навоний насрий асарлари	112
Хулоса	146

На узбекском языке

Суйима Ганиевна Ганиева

АЛИШЕР НАВОИ

(Жизнь и творчество)

Изд-во «Фан» Уз ССР
Ташкент — 1968

Муҳаррир *Д. Муминова*

Рассом *В. Тий*

Техмуҳаррир *Р. Рузиева*

Корректорлар: *Т. Абдужабборовва, М. Алиева*

Р15645. Теришга берилди 11/III-1968 й.

Босишга рухсат этилди 10/VII-1968 й.

Формати 84×108^{1/2} мм = 2,31 қоғоз. л. босма л. 7,77

Ҳисоб-нашриёт л. 7,0 Нашриёт № 2557.

Тиражи 3000 Баҳоси 41 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси

Черданцев кўчаси, 21. Заказ 75

Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.